

АБДУВОҲИД ОЧИЛДИЕВ

МИЛЛИЙ ФОЯ ВА  
МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР

“ЎЗБЕКИСТОН”

# ЎЗБЕКИСТОНДА МАФКУРАНИНГ МАЛДАРЛАШУВИ

## МЕДИАТ МАФКУРАНИНГ АДАВА

**Масъул мұхаррір:**

**С.Ш.Шермуҳамедов**, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, фалсафа фанлари доктори, профессор.

**Тақризчилар:**

**М.Қурунов**, педагогика фанлари доктори.  
**М.Нурматова**, фалсафа фанлари номзоди.

Монографияда миллий гоя ва мафкуранинг моҳияти, уларнинг миллат ва жамият ҳәётидаги ўрни билан боғлиқ масалалар таҳдил қилинган.

Шу билан биргаликда дунёнинг мафкуравий манзараси ва унинг шаклланишида этник омилнинг ўрни, кўп миллатлилик ва миллий сиёсат моделларининг ўзига хос хусусиятлари, мустақиллик шароитида мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар, бу жараёнда миллатлараро тутувлик гояси устуворлиги ва диний багрикентликнинг аҳамияти ҳам аниқ мисоллар, ҳәётӣ далил ва социологик тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда ёритиб берилган.

Китобда миллий гояни тарғиб қилиш ва миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этишда таълим тизими, оммавий ахборот воситалари ва мафкуравий тарбиянинг ўрни билан боғлиқ масалалар ҳам узвий бирлиқда тадқиқ этилган.

Республика байналилал маданият маркази Фан ва технологиялар маркази билан ҳамкорликда ишлаётган «Миллий истиқдол гоялари ва миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашнинг долларб муммомлари» мавзуидаги илмий лойиҳа доирасида яратилган мазкур монография миллий гоя ва миллатлараро муносабатлар масалалари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© «Ўзбекистон» нашриёти, 2004

**КИРИШ**

Фоянинг жамият ривожидаги ўрни, кишиларнинг ҳәётий мўлжалларини шакллантиришдаги аҳамияти ва сафарбар этувчилик қудрати жуда қадимдан чуқур англаб етилган. «Авесто»даги «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» гояси инсоннинг маънавий юксалиши ва жамият тараққиётининг мухим омилига айлангани фикримизнинг исботидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мустақил Ўзбекистонда миллий истиқдол гоясининг асосий тушунча ва тамойиллари ишлаб чиқилгани мухим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур. Бу табиий, зеро, «...токи ҳәёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манбаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий гояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади»<sup>1</sup>.

Миллий истиқдол гояси концепциясининг ишлаб чиқилгани ижтимоий жараёнлар ривожига мустаҳкам гоявий замин яратди. Бу миллий гоянинг ўзига хос хусусиятлари, унинг жамият тараққиётига таъсирини илмий муаммо сифатида ўрганишни долзарб вазифага айлантироқда.

Кўп миллатли давлатда миллатлараро тутувлик ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Унинг қарор топишида жамият ривожланишининг устувор йўналишлари, турли ижтимоий гурухлар ва сиёсий кучларнинг пировард мақсадларини ифодалайдиган гоявий жараёнлар ҳам катта ўринни эгаллайди. Шундай экан, миллий гояни миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга хизмат қилувчи омил сифатида илмий тадқиқ этиш жамият тараққиётининг ҳозирги даврига хос бўлган хусусиятларни чукурроқ англаб етиш имконини беради.

Дунёда чуқур ўзгаришлар содир бўлаётган ҳозирги даврда Ер юзиининг турли нуқталарида миллатлараро низоларни келтириб чиқарувчи зиддиятлар сақланиб қолмоқда. Ушбу зиддиятларни бартараф қилиш, уларнинг олдини олиш кишилик жамияти тарихий-тадрижий ривожланишини таъминлашнинг мухим шарти бўлиб қолмоқда. Бу амалдаги миллий сиёсат моделларининг моҳияти, уларнинг мафкуравий асосларини илмий-қиёсий ўрганишни долзарб қилиб кўймоқда.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий истиқдол мафкураси – ҳалқ ҳартияди ва буюк келажакка ишончидир. // Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. – 490 б.

Миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий барқарорлик ва ривожланишга кенг таъсир ўтказа бошлиши глобал, минтақавий ва ҳудудий геосиёсатда этник омил ролининг ошишига олиб келди. “Бу ҳол, давлатнинг ва минтақанинг хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган этник ва миллатлараро можаролар келиб чиққудек бўлса, уларнинг оддина олиш мақсадида мазкур жараёнларни мунтазам равишда ижтимоий таҳдил этиб боришни зарур қилиб қўяди”<sup>2</sup>.

Кўп миллатлилик<sup>3</sup> шароитида миллатлараро муносабатларни такомиллаштирумай, турли миллат ва элат вакилларининг ижтимоий жараёнлардаги тўлақонли иштирокини таъминламай туриб, жамият ҳаётининг ҳар томонлама янгиланишини тасаввур қилиб бўлмайди. Узоқ йиллар давомида кишилар онгода шаклланган стереотиплар қайта кўриб чиқилаётган ҳозирги даврда бу айниқса муҳимдир. Қайд этилган ҳолат мустақилликка эришган Ўзбекистон миллий сиёсатининг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама ва чуқур ёритиб беришнинг зарурлигини кўрсатади.

Таълим тизими ва оммавий ахборот воситаларининг сифатий ҳолати миллатлараро муносабатларнинг характерини кўрсатувчи муҳим индикатор ва фуқароларда мағкуравий иммунитетни шакллантиришнинг асосий бўғини ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий истиқдол тоғасини ижтимоий онгга сингдириш, ҳалқлар ўргасидаги дўстликни мустаҳкамлашда таълим тизими ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини кучайтириш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Қайд этилган омиллар миллий фоя ва миллатлараро муносабатлар масаласини узвий бирлиқда таҳдил қилиш йўлидаги уринишлардан бири бўлган ушбу тадқиқотнинг яратилишига туртки бўлди.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдил, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 88 б.

<sup>3</sup> «Кўп миллатлилик» айнан «миллатлар»нинг кўплигини англатади. Айни пайтда, мазкур тушунчани «кўплаб миллатлар ва элатлар вакиллари» маъносида ишлатиш ҳам кенг тарқалган. Монографияда ушбу тушунча асосан иккичи маънода ишлатилди.

## I боб.

### МИЛЛИЙ ФОЯ: МОҲИЯТ ВА ТАЛҚИН

Фоя<sup>4</sup> фалсафий тафаккур доирасида шаклланган нафақат энг қадимий, балки мазмунан кенг ва хилма-хил маъноларда ҳам талқин этилган тушунчалардан биридир.

Фалсафий тафаккур эришган натижаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда гоянинг моҳияти, гносеологик мақоми тўғрисида муйян умумий хуласаларга келинган.

Аввало, гояни билиш жараёнининг муйян натижаси сифатида тушуниш кенг тарқалганини таъкидлаш зарур. Шу маънода, у ўзи акс эттираётган объект, ҳодиса, жараённи ўрганиш натижасида ҳосил бўлган билимни ихчам ва умумлаштирилган ҳолда ифода этади. Бунда, бир томондан, ҳаётий-амалий фаолият давомида тўпланган тажриба, иккичи томондан, илмий билимлар эришган натижаларга таянилади.

Илмий факт, муаммо, фараз, назария каби воқеликни акс эттириш, илмий билишнинг ўзига хос шакли, янги билим ва парадигма сифатида чиқадиган фояда воқелик бундан кейин қай йўналишида ўрганилиши зарурлиги ҳақидаги кўрсатма, мақсад ботиний тарзда мужассамлашган бўлади ва шу туфайли у улкан йўналтирувчилик ролини ўтайди.

Илмий гояга хос бўлган хусусиятлар қараб чиқилганида, гоянинг тарихий тараққиётдаги ўрни янада ойдинлашади. Ҳар қандай фоя каби илмий фоя ҳам улкан йўналтирувчилик ролини ўтайди. Масалан, атомларнинг мавжудлиги ҳақидаги фоя асрлар давомида илмий изланишларни уни топиш, хусусиятларини тадқиқ этиш, дунёнинг тузилишидаги ўрнини аниқлашга йўналтириб келди. Натижада атом кашф қилинди. Бу кашфиёт оламнинг тузилиши тўғрисидаги тасаввурларнинг бутунлай ўзгаришига олиб келди. Аммо илм-фан тараққиётида ўта салбий из қолдирган файриилмий фоялар ҳам бўлган. Масалан, ўз даврида кибернетика ва генетиканинг “соҳта фан”лигини асослашга қаратилган гоянинг устувор бўлгани бу фанлар ривожини бир неча ўн йилга орқага суруб юборди.

<sup>4</sup> Арабча-мақсад, интилиш, ният, байроқ маъноларини англатади. Бугунги кунда араблар ўзбек тилида «фоя» тушунчасида ифодаланадиган мазмунни турли сўзлар билан ифодалайдилар.

Илмийоялар тараққиёт омилигатайланиси учун маълум бир шартшароит бўлиши керак. Яъни, биринчидан, жамиятнинг умумий билимдаражаси юзага келган янги билимни қабул қилишга тайёр бўлиши ва иккинчидан, уни текшириб кўриш, тасдиқлаш ёки инкор этиш имконияти — қуроллар, воситалар, молиявий ресурсларга эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, у маълум маданий-маърифий ҳодиса сифатида қолиб кетади. Абу Райхон Берунийнинг “Фарбий ярим шарда қуруқлик бор” деган фояси билан ана шундай бўлди. Ўша пайтда бу фоя ўзининг ҳақиқий баҳосини топмади. Орадан бир неча аср ўтгандан сўнг фарбий ярим шарда қуруқликнинг борлиги ҳақиқатан ҳам тасдиқланди. Бу қуруқликматерик кейинчалик Колумб томонидан кашиф қилинди, бироз кейинроқ эса Америка номи билан юритила бошланди.

Шунингдек, кўп нарса фоянинг воқеликка мос келиши, ҳақиқийлигига ҳам боғлиқ. “Абадий двигателни яратиш фояси кўплаб олимларнинг ҳаёти мазмунини ташкил этган эди. Уларнинг бутун ирода қуввати шунга ўйналтирилган эди. Аммо сақланиш қонунига зид бўлгани туфайли, фоя реалликдан узоқ бўлиб чиқди”<sup>5</sup>.

Ижтимоий фоя илмий фояга хос бўлган юқоридаги хусусиятлар билан бир қаторда улкан уюштирувчилик ролини ҳам ўтайди. Шу билан бирга, илмий фояларнинг жамият тараққиётидаги ўрни аксарият ҳолларда бильосита бўлса, ижтимоий фоялар социал жараёнларга бевосита таъсир ўтказа олади ва айтиш мумкинки, ўзига хос катализатор сифатида чиқади. Аммо ижтимоий фояга хос бўлган ўйналтирувчилик ўз мажиатига кўра ижобий ҳам, ўта салбий ҳам, шаклига кўра эса уюштирувчи ҳам, бузгунчи ҳам бўлиши мумкин. «Миллий фоя миллиатни, халқни бирлаштиришга қаратилиши керак. Миллатни бўлиб ташлашга асос бўладиган фоя бузгунчи фоядир», — деб ёзади Президентимиз<sup>6</sup>.

И.А.Каримовнинг бу сўзларида ижтимоий фояга хос бўлган ана шундай иккى ёқламалик ўз ифодасини топган.

Миллатни ҳалокат ёқасига келтириб қўйган бундай бузгунчи фоялар тарихда кўплаб бўлган. Ҳар қандай жамият муайян яхлитликни ташкил этсада, у хилма-хил элементларнинг бирлиги сифатида чиқади. Чунончи, жамият социал структурасидаги ўрнига кўра зиёлилар, дехқонлар, ишчилар, ишбилармонлар каби қатламлар ажратилади.

Жамият хилма-хил элементларнинг бирлиги экан, фақат ўзини муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларининг яккаю-ягона ифодачиси деб

<sup>5</sup> Саитходжаев Х.Б. Идея в структуре научного познания. Дисс.канд.филос.наук. – Т.: 1994. – С. 128

<sup>6</sup> Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. // Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 308 б.

биладиган, шунга ҳаракат қиласидиган кучлар топилиши табиий. Бундай пайтда миллий ҳаётнинг чигаллашуви, ички зиддиятларнинг кескинлашуви юзага келади.

Шу нуқтадан назардан қараганда, Октябрь тўнтаришидан кейинги воқеаларни эслаш кифоя. Марксча-ленинча мафкура билан қуролланган большевиклар ҳокимиёт тепасига келиши билан ишчилар ва дехқонлар манфаати жамиятнинг бошқа ижтимоий гуруҳлари манфаатларидан устун қўйилди. Мухолифатдаги сиёсий партиялар фаолияти тақиқланди, мамлакат фуқаролар урушига гирифтор бўлди.

Жамият большевиклар тақлиф этган, турли ижтимоий гуруҳларни қарама-қарши қўйишга асосланган фоя ва унга асосланган амалиётни қабул қилишни истамагани учун ҳам шундай бўлди. Демак, ўз қарашларини тўғри деб билган, уни жамоатчилик онгига тинч йўл билан сингдира олмаган, бунга ожиз бўлган кучлар ўз фояларини қурол кучи, зўрлик йўли билан жорий этишга ҳаракат қилганида оммавий қирғинликлар келиб чиқади.

Юқоридаги хусусиятларни ҳисобга оладиган бўлсак, “ижтимоий фоя” ва “ижтимоий мафкура” ҳамда “миллий фоя” ва “миллий мафкура” тушунчалари ўртасида яқинлик борлиги англашилади.

Бироқ бу уларни баъзан учраб турганидек синоним тушунчалар сифатида ишлатиш учун асос бўлолмайди. Чунки, биринчидан, “идеология” фоя (идея) ҳақидаги таълимот, бошқача айтганда, “фоялар тизими” маъносини англатади. Биз “идеология”нинг синоними сифатида қўллаётган “мафкура” билан “фоя” сўзи ўртасида бундай ўзак бирлиги йўқ. Бунга аниқ ишора бўлмаса-да, мафкура ҳам фоявий қарашлар тизимини ифодалаб келишини унумаслик лозим. Демак, мафкура бир бутун қарашлар, фоялар тизими экан, у фояга нисбатан ҳам мазмунан, ҳам ҳажман кенгроқ тушунча сифатида намоён бўлади.

Иккинчидан, фоядан фарқли равишда ҳар қандай мафкурада ижтимоий воқеликни сақлаб қолиши ёки ўзгартиришга қаратилганлик, яъни мақсадлар комплекси аксарият ҳолларда фояга хос бўлгани каби ботиний эмас, балки зоҳирий тарзда мавжуд бўлади ва унинг ўзагини ташкил этади.

Учинчидан, ҳар қандай ижтимоий фоя маълум бир мафкуравий қарашлар доирасидагина ўзининг уюштирувчилик ва ўйналтирувчилик салоҳияти, жозибадорлик кучини намоён қила олишини ҳам унумаслик лозим.

Тўртинчидан, ҳар қандай фоя фақат муайян мафкура доирасида амалга оширилган тарбия натижасидагина эътиқодга айланиси мумкин. “Фоя муайян мақсад сари сафарбар этса, мафкура бу мақсадни эътиқодга айлантиради... Фояни амалга ошириш йўлидаги сафарбарлик

жараёнида ҳар хил муаммолар, саволлар пайдо бўлиши табиий. Уларнинг барчасига жавоб топиш жараёнида мафкура шаклланади. Фоя ҳаётдаги ҳамма муаммо ва масалаларга жавоб бермаслиги мумкин. Лекин мафкура ҳаётий масалаларга ўз фоялари нуқтаи назаридан ёндашади ва ўзига хос жавоб топади”<sup>7</sup>.

“Фоя” ва “мафкура” тушунчалари ўртасидаги қайд этилган фарқлар уларни ёнма-ён, бир хил мазмунда қўллаш ўринли эмаслигини кўрсатади.

Шундай бўлса-да, илмий тадқиқотларда ушбу тушунчаларнинг қамров доирасини, ўзаро муносабатини белгилашда айрим назарий хатоларга йўл қўйилаётганини таъкидлаш зарур. М.Пардаев фикрича, фоя кишиларнинг мақсадини ифода этса, мафкура унга эришиш йўллари, воситаларни акс этириди, муайян фоя муайян мафкурага асос бўлади. “Фоя шаклланади, мафкура шу фояни амалга оширувчи восита сифатида на-моён бўлади. Миллий истиқтол гояси истиқтолга эришган халқнинг мақсад ва интилишларини ифода этса, унинг мафкураси шу фояни амалга ошириш усуллари ва воситаларини ифода этади”<sup>8</sup>, – деб ёзади у.

Бундай талқинни бошқа муалифлар қарашларида ҳам учратиш мумкин. Хусусан, А.Норбоев “фояларнинг амалга ошишини таъминловчи усуллар, воситалар, механизмлар тизими – мафкура демакдир”<sup>9</sup>, – деб таъкидлайди.

Султонмурод Олим фикрлари ҳам мазмунан шунга ўхшашдир. “Миллий мафкура – моҳияттан миллий гояга етиш йўли, – деб ёзади у. – Нима қилинса, шу гояга интилиш тезлашади, осонлашади, мақсад амалга ошади, қандай иш тутилса, мазкур гояга зид ҳаракатларнинг йўли тўсилади – миллий мафкура айнан ана шу саволларга жавоб беради.

Илмий тарзда айтганда, агар миллий фоя назария бўлса, миллий мафкура-амалиёт, ёки миллий фоя стратегия бўлса, миллий мафкура-тактика”<sup>10</sup>.

Кўриниб турибдики, мазкур қарашларга зиддиятилик хос. Зоро, бир томондан, фоя мафкурага асос бўлиши таъкидланса, бошқа томондан, гояга етиш йўли, воситалари ва усуллари билан чекланган ҳолда, мафкура ундан ташқаридаги амалий фаолият билан боғлиқ ҳодисага айлантирилалапти. Бу С.Олимнинг “миллий мафкура – амалиёт”дир деган фикрида ўзининг яққол ифодасини топган.

<sup>7</sup> Қаранг: Муртазо Қаршибой. Янгиланишдан – буюк ўзгариш сари. – Т.: «Faafur Fуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 2001. – 40 б.

<sup>8</sup> Пардаев М. Миллий истиқтол гояси: асосий тушунча ва тамойилларини тушунтириш хусусида. // Миллий истиқтол гояси тарғиботининг илмий асослари. – Т.: 2002. – 25 б.

<sup>9</sup> Норбоев А. Фоялар тарғиботида тушунчалар муносабати. // Миллий истиқтол гояси тарғиботининг илмий асослари. – Т.: 2002. – 44 б.

<sup>10</sup> Султонмурод Олим. Халқ таянадиган куч. – Т.: «Маънавият», 2001. – 5 б.

Шунга ўхшаш фикрларни бошқа асарларда ҳам учратиш мумкин, Масалан, М.Ортиқов ва М.Усмоновлар фикрича «Идеология (Idea—фоя, тушунча, logos—таълимот) атамаси эса фоялар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатилади:

– фояларнинг моҳият-мазмуни, шаклланиши, аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соҳа бўлиб ҳисобланади;

– муайян фояни амалга ошириш, мақсадга етиш усуллари, воситалари, омиллари тизимини англатади”<sup>11</sup>.

Ушбу ёндашувларда ҳам мафкуранинг гоявий-назарий қарашлар тизими экани бевосита инкор этиладики, бунга асло қўшилиб бўлмайди.

Мафкура доирасида ишлаб чиқилган билимлар, қадриятлар, идеалларни кишилар онгига сингдиришда мафкуравий тарбия, ташвиқт, тарғиботнинг ўрни катта. Қайд этилган қарашлардаги чалкашлик умумий тарзда “мафкуравий амалиёт” деб аталадиган мазкур ҳодисаларга хос бўлган хусусиятларни мафкуранинг ўзига тегишли деб билишнинг натижасидир.

Илмий тадқиқотларда фояни турли мафкуралардан юқори турувчи ҳодиса сифатида баҳолашга интилиш ҳам мавжудлигини таъкидлаш зарур. Хусусан, С. Тиллаев ва Г.Инсопова нафақат халқаро майдонда, балки бир мамлакатда ҳам турли мафкуралар бўлиши мумкинлигини таъкидлаб шундай ёзадилар: “Масалан, ҳар бир партиянинг ўзининг дастури, йўналишлари бўлиши мумкин. Аммо шу нарса эътиборлики, ҳар бир мамлакатда ўзининг тараққиёт йўли, барча мафкурадаги кишиларни бирлаштирувчи гоялари бўлади. Бу гоянинг номини миллий фоя дейиш мумкин. Ҳар бир партиянинг ўзини мафкураси бўлиши мумкин, лекин миллий фоя ҳар хил фикр, ҳар хил маслак, йўналишдаги одамларни келажак, мамлакат тақдиди йўлида, тараққиёт йўлида бирлаштирувчи фоя бўлади. Бундай гоялар тизимига масалан, мустақилликни асрар, Ватанни севиш, озод ва обод жамият қуриш гояларини киритиш мумкин”<sup>12</sup>.

Ушбу ёндашувда кўзга яққол ташланадиган қўйидаги жиҳатларга дикқатни қаратиш лозим. Биринчидан, ҳамма вақт ҳам миллий фоя барча мафкурадаги кишиларни бирлаштира олмайди. Масалан, ягона халифалик яратиш зарур деган қарашга амал қиласиган кучлар учун мамлакат мустақиллиги ҳам, миллий истиқтол гояси ҳам мутглақо аҳамиятсизdir. Иккинчидан, мустақилликни асрар, озод ва обод жамият қуришга турли кучлар, партиялар ҳатто бир-бирини инкор этадиган мафкураларга асосланган ҳолда эришишини мақсад қилиб қўйиш ҳам мумкин. Учинчидан, жамиятдаги барча кишиларни бирлаштирувчи ҳар қандай фоя ҳам

<sup>11</sup> Ортиқов М., Усмонов М. Фоя ва мафкура. – Т.: «Янги аср авлоди», 2001. – 10 б.

<sup>12</sup> Тиллаев С., Инсопова Г. Замон, мафкура ва ёшлар. // Миллий истиқтол гояси тарғиботининг илмий асослари. – Т.: 2002. – 47 б.

миллий фоя бўлолмайди. Хусусан, синфий кураш фояси собиқ СССР худудида мулқдорлар бутунлай йўқ қилиб бўлинганидан кейин бутун жамият миқёсида устувор бўлиб, турли ижтимоий қатламларни бирлаштириб турди. Шундай бўлса-да, моҳияттан у миллий фоя эмас эди, бўлолмасди ҳам. Зоро, у миллатларнинг қўшилиб кетишини асослаган, уни бош стратегик мақсади қилиб белгилаган мафкуранинг асоскор фояларидан бири эди.

Фоя ва мафкуранинг нисбати ҳақида гап кетар экан, уларнинг шаклланиш жараёни, вақтини белгилашда ҳам ўзига хосликлар кузатилаётганини қайд этиш зарур.

Масаланинг моҳиятига кириб бориш учун асос сифатида илмий фоянинг шаклланиши жараёнига хос хусусиятлар тадқиқ этиладиган бўлса, у ҳолда унинг мураккаб ва бир-бирига ўтиб турадиган, ўзаро узвий боғлиқ бўлган бир қатор босқичларни қамраб олишига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Илмий фоянинг шаклланиши олдин кузатилмаган факт, ҳодиса пайдо бўлишидан бошланади. Уларнинг мажмуи ўз навбатида муаммони пайдо қиласди. Муаммонинг ўзи ҳақидаги холосаларнинг шаклланиши ҳам унинг пайдо бўлганини аниқлаш, тасвирлаш ва ҳал қилишга киришишдек босқичларни қамраб олади. Сўнгги босқичда эса муайян фараз шаклланади.

В. Н. Карпович фикрича, “муаммо — фараз — қонун бир бутун занжир сифатида олинганда, системани ташкил этадики, уни илмий фоя сифатида қураш мумкин. Муаммо — фоянинг манбаи, фараз унинг дастлабки, қонун эса тугалланган ва тажрибада текширилган шаклда ифодаланишидир”<sup>13</sup>.

Мазкур методологик аҳамиятга эга қоидалар миллий фояга нисбатан татбиқ этилганда, фоя қисқа, мафкура эса узоқ вақт давомида шаклланади деган қурашларнинг ўринсизлиги ойдинлашади.

Бундай қураш фоянинг муайян шиор шаклида ифодаланиш босқичнингина ҳисобга олиш, унинг шаклланиши билан боғлиқ бўлган ва аксарият ҳолларда ботиний тарзда кечадиган жараёнларни чуқур англамаслик натижасидир.

Ваҳоланки, миллий фоя ҳамма вақт ҳам муайян шиор шаклида ифодаланмайди. Диний-фалсафий ва сиёсий мазмунга эга «рус фояси» бунинг исботи бўла олади. Бир неча асрлардан бери муҳокама ва мунозара қилиб келинаётган ушбу фоянинг мазмуни таҳлил қилинадиган бўлса, у баъзан бир-бирига зид бўлган қурашлар, сиёсий, маънавий-ахлоқий та-мойиллар тизими сифатида чиққанини кўриш мумкин. Шундай бўлсада, рус халқи ва Россиянинг инсоният истиқболини белгилаб беришга дахлдорлиги, миллий руҳияти, мардлиги ва фидойилиги, эркинликка

бўлган муҳаббатининг ўзига хослиги марказий ўринни эгаллаган «рус фояси» ҳар бир даврда муайян сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий муаммоларни ҳал қилишга чақириқ сифатида янграган<sup>14</sup>.

Аммо миллий уйгониш жараёнлари чуқурлашиб бораётган кўп миллатли Россияда бу фоя бугунги кунда бир хил маънода тушунилмаслиги аниқ. Оммавий ахборот воситаларида Россия Президенти ҳузурида миллий мафкура бўйича Кенгаш тузиш, мамлакатнинг бундан кейинги ривожланиши йўналишини белгилаб берадиган миллий фояни ишлаб чиқиш тўғрисида фикрлар билдирилаётгани шундай хуласа чиқариш имконини беради<sup>15</sup>.

Фоянинг қисқа вақт давомида шаклланиши ҳақидаги фикрларнинг баҳсли эканини мамлакатимизда кечган жараёнлар ҳам тасдиқлади. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йилларида коммунистик мафкуранд қутилиш мақсадида деидеологизация жараёни олиб борилди. Мазкур жараёнда сароб бўлсада, социалистик мафкура кишиларга муайян ҳаётий мўлжалларни бериб келгани маълум бўлди, унинг барбод бўлиши эса жамиятда, кишилар онгидаги бўшлиқнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу бўшлиқнинг хавфи уни эски мафкура, эски тузумни “янгиланганд” шаклда тиклаш, диний-экстремистик кучларнинг кишилар онгини эгаллашга уринишларида яққол намоён бўла бошлади. Дастлаб якка-якка ҳодисалар, фактлар кўринишида бўлган бундай уринишлар тобора тизимли характер касб эта борди. Масалан, 1996 йилнинг 15 марта Россия Федерациясининг Давлат Думаси 2 та қарор қабул қиласди. Улардан бирда Россия Олий Кенгашининг 1991 йил 12 декабрда Совет Иттифоқининг барҳам топгани ва унинг ўрнида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузилгани ҳақидаги қарори бекор қилинган бўлса, иккинчисида СССРни сақлаб қолиш бўйича 1991 йилнинг 17 марта таъказилган референдум натижаларини Россия Федерацияси учун ҳуқуқий кучини эътироф этишга қаратилган эди. Ҳар икки ҳужжат ҳам, моҳияттан собиқ Иттифоқни қайтадан тиклаш мақсадларига бўйсундирилган эди<sup>16</sup>.

Табиийки, бундай ҳолатларнинг олдини олиш зарур эди. Ана шундай вазиятда Президентимиз томонидан ушбу муаммони ечиш йўли сифатида жамиятни ижтимоий мўлжаллар билан қуроллантирадиган, кишиларни келажакка ишонч руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган миллий мафкуруни шакллантириш кун тартибига қўйилди.

<sup>14</sup> Қаранг: Троицкий Е.С. Русская идея. // Национальные отношения. Словарь. (Под общ. ред. В.Л.Калашникова). – М.: «Владас», 1997. – С. 148-150.

<sup>15</sup> Қаранг: Меликова Н., Офитова С. С политикой и деньгами разобрались. Очередь за мозгами. // «Независимая газета», 2 декабря, 2003

<sup>16</sup> Қаранг: «Известия», 17 марта, 1996.

<sup>13</sup> Карпович В.Н. Проблема, гипотеза, закон. – Новосибирск, 1980. – С.12.

“Олдимизда турган энг мұхым масала, – деб ёзган эди И.А.Каримов, — бу — миллий истиқол мағкурасини яратиш ва ҳәётимизга татбиқ этишdir ”<sup>17</sup>.

Ана шундан сүнг узоқ давом этган баҳсу мунозаралар, мұхокамалардан сүнг чуқур ва тизимли асосланған миллий истиқолғоғасининг яхлит концепцияси яратилди.

Құрниб турибдикі, фақат бизнинг воқеиликка нисбатан олинганда ҳам, ушбу концепциянинг шаклланиши кам деганда ўн йиллик тарихга эга.

С.Олим фикрича “миллий мағкура бир-икки йил, ҳатто бир-икки ўн йилликларда шаклланадиган нарса эмас. Ўзбек халқи камида уч минг йиллик миллий тарихга, миллий давлатчиликка эга экан, демек, миллий мағкура ҳам камида шунча тарихий йўлни босиб ўтган. Шунинг учун, бугун қайси даврда халқимиз қандай миллий мағкура асосида ривожланғанлигини ўрганиш жуда мұхим”<sup>18</sup>.

Миллий мағкураның шаклланиши жараёнини бундай узоқ мұддатлы жараён сифатида баҳолаш, унинг тарихини эса бир неча минг йилликлар билан боғлаш ҳам баҳслидир. Бу ўринда миллий мағкурада баён этилган қоидалар, тамойиллар, дастурий кўрсатмаларнинг конкрет тарихий шароит ва вазият билан боғлиқ ҳолда такомиллашиб бориши билан миллий мағкураныңғоявий-назарий қарашлар тизими сифатида шаклланишидек икки бир-бираидан фарқланувчи жараён айнанлаштирилаётганини кўришимиз мумкин. Масалан, миллий истиқол мағкурасининг Ватан равнақи, юрт тинчлиги, комил инсон ва шу каби асосийғоялари яқин ва узоқ келажакда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаслиги табиий. Фақат уларни рӯёбга чиқаришда асосий эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатлар ўзгариб бориши мумкин, холос. Шундай экан, юқоридаги каби талқин бизнингча, ўринсиздир. Зоро, унга риоя қилинадиган бўлса, миллий мағкурағоявий-назарий қарашлар тизими сифатида ҳеч қачон шаклланиб бўлмаслиги аниқ.

Айни пайтда, С.Олим қарашларидан миллий истиқол мағкураси тарихи билан утаяниши, озиқланиши мумкин бўлган мероснинг тарихи айнанлаштирилади, бундай ёндашувни ҳам тўғри деб бўлмайди.

“Фоя” ва “мағкура” тушунчалари ўртасидага юқорида қайд этилган фарқлар “миллий Фоя” тушунчасининг мазмунини аниқ белгилаб олиш имконини беради.

“Ҳар бир нарсанинг ўз ибтидоси ва интиҳоси, яъни бошланиши ва охири бўлади. Фоялар ҳам ўз «умри»га эга. Улар ҳам маълум маконда ва

<sup>17</sup> Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. // Ўзбекистон: миллий истиқол, иқтисод, сиёсат, мағкура. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 203 б.

<sup>18</sup> Султонмурод Олим. Халқ таянадиган куч. – Т.: «Маънавият», 2001. – 7 б.

замонда пайдо бўлиши, жамият ривожига муайян ҳисса қўшиши, кишиларнинг онги ва қалбидан жой олиши, ўз умрини яшаб, жозиба кучи ва қувватини йўқотгач, тарихий хотирага айланиши ҳам мумкин”<sup>19</sup>.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ижтимоий Fоя ва унинг ўзига хос кўриниши бўлган, соҳиби—субъектига кўра фарқланувчи миллий Fоя ўз моҳиятига кўра қисқа даврда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар, кўзда тутилган мақсадларни ёки узоқ мұддатни қамраб оладиган мўлжалларни ҳам ифодалаши мумкин. Ўз даврида фашистлар босиб олган Францияда “Қаршилик кўрсатиш”ғоясинаң миллий даражага қўтарилигани ва Франциянинг озод этилиши билан ўз аҳамиятини йўқотгани ҳам фикримизга далил бўла олади.

«Америкача орзу»ғоясинаң эса миллийғоянинг ўз моҳиятини сақлаб қолган ва ҳар бир даврда конкрет мазмунга эга бўлган ҳолда узоқ вақт давомида жамият тараққиётининг мұхим омили сифатида чиқа олиши мумкинлигини исботловчи мисол сифатида қарааш мумкин.

Тадқиқотларда, АҚШни барча давлатларнинг олдинги қаторида борадиган, чекланмаган ва тенг имкониятлар мамлакати, конкрет шахс, фуқаро мұваффақиятини жамият мұваффақияти сифатида эълон қилган мазкур Fоя ушбу мамлакатнинг буғунги ривожланиш даражасининг маънавий замини сифатида баҳоланиши бежиз эмас.

Шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг мутаносиблигини улуглаш, кўлга киритилмаган натижалар АҚШнинг цивилизация ривожланишининг чўққисига чиқиши даврида аста-секин ҳал этилади, деган қарааш буғунги кунда ҳам олиб борилаётганғоявий-тарбиявий ишларнинг ўзагини ташкил этмоқда<sup>20</sup>.

Миллий Fоя моҳиятини белгилаш масаласида ҳам ўзига хосликлар кузатилмоқда. Хусусан, “Fоя бир мамлакатнинг ўзига тааллуқли бўлса, уни миллий Fоя дейиш мумкин” ёки “Ватаннинг илфор кишилари томонидан ишлаб чиқиладиган ва ҳеч бўлмагандан, фуқароларнинг кўпчилиги томонидан кўллаб-кувватланадиганғояларга миллий ёки умумимиллийғоялар дейилади”, — деган фикрларни учратиш мумкин.

Бизнингча, бундай ёндашувлар баҳсли ҳисобланади. Муайян ҳолларда бир, тўғрироғи бутун, мамлакатга тааллуқлилик ижтимоий Fоянинг миллий мақомини кўрсатувчи белгилардан бири сифатида чиқади. Аммо бу асосий мезон бўла олмайди. Акс ҳолда, муайян мамлакатда ҳукмрон бўлган агрессив миллатчилик ёки ирқчилик кабиғояларни ҳам миллий Fоя сифатида тан олишга тўғри келади.

<sup>19</sup> Ортиков M., Усмонов M. Fоя ва мағкура. – Т.: «Янги аср авлоди», 2001. – 10-11 б.

<sup>20</sup> Қаранг: Калашников В.Л. Американская национальная идея (Американская мечта). // Национальные отношения. Словарь (Под общ.ред. В.Л.Калашникова). – М.: «Владас», 1997. – С. 9-10.

Иккинчи ёндашувда эса, миллий фоянинг моҳияти унинг кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланиши билан чеклаб қўйилмоқда. Муайян илмий фоянинг кўпчилик олимлар томонидан тўғри тушунилмаслиги, тан олинмаслиги унинг илмийлигини инкор этиш учун асос бўлолмаганидек, миллий фоянинг моҳиятини ҳам фуқароларнинг кўпчилиги томонидан тан олиниши билан боғлаб қўйиш ўринли эмас. Негаки, кўпчилик томонидан тан олиниши миллий фоянинг моҳиятини эмас, балки унинг мавқенини, жамиятнинг турли қатламлари томонидан тан олинганини, улар орасида нечоғли кенг тарқалганини белгилаб беради.

Илмий изланишларда миллий фояни «ўз тарихий, ижтимоий, сиёсий, маданий, маънавий асослари, моҳияти ва мазмунига эга бўлган, жамиятдаги барча миллатлар, партия, ҳаракат ва қатламларнинг манфаат ҳамда интилишларини умумлаштирадиган, уларни мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида бирлаштирадиган фоявий қарашлар ва тамоиллар мажмуудир», — деб таърифлаш ҳоллари ҳам учрайди.

Бундай таърифларда ижтимоий фоянинг ўзига хос шакли бўлган миллий фоянинг сифатий хусусиятлари очилмай қолишини қўйидагиларда кўриш мумкин.

Биринчидан, ҳар қандай ижтимоий фоя ўзининг тарихий, ижтимоий, сиёсий, маданий, маънавий асослари, моҳияти ва мазмунига эга бўладики, бу уларни фақат миллий фояга хос хусусиятлар сифатида ажратиш имконини бермайди.

Иккинчидан, миллий фоя жамиятдаги **барча** миллатлар, партия, ҳаракат ва қатламларнинг манфаат, интилишларини умумлаштира олмаслиги ҳам мумкин. Зоро, жамиятда айрича манфаат ва интилишларга эга партия ва ҳаракатлар ҳамиша топилади. Масалан, «Миллий яраш» фояси Афонистондаги барча кучлар ва сиёсий ҳаракатлар томонидан бирдай қўллаб-қувватланмаётгани туфайли мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш мушкул кечеётгани фикримизнинг далили бўла олади.

Учинчидан, миллий фоя партия ва ҳаракатларнинг манфаатларини ифода этиши мумкин эмас. Чунки, уларнинг ўзи жамиятдаги турли қатламлар манфаатларини ифодаловчи институционал ҳодисалар сифатида чиқади.

Тўртинчидан, мустақилликни мустаҳкамлашга йўналтирилганлик ҳам миллий фоянинг асосий сифатий белгиси бўлолмайди. Чунки, у истиқлолга эришишга ёки Франциядаги «Қаршилик кўрсатиш» фояси каби, уни тиклашга йўналтирилган бўлиши ҳам мумкин.

Бешинчидан, йиғма характерга эгалиги туфайли ҳам, юқоридаги каби таърифларда миллий фоянинг субъекти масаласи ойдинлашмай қолишини таъкидлаш зарур.

Бизнингча, **миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини англашни ўзида мужассамлаштирган, унинг этноижтимоий бирлик сифатидаги туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалайдиган, тараққиётiga хизмат қила-диган фояга миллий фоя** дейилади.

Миллий фоя ҳар бир даврда аниқ тарихий мазмун касб этади. Хусусан, миллий истиқдол фоясини миллий фоянинг мустақилликни қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш даврининг ўзига хосликларини яхлит тарзда характерлайдиган хусусий ҳолати, кўриниши сифатида баҳолаш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, “миллий фоя” “миллий истиқдол фояси”га нисбатан кенгроқ мазмунга эгадир. Зоро, миллий истиқдол фояси миллий ривожланишнинг муайян босқичигагина хос бўлган қарашлар тизимини ифодалайди.

Миллий истиқдол фояси мустақилликка эришгунгача бўлган даврда ўзига хос характер касб этади. Бу даврда у айнан истибодд мafкураси ва амалиётiga қарама-қарши ўлароқ шакллана бошлади. Истибодднинг моҳиятини очиб ташлаш, сиёсий, ижтимоий-иктисодий, ҳуқуқий ва маданий соҳаларда миллат манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, давлат мустақиллигига эришиш ёки уни қайта тиклаш учун курашни назарий жиҳатдан асослаш, халқ онгига сингдириш унинг бу даврдаги асосий вазифаси ҳисобланади.

Миллий истиқдол фояси мустақилликка эришилгандан сўнг ўзгача характер касб этадики, бу унинг олдида турган вазифаларда ёрқин на-моён бўлади. Бу даврда у қўлга киритилган мустақилликнинг сиёсий, ижтимоий-иктисодий, ҳуқуқий ва маънавий асосларини мустаҳкамлашни фоявий жиҳатдан таъминлашга хизмат қиласди. Бу умумий вазифа истиқлолнинг моҳиятини фаол тарзда ижтимоий онгга сингдириш, миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналарни тиклаш, ҳар томонлама ривожлантириш, истибодд даврида юзага келган иллатларни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан сиқиб чиқаришдек бир - бири билан узвий боғлиқ конкрет вазифаларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Уларнинг характеристи, кўлами ва ўйналиши, биринчидан, миллат бошиб ўтган тарихий йўлнинг хусусиятлари, этник ўз-ўзини англаш ва мамлакат тараққиётининг даражаси, социал барқарорлик ва миллатларро тотувликнинг мавжудлиги, мустамлакачилик сиёсати қолдирган асоратларнинг моҳияти каби бир қатор ички омиллар ва, иккинчидан, халқаро ҳамжамиятнинг, айниқса қўшни мамлакатларнинг ўш мустақил давлатга муносабати билан белгиланади.

Бугунги ҳаётимизга татбиқан олинганда, миллий истиқдол фояси истибодд иллатларига барҳам бериш, Мустақиллик, Эрк ва Озодлик туйгуларини, Истиқлолнинг улуф неъмат эканини кишиларимиз онгига

сингдириш, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида барқарор ривожланиш йўлига чиқиб олиш, бир сўз билан айтганда, эришилган мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, яъни ўтиш даври учун аҳамиятли бўлган қарашлар тизимини ифодалайди.

Аммо юқоридаги вазифаларни ҳал этиш билан миллый ҳаёт ҳам, тараққиёт ҳам тұхтаб қолмайды. Биз ҳозирдаёқ миллат сифатида ривож-ланишимизнинг яқин ва узоқ истиқболдаги вазифалар күламини тобора чуқурроқ тасаввур қилиб бормоқдамиз. Келажаги буюқ давлат пойдеворини яратып шешімдерге қарастырып, оның мемлекеттік миссиясын жүзеге асыруға мүмкіндік берілді.

Жамиятнинг мураккаб этник таркиби, турли этник гурухларнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва манфаатлари ҳам миллий фоянинг миллий истиқол оғаси шаклида чиқишига замин яратиши мумкин. Хусусан, кўп миллатлилик, айниқса, мультимиллатлилик шароитида алоҳида олинган этнос миқдоран устуворлик қилмаган ёки муайян миллий манфаатларга урғу бериш адекват қабул қилиниши қийин бўлган ҳолларда миллат, жамият, давлатнинг эркин ва озод ривожланишини таъминлашга қаратилган қарашлар тизимини миллий истиқол оғаси шаклида баён этиш ўринлидир. Бу истиқолни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш асосий мақсад эканини аниқ ифодалаш имконини беради, турли миллат ва элат вакилларининг шу йўлда яқдил ҳаракатини таъминлашга йўл очади. Аммо ҳар қандай вазиятда ҳам миллий истиқол оғаси моҳияттан миллий фояга хос сифатий хусусиятларга эга бўлади.

Инсоният – халықлар, миллатлар мажмудиидир. Шундай экан, том маңнодаги миллий фоя охир-оқибатда, озми-күпми инсоният тақдирига таьсир қиласы. Шу маңнода ҳар қандай миллий фоя ўз моҳиятига күра уму-минсонийдир. Аммо аниқ бир миллат ёки умуман инсоният учун аҳамиятли бўлган фоялар ҳам бор. Айтайлик, “Миллий яраш” фояси фуқаролар уруши кетаётган давлат учун ҳаётий мазмунга эга бўлса, “Манфаатли ҳамкорлик” фояси дунёнинг барча мамлакатлари учун бирдай аҳамиятлидир.

Тарихий тараққиёт “миллый гоя” масаласи миллат ҳаётининг муайян даврларида ўта долзарб ахамият касб этицидан далолат беради.

Жаҳон тарихига назар ташлар эканмиз “ким эдик?” “ким бўлдик?” “ким бўлмоқчимиз?” деган бир-биридан мураккаб ва ҳамиша ҳам бир хил ечими топилмайдиган саволлар кўплаб марта ўта кескин даражада кўйилганига ва туб бурилишлар даври деб аталағидан янги бир сифатдаги ижтимоий воқеъликнинг юзага келишига сабаб бўлганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Зоро, бу саволлар ортида нафақат ўтмиш ва мавжуд ҳолатни, балки келажакни ҳам англаш, босиб ўтилган йўлга баҳо бериш, ундан

түгри ва ўринли хуласалар чиқариш ҳамда уларга таянган ҳолда истик-  
болни белгилаш масаласи ётибди. Қизиги шундаки, юқоридаги саволлар-  
га ҳам асосан уч хил жавоб берилган. Бошқача айтганда, жамиятнинг  
эртанги кунини белгилайдиган уч хил йўл танланган. Улар жумласига,  
биринчидан, мавжуд ижтимоий воқеликдан қониқиш, демакки, уни  
сақлаб қолиш (консерватив), иккинчидан, ундан норозилик, демакки  
бутунлай бузиб ташлаш (инқилобий) ёки учинчидан, аста-секин барҳам  
топишини таъминлаш ва шу орқали янги муносабатлар тизимини қарор  
топтиришдек (эволюцион) тараққиёт йўлларини киритиш мумкин.

Юқоридаги мулоҳазалар ҳамда ижтимоий ғоянинг мазмуни инобатга олинидиган бўлса, куйидаги хуоса келиб чиқади. Ҳар бир ҳалқ ўз тарихининг бурилиш нуқталарида аввало моҳият эътибори билан мафкура масаласини, унинг ўзагини ташкил этадиган, ўзига хос бирлаштирувчи ядро вазифасини ўтайдиган ижтимоий ғояни шакллантириш муаммосини ҳал қилишга ҳаракат қиласди. Аммо бунинг натижаси ўлароқ юзага келган ижтимоий ғоя ва мафкураларнинг ҳаммаси ҳам эзгуликка хизмат қилмаган. Миллат олдида турган муаммоловни илмий ечишга асосланган ғояларгина жамият тараққиётига хизмат қилган ва қилаётган бўлса, унинг илмийликка хилоф бўлган, гайриинсоний мазмун билан сугорилган турли шакллари жаҳон ҳалқларини ҳар хил балоларга мубтадо қилишда давом этмоқда.

Демак, миллий фоя миллий ҳаётда кечәётган жараёнлар, ҳаёттый эхтийёжа манфаатлар билан узвий бирликни ташкил этади, бири иккинчисини такозо қилади ва белгилаб беради.

Мамлакатимиз учун миллий foя, миллий истиқол мафкураси ҳақида-  
ги масаланинг қўйилиши ҳам ҳаётий эҳтиёжнинг инъикоси бўлганини  
таъкидлаш зарур. Хусусан, айрим тадқиқотларга кўра, бундай эҳтиёж:  
а) республиканинг иқтисодий мустақиллиги ва суверенитетини таъ-  
минлашдек асосий стратегик вазифаларни ҳал қилишга меҳнаткашлар-  
ни йўналтириш; б) барча миллатлар ва элатлар, синвлар, ижтимоий  
гурухларнинг бирлигига асосланган, ягона миллий уйғониш фронтини  
вужудга келтириш борасидаги давлат ва жамият манфаатлари; в) ижти-  
мойи муносабатларнинг барча соҳаларининг объектив суверенлигини ва  
фуқаролик жамияти қуришни назарий асослаш; г) ижтимоий-иқтисо-  
дий тараққиётнинг мустақил, ўзига хос, муносиб йўлини танлаш ва  
эътироф этиш; д) сифат жиҳатидан янги маънавий-маданий, сиёсий ва  
мафкуравий қадрияларга йўналтирилган шахснинг янги типини шакл-  
лантириш"дек омиллар билан белгиланади<sup>21</sup>.

<sup>31</sup> Правовое государство=независимость, нация, экономика, идеология, политика. Том 1. – Т.: «Адолат», 1994. – С. 11

Миллий истиқололға көзінің долзарб ҳәеттій - зарурий әхтиёжга айланғаны фақат шулар биланғина чекланмайды. Бириңчидан, биз үтиш давридамиз. Яңғы иқтисодий тизим ахолининг табақалашувини (республика раҳбарияті бунинг чуқурлашиб кетишини олдини олишга ҳаракат қылмоқда), халқнинг маълум бир қисмінің камбағаллашуви, аҳволининг озми-кўпми оғирлашуви келтириб чиқариши табиий. Айнан шундай пайтда ахолининг турли қатламлари манфаатларини ифодаловчи бир-бираға зид бўлган фояларнинг шаклланишига шароит яратилиши мумкин.

Иккинчидан, бизда диний қадриятларнинг тикланиши содир бўлмоқда. Бундай шароитда диний экстремизмнинг кучайиши, динни расмий мағкура даражасига кўтаришга ҳаракат қылувчи кучлар пайдо бўлиши мумкин. 1999 йилнинг 16 февралидаги Тошкентда, 2004 йилнинг марта ва апрелида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятларида содир бўлган воқеалар бундай кучлар ўз мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан тап тортмаслигини, улар муайян ташкилий структура ва ўз ҳомийларига эгалигини очиқ намоён этди.

Учинчидан, бизга кўшни бўлган айрим мамлакатларда маҳаллийчилик, қариндош-уругчилик заминида жамиятни бўлиб юборишга уринишлар содир бўлаётганини ҳам унутмаслик лозим.

Шундай экан, миллат, жамиятнинг қандай асосларга кўра бўлмасин бўлинib кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида каттағоғ пайдо бўлади.

Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган оқилона сиёсат туғайли бундай жараёнларнинг олди олинган экан, бугунги кунда эришилган натижаларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролараро ва миллатлараро тутувликни янада мустаҳкамлаш объектив заруриятдир.

Бунга эса жамиятнинг барча қатламлари, ҳар бир аъзоси учун бирдай қадрли бўлган миллий истиқололға көзінің олдини изчил ҳәётта татбиқ этиш орқалигина эришиш мумкин. Зеро, Президентимиз ўринли таъкидлаганларидек, “Мафкура ҳар қандай жамият ҳәетидаги зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар”<sup>22</sup>.

Миллий истиқололға көзінің ўзлигимизни англаш, бирлигимизни таъминлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим экан, уни изчил ҳәётга татбиқ этиш зарурияты бунга тўсқинлик қилаётган ва таҳдид солаётган омиллар олдини олиш әхтиёжи билан ҳам белгиланади.

XX асрда иккى жаҳон урушини бошдан кечирган инсоният сўнгиги йилларда турли сабабларга кўра юзага келаётган ва ўз оқибатларига кўра

жаҳон урушларидан ҳам фалокатлироқ бўлган янгидан-янги можароларга дуч келмоқда. Бундай можаролар унга тортилган давлатлар ҳәетини издан чиқарибгина қолмай, қўшни халқлар руҳияти, турмуши, тараққиётига ҳам жиддий ва сезиларли салбий таъсир ўтказиши табиий, албатта. Афсуски, мустақилликка эришган Ўзбекистонга чегарарадош худудларда ҳам ана шундай можаролар давом этмоқда.

ХХ асрнинг сўнгги йилларида бундай можаролар билан бир қаторда диний экстремизм ва фундаментализмдек ўта хавфли қараашлар тизими ва фаолият усули ҳам тарих саҳнига чиққанини таъкидлаш зарур.

Мамлакатимиз тараққиётти, кишиларимиз онги ва руҳиятига ўзларининг тор манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таъсир кўрсатишга ҳаракат қиласидиган кучлар, диний экстремизм, агресив миллатчилик ёки буюк давлатчилик шовинизми шаклидаги фоялар мавжуд бўлган вазиятда “одам ўз мустақил фикрига, событ ётиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳәетий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазиқларига бардош бериши амри маҳол”<sup>23</sup>.

Шундай экан, ана шу хавф йўлида қалқон бўладиган, истиқолони мустаҳкамлашга қаратилган, эртанги кунга ишонч ҳиссини тарбиялагоми керак бўлган фоялар кишиларимиз онгидаги устувор бўлмоғи лозим. Зеро, Президентимиз ўринли таъкидлаганларидек “Фояга қарши фақат фоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин”<sup>24</sup>.

Миллий истиқололға кишиларимиз онгидаги устуворлигини таъминлашнинг долзарблиги юқорида қайд этилган ташқи омиллар билан бирга қатор ички омиллар билан ҳам белгиланади. Улар ичидаги, биринчидан, ниҳоятда нозик соҳа ҳисобланмиш миллатлараро муносабатларни уйғулаштириш, этник ўз-ўзини англаш ўсиб бораётган бир пайтда бу соҳада ўзаро ҳурмат-эътибор ҳиссининг устувор бўлишини таъминлаш ва, иккинчидан, давлатнинг конституциявий асослари, маънавий-ахлоқий негизларининг емирилишига, муайян вазиятларда эса ижтимоий-сиёсий аҳволнинг бекарорлашувига олиб келадиган коррупция ва жиноятчиликдай ўта хавфли иллатларга қарши кураш ва таъбир жоиз бўлса, ўзига хос мафкуравий иммунитет тизимини яратиш заруриятини ажратиб кўрсатиш зарур.

“Миллий фоя — миллатнинг олий идеалини (омолини), узоқ муддатли мақсадларини, орзу-умидларини, иродасини, таъбир жоиз бўлса,

<sup>22</sup> Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. // Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. 7-жилд. - Т.: «Ўзбекистон», 1999. - 86 б.

<sup>23</sup> Ўша ясар. - 88 б.

ўзига хос тарихий “даъвосини” умумий шаклда ифодалайди. У содда ва тушунарли тарзда икки оғиз сўзда биз интилаётган, қураётган жамиятнинг моҳиятини ифодалаши лозим<sup>25</sup>.

Шундай экан, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек мўлжалимиzinинг шарти, асосий тамойилларидан бири сифатида намоён бўладиган “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат” деган гоянинг мазмунига тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон — кўп миллатли давлат. Демак, унинг буюк келажаги мамлакатда истиқомат қилаётган халқларнинг ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигидан ташқарида воқе бўлиши мумкин эмас.

Айни пайтда, ўзга миллатлар ва элатлар эҳтиёжи ва манфаатларини тўғри англаш, уларга нисбатан одилона муносабатда бўлиш миллатнинг етуклигини белгилаб берувчи, ўзига ўҳшаганлар ичida тенглигини англаганини кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади.

“Истиқололга эришган халқ ўзгаларга зуфум қилмайди, — деб ёзди Президентимиз. — Маълумки, тазийқ ва таҳқир туйғуси аламзадалик уйғотади. Биз эса тазийқ ва таҳқирдан қутилган, ўз қадрини билган халқмиз. Ўз кучига ишонган ва ўзгаларга ҳамдард бўла олишга қодир эркин халқмиз<sup>26</sup>. Ҳар бир халқнинг инсоният тарихида ўзига хос, ноёб ва бетакор ўрни бор. Шу маънода уларнинг ҳар бири буюқdir. Аммо буюқлик сифати фақат ноёблиқ, бетакорлик каби хислат, фазилатлар билан ҳам чекланмайди. Буюқлик инсоният илм-фани, адабиёти, санъати, умуман маданияти ривожланишига қўшган, қўшаётган ва қўшиши мумкин бўлган ҳиссаси ва ижтимоий-иктисодий, сиёсий салоҳияти ва имкониятлари, давлатлараро муносабатларда, минтақа ва дунё даражасида реал ўйнай оладиган улкан роли каби бир қатор омиллар билан ҳам белгиланади. Табиийки, барча миллат, давлатларда ҳам бундай имкониятлар бир хил эмас.

Фоя ўз моҳиятига кўра объектив характерга эга бўлади. Тадқиқотчилар фикрича, бу унинг, биринчидан, объектив реалликнинг, иккинчидан, тўплангандан тажрибанинг ва, учинчидан, жамият ҳаётий эҳтиёжларининг инъикоси сифатида чиқиши билан белгиланади. Агар бундай объектив хусусиятларини йўқотса, у ҳолда фоя ёлғон, хаёлий гояяга айланади<sup>27</sup>.

Ҳар бир гоянинг қиммати унинг мана шу объективлиги, яъни етилган эҳтиёж ва заруриятни нечоғли тўғри акс эттириш даражаси, амалиёт ривожидаги ўрни ва аҳамияти билан белгиланади. Агар мана шу мантиқ-

<sup>25</sup> Эркаев А. Миллий гоя моҳияти. — Т.: «Маънавият», 2001. — 6 б.

<sup>26</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат.// Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқолол, иктисод, сиёсат, мағкура. 1-жилд. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. — 105 б.

<sup>27</sup> Қаранг: Саитходжонов Х.Б. Идея в структуре научного познания. Дисс.канд.филос. наук. — Т.: 1994. — С.58

дан келиб чиқадиган бўлсак, юқоридаги гояда эркин ва фаровон ҳаётни, Ватан озодлиги ва ободлигини таъминлашга, буюк келажакка эгалик қилишга асос яратадиган реал ижтимоий-сиёсий, иктиносидий ва маънавий омилларни билиш, ўрганиш ва яратишга чақириқ мавжудлигини кўрамиз. Унда бундай истиқбол учун замин бўла оладиган улуф тарихга эгалигимиз ҳам ботиний тарзда ўз ифодасини топган. Айни пайтда, юқоридаги фоя фаолиятимиз парадигмаси сифатида чиқади, мақсадимизни аниқ аён этади. Бир сўз билан айтганда, эртанги кунимизга ишонч туйгуларни тарбиялашга, ўз йўлимиз, истиқтолимиз ва истиқболимиз йўлида мустаҳкам эътиқод ва кучли иродада билан ҳаракат қилишга ундейди. Энг муҳими бундай мақсаддин кўзлашимиз учун барча асослар бор, у ўзининг ҳаётий илдизларига эга.

Аввало, Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улугбек, Навоий, Имом Бухорий, Ат Термизий, Бурҳониддин Марғонний, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий каби алломаларимиз бор. Уларнинг асарларисиз жаҳоннинг бугунги илм-фани, маърифати, инсоннинг маънавий-руҳий изланишларини, умуман олганда, маданиятини тасаввур қилиш қийин, амалий жиҳатдан мумкин эмас. Айни пайтда, Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби аждодларимиз асос соглан буюк давлатчилик тарихи ҳам бор.

Шундай қилиб, “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат” деган гояда улугликка даъвогарлигимиз теран тарихий илдизларга эгалигига ишора, уни билиш, англаб етиш, онгимизга жо қилишга чақириқ ва муносаби ворис бўлишга даъват мавжуд.

Узоқ вақт истибоддод остида бўлдик. Халқимизнинг кўплаб асл фарзандлари, даҳолари бегуноҳ қурбон бўлди. Тарихимизнинг кўплаб саҳифалари ўрганилмади. Буюқлик сарчашмаларидан бебаҳра бўлиб келдик. Кўплаб маданият дурдоналари изсиз йўқолиб кетди. Сир эмаски, кимларнингдир “ёрдамида” маданиятли бўлган халққа айландик. Ўзлигимизни йўқотиш даражасига келиб қолдик. Бу эса аниқ мақсадга қаратилган сиёсатнинг натижаси эди. Унинг моҳияти ўз вақтида чор генерали М.Г.Черняев томонидан аниқ ифодалаб берилган эди. У подшога ёзган маҳфий хатларидан бирида шундай фикр билдирган: “Бу ерда ҳар қандай қўшинни тўзғатиб юборадиган бир қудратли куч бор: бу туркестонликларнинг кечмиш хотираси... ҳар қандай кучни ва миллатни сингтан турқлар ҳозир ҳам ўша хотиралари билан ҳар қандай ташабbusни синдира оладилар. Демакки, туркларнинг биргина ўзини енгиш кифоя эмас. Уларнинг хотираларини, тарихини ҳам енгмоқ қерак”.

Мустақиллик туфайли ана шундай сиёсат ва амалиёт барҳам топди. Унинг иллатлари эса тутатилди ва тутатилмокда. Бу ўз давлатига эга

Эркин Халқ, Озод Ватан бўлганимиз натижасидир. “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат” деган фояда ана шу ҳурлика ишора, уни кўз қорачиғидек асраршга ва қўлга киритилган мустақилликни ҳар томонла ма мустаҳкамлашга даъват мавжуд. Зоро, ҳур бўлмаган халқ ҳеч қачон буюк бўлолмайди.

К.И.Иванова фикрича фоя, унинг олдиндан айтиб бериш функцияси, у ёки бу даражада ҳали маълум бўлмаган ҳодисани очиб беришга хизмат қиласиди. Бунда олдин мавжуд бўлган, аниқ бўлган ва тушунти боротнинг конкрет маълумотларига таянган ҳолда номаълум фактлар ва қонунларга нисбатан дедуктив мулоҳазалар сифатида чиқади<sup>28</sup>. Демак, фоя ўзи акс эттираётган воқеиликнинг мавжуд моҳияти, ривожланиш қонуниятларидан келиб чиқиб, айрим тенденцияларда намоён бўла бошлигани унинг кейинги ривожланиш босқичларини олдиндан айтиб беришга хизмат қиласиди.

Мазкур методологик аҳамиятга эга қоидадан буюклик фақат ўтмишда қилинган улуф ишлар, қўлга киритилган ютуқлар билангина чегараландиди деган хулоса келиб чиқади. Бугунги кунда маданиятимиз дунёга юз тутаётгани, математика, биология, геология, медицина каби қатор фан соҳаларида катта муваффақиятларга эришаётган илмий мактабларимиз жаҳоннинг буюк давлатлари илмий мактаблари билан бўйлаша бошлигани ва дунё илм-фани саҳнida ўз ўрнига эга бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Американинг инсоният маданияти, санъати, илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган инсонларни қайд этиб борувчи машҳур Библиографик институти 2000 йилда “Йилнинг инсони” сифатида Иммунология институти директори, медицина фанлари доктори Руслан Рӯзибоқиевни эътироф этгани, 2003 йилда яна бир юртдошимиз Анвар Зоҳидов нанотехнологиялар соҳасида олиб борган тадқиқотлари учун АҚШнинг «Американинг йил муҳандиси» мукофотига сазовор бўлгани ҳам шундай имкониятларимиз борлигидан далолат бериб турибди<sup>29</sup>.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам улкан муваффақиятларга эришилаётгани юқоридаги фоянинг мустаҳкам замонавий асосга эга эканини яна бир бор тасдиқлади.

Спортчиларимиз қитъя ва жаҳон шоҳсупаларини тобора кўпроқ ва хилма-хил соҳаларда бирин-кетин эгаллаб бормоқдалар. Хусусан, 1996

<sup>28</sup> Қаранг: Иванова К.И. Принцип причинности в системе принципов научного познания. – Т.: «Фан», 1974. – С. 92

<sup>29</sup> Қаранг: Кто мы есть на этой Земле? // «Ташкентская правда», 20 января, 2001; Американская премия узбекскому ученому. // «Правда Востока», 11 марта, 2003

йилда Атлантада бўлиб ўтган XXVI олимпиадада қатнашган 197 давлат орасида Ўзбекистон олимпия термаси жамоа ҳисобида 58 ўринни, 2000 йилда Сиднейда бўлиб ўтган XXVII олимпиадада 200 давлат орасида эса 41 ўринни эгаллагани, спортчиларимиз 1991 йилда ўтказилган энг йирик халқаро мусобақаларда 104 та, 2000 йилда эса 592 та олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритгандари ҳам мамлакатимизда спортнинг нечогли тез ривожланиб бораётганини ёрқин ифодалайди<sup>30</sup>.

Жаҳон тажрибасида кузатилмаган, таълим тизимининг ўрта мактаб, ўрта-маҳсус ва олий таълим каби уч босқичини қамраб олган “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” ўйинларининг ташкил этилиши ва кенг миқёсда ўтказилишининг ўзи ҳам бу йўналишдаги ўзгаришларнинг қўламини ёрқин кўрсатиб бера олади.

Ўзбек курашининг дунё саҳнига чиққани, жаҳон чемпионатларининг ўтказилиши ва 70 дан ортиқ давлатларда кураш федерациялари ва ассоциацияларининг тузилиши ҳам мазкур жараённинг нечогли қамровли кечаётганидан далолат беради.

Мазкур йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилингани бу заминни янада мустаҳкамлайди<sup>31</sup>.

Бугунги кунда республикамизда фан ва таълим, соғлиқни сақлаш ва маданиятни янада кенг ривожлантириш учун ҳам барча ишлар қилинмоқда. Мамлакатда янгидан-янги академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўкув юртлари фаолият олиб бормоқда. Ўрта ва ўрта-маҳсус таълим тизимида 550 мингдан ортиқ педагоглар, олий ўкув юртларида 17,5 минг профессор—ўқитувчи меҳнат қилмоқда<sup>32</sup>. Буларнинг барчаси улкан интеллектуал ва маънавий-маърифий салоҳиятимиздан далолат беради.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги янгиланиш ҳам чукурлашиб бормоқда ва ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлиди. Хусусан, бугун “Ўзбекистонда тайёрланган” тамғаси босилган маҳсулотларни дунёнинг турли чеккаларида учратиш мумкин. Буларнинг барчаси буюкликка даъво қилишими замонавий заминга ҳам эгалигининг далолатидир.

Демак, “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат” деган фоя ҳар томонлама ривожланган буюк давлат қуришдек мақсадимизни аниқ аён этади. Бир сўз билан айтганда, бу фоя эртанги кунимизга ишонч туйғуларни

<sup>30</sup> Қаранг: Олимпия билимлари асослари. – Т.: «Шарқ», 2002. – 24, 92 б.

<sup>31</sup> Қаранг: «Халқ сўзи», 22,31 октябрь, 2002

<sup>32</sup> Бекмурадов М. Жамоатчилик фикри. // «Хуррият», 4 декабрь, 2002

тарбиялашга, ўз йўлими, истиқлолимиз ва истиқболимиз йўлида мустаҳкам эътиқод ва кучли ирода билан ҳаракат қилишга ундейдиган куч сифатида чиқади.

Фоя воқеликни ўзгартириш, такомиллаштириш заруриятидан келиб чиқади. Аммо унинг аниқ ифодаланиши, ҳаётий жараёнларни тўғри акс эттиришининг ўзи унинг воқеликка айланиши учун етарли эмас. «Инсон бахт-саодат нимадалигини тушунган бўлсаю, унга эришишни мақсад қилиб олмаса, фоя ва хоҳишига айлантиргаган бўлса, унга нисбатан озигина бўлсада, шавқ ва завқ сезмаса, истак ва мулоҳазасини, куч ва қувватини бошқа нарсаларга сарфласа, бу қилмишлари ёмон ва ноўриндир.

Инсонлик моҳияти ҳақиқий баҳт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий фояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у баҳт-саодатга эришади», — деб ёзган эди Форобий<sup>33</sup>.

Демак, фоянинг воқеликка айланишида ишонч, эътиқоднинг ўрни ниҳоятда каттадир. «Ҳаётий меъёrlаримиз тўғрилигига ишонч ҳосил қилмасдан яшашимиз мумкинми? Йўқ, инсон ишончсиз сўқир ва ҳимоянлиздир. Эътиқодсиз инсонни даҳшат ва таҳликали қўрқув қамраб олади»<sup>34</sup>, — деб ёзган эди Э.Фромм.

«Фоя эътиқод бўлган жойдагина амалга ошади»<sup>35</sup>, — деб ёзади О.Файзуллаев. Профессор Иброҳим Каримов эса фоянинг воқеликка айланишини имон билан боғлайди ва эътиқодни унинг намоён бўлиш томони сифатида баҳолайди. «Имон инсон онги ва ҳис-туйғусига сингтан фоя, дунёқарашдир, шунинг учун у қурдатли ҳаракатлантирувчи кучдир. Ҳар қандай дунёқараш... инсон имони, одамлар уюшмаларининг маслагига айлансанга ҳаракатлантирувчи моддий куч сифатида майдонга чиқади»<sup>36</sup>.

Мазкур фикрлар ижтимоий фояга татбиқан олингандা, у жамиятдаги барча ижтимоий ҳаракатлар, сиёсий кучлар учун бирдай қадрли бўлиши, қўллаб-қувватланиши кераклигини, акс ҳолда у қанчалик жозибали бўлмасин фоялигича қолиб кетишини англатади. Чунончи, Афғонистон учун аҳамиятли бўлган “Миллий келишув” фояси ҳануз шиор бўлиб қолаётгани фикримизга далил бўла олади. Бунинг акси ўлароқ «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» деган фоя ёшларимиз онгидан мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда. «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик

<sup>33</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: «Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашириёти», 1993. – 188 б.

<sup>34</sup> Фромм Э. Бегство от свободы. Человек для себя. – Мин.: «Поппур», 1998. – С. 541

<sup>35</sup> Файзуллаев А. Ф. Проблемы мобилизации возможностей человека в современных условиях. // Методологические основы поиска возможностей развития науки. – Т.: «Фан», 1990. – С. 129

<sup>36</sup> Каримов И.А. Имон ва инсон. – Т.: «Фан», 1991. – 47 б.

фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларига кўра<sup>37</sup> «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат эканнига ишонасизми?» — деган саволга респондент ёшларнинг 54,2% “ҳа, ишонаман”, 37,1% “ҳа, тўлиқ ишонаман” деб жавоб берган. Умуман олганда эса, уларнинг мутлақ кўпчилиги (91,3%) мамлакатимизнинг буюк келажагига ишонишни таъкидлаган<sup>38</sup>.

Юқоридаги мулоҳазалардан миллий гоя кишиларимиз онгидан чукур жой олган, эътиқод даражасига кўтарилигандагина ўзининг улкан яратувчилик салоҳиятини, ҳаракатлантирувчи кучини намоён қила олади, деган хулоса келиб чиқади. Шуни назарда тутиб, И.А.Каримов «мафкуранинг ҳаётийлиги унинг ҳалқ табиатига, турмуш ва тафаккур тарзига нечоғли мос бўлиши, энг муҳими, жамиятнинг миллий манфаатларини, орзу интилишларини қай даражада акс эттириши билан ўлчанади. Фақат шундай мафкурагина ҳаёт ва давр синовларига бардош беради, одамлар унга ишониб, ўзининг иймон-эътиқоди сифатида қабул қиласади. Шундагина у замонавий қуролдан ҳам кўра кучли руҳий-маънавий қудрат касб этади», — деб ёзади<sup>39</sup>.

Демак, фоя фақат кенг қамровли мафкуравий назария ва амалиётнинг узвий қисмига айлангандагина жамият олдида турган муаммоларнинг ечи мини топишга хизмат қиласади ва миллий парадигма сифатида чиқа олади.

<sup>37</sup> «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқотларда аксарият ҳолларда мамлакатимизнинг ҳамма минтақалари, аҳолининг барча ижтимоий ва этник қатламлари қамраб олинишини инобатта олиб, бу ва кейинги ўринларда фақат сўров ўтказилган вақтни кўрсатиш билан чекланилди.

<sup>38</sup> Қаранг! Аналитический доклад по результатам социологического исследования «Молодежь Узбекистана: социальная активность, нравственность и планы на будущее», – Т.: 2003. – С. 17

<sup>39</sup> Каримов И.А. Миллий истиқтол мафкураси ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончидир. // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд – Т.: «Ўзбекистон», 2000. – 491 б.

## II боб.

### МИЛЛИЙ МАФКУРАНИНГ ИЖТИМОИЙ-ТАРИХИЙ МОҲИЯТИ

Миллий мафкура, унинг моҳияти, жамият ҳаётидаги ўрни бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилаётган бўлса-да, қилиниши керак бўлган ишлар бундан ҳам кўплиги аниқ. Ҳусусан, илмий асарлар, даврий матбуотда “истикол мафкураси”, “жамият мафкураси”, «миллат мафкураси» ва “миллий мафкура” каби турли тушунчаларни кенг қўллаш давом этмоқда. Мазкур ҳолат уларнинг аниқ мазмуний доирасини белгилаб олиш масаласи ўзининг долзарблигини сақлаб қолаётганини кўрсатади.

Ҳар қандай мафкура жамият, унинг тузилиши, ривожланиш йўллари ҳақидаги муайян билимлар, уларнинг асосида шаклланадиган баҳолар ва мақсадлар тизими сифатида чиқади.

Мафкурага хос ҳусусиятларга тўхталар экан, Р.З. Жумаев ҳам уни энг аввало муайян мақсадлар йўлида ўзаро таъсирида бўладиган инсонлар ўтрасидаги муносабат, кишиларнинг ўзини ва бошқалар ўргасидаги ўрнини англаши, баҳолаши ва шу асосда мавжуд ижтимоий муносабатлар ривожига ёки аксийча, унинг барҳам топишига қаратилган ҳамкорликдаги фаолиятларининг модели деб баҳолайди. Айнан шунинг учун ҳам, унинг фикрича мафкура мақсад эмас, балки унинг ифодаси сифатида қаралмоғи лозим<sup>40</sup>. Шундай экан, билимлар, баҳолар ва мақсадлар тизими бўлмаса, кишиларда ижтимоий жараёнларнинг моҳиятини англаш имконияти бўлмайди, давлат, жамият ўз тараққиёт йўлини йўқотиб қўяди.

Мафкуранинг ана шундай моҳиятга эгалиги юқорида келтирилган ва аксарият ҳолларда бир хил маънода ишлатилаётган тушунчаларнинг мазмунига аниқлик киритиш, уларни ўз ўрнида қўллаш зарурлигини кўрсатади. Бу аслида методологик аҳамиятга эга бўлган масаладир. Зоро, фойдаланилаётган тушунчаларнинг аниқ мазмуний чегарасини тўғри белгилаб олмаслик назарияда чалкашликни, амалиётда эса турли салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Совет империяси даврида “миллатчилик” тушунчасининг мазмуний қамров доираси сунъий тарзда кенгай-

<sup>40</sup> Жумаев Р.З. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. – Т.: «Фан», 1996. – С. 156

тириб юборилиши натижасида содир бўлган фожиалар, ўрнини қоплаб бўлмайдиган йўқотишлар фикримизга далил бўла олади.

Ҳамма нарса қиёслаганда билинади. Шундай экан, юқорида келтирилган тушунчаларнинг аниқ мазмунини таққослаш орқали ҳам билиб олиш мумкин. Ҳусусан, 4 жилдлик “Правовое государство-независимость, нация, экономика, идеология, политика” китобининг муаллифлари миллий истиқол мафкурасининг моҳиятини коммунистик мафкура билан қиёслаш орқали тавсифлайдилар. Уларнинг фикрича, миллий истиқол мафкураси социалистик мафкурадан аниқ ифодаланган синфиий характерга эга эмаслиги, доктризм ва схематизмдан холилиги ва аҳолининг барча ижтимоий гуруҳ ва қатламларига бирдек хизмат қилиши, шахс ва жамиятнинг ортиқча сиёсийлашувидан холи қилишга йўналтирилгани, монополизм, коньюнктура ва буйруқбозлиқдан озодлиги билан ажралиб туради<sup>41</sup>.

Мазкур ёндашув ва унга асосланган ҳолда миллий истиқол мафкурасига хос бўлган ҳусусиятларни белгилашни инкор этмаган ҳолда, “истикол мафкураси” ва “истибод мафкураси” тушунчаларини ўзаро қиёслаш масаланинг моҳиятига чуқурроқ кириб бориш имконини беришини таъкидлаш зарур.

Истибод ўзининг сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маданий, геостратегик ва шу каби кўринишларда намоён бўлувчи тор манфаатларидан келиб чиқкан ҳолда бир ҳалқ бошқа ҳалқни босиб олишга интилган, босиб олган, унинг маданияти, тили, урф-одатларини йўқ қилиш, барча соҳаларда ўз қарашларини зўрлик йўли билан жорий этишга ҳаракат қилган жойда юзага келади. Бундай тафаккур тарзи ва амалиётининг тўғри эканини ҳар томонлама асослаш, тушунтириш, адолатли деб баҳолашга ва омма онгига сингдиришга, босиб олинган ҳалқни турли йўллар ва воситалар билан тутқинликда сақлаб қолишига қаратилган назарий қарашлар тизимига истибод мафкураси дейилади.

«Мустабидчилик мафкуралари «янги жамият» ва «янги инсон»ни вужудга келтиришни ўз мақсади деб зълон қиласи, бунда шахс манфаатлари ва, айниқса, шахс эркинлиги тор ҳукмрон табақа, мустабид тузумнинг манфаатларига бўйсундирилади... «Мустабидчилик мафкураси»да ҳар қандай бошқача мулоҳазага бартараф этилиши лозим бўлган ёвузлик (атайлаб қилинган ёки атайлаб қилинмаган) деб қаралади. «Мустабидчилик мафкураси» гўёки танқиддан холи, қандайдир ихоталанган ишонч обьектига айланади. Бошқача айтганда, бундай мафкура эркинлик, инсоний ҳақиқат устидан ўз зўрлиги ва ҳукмронлигини ўрнатади»<sup>42</sup>.

<sup>41</sup> Қаранг: Правовое государство-независимость, нация, экономика, идеология, политика. Том 1. – Т.: «Адолат», 1994. – С. 19-21

<sup>42</sup> Алимова Д. Инсоният тарихи тоға ва мафкуралар тарихидир. – Т.: «Янги аср авлоди», 2001. – 25 6.

Инсоният босиб ўтган тарихий йўлга назар ташлар эканмиз, истибодд мафкураси ирқчилик, фашизм, шовинизм каби кўринишларда намоён бўлганини кўрамиз. Улар бир-бирларидан айрим жиҳатларига кўра фарқлансада, моҳият эътибори билан ҳеч қандай илмий заминга эга бўлмаган, у ёки бу «мезонлар» асосида тенгсизлик гоясини асослашга қаратилгандир.

Афсуски, ўз мазмунига кўра инсонийликка хилоф бўлган, инсониятнинг келажаги, унинг бир бутунлигига хавф соладиган бундай мафкура шакллари дунёнинг турли бурчакларида янги минг йилликда ҳам ўзининг мудҳиш қиёfasини намоён қилмоқда.

Истибодд мафкурасидан фарқли ўлароқ истиқлол мафкураси миллият, жамият, давлатни мустақил тараққиёт йўлига бошлайдиган, уни белгилаб берадиган, эркин ва озод ривожланишини таъминлашга қаратилган гоялар, қарашлар тизимирид.

Шу ўринда конкрет соҳаларда жамият олдида турган вазифалардан келиб чиқиб, миллий истиқлол мафкурасини тор маънода ишлатиш ҳоллари ҳам мавжудлигини таъкидлаш зарур. Масалан, айрим адабиётларда миллий истиқлол мафкурасини миллий уйғониш мафкураси, иқтиодиётни демократиялаштириш ва ислоҳ қилиш жараённада эса бозор иқтисодиёти мафкураси каби мұхим таркибий элементларсиз тасаввур қилиб бўлмаслиги таъкидланади<sup>43</sup>. Бунда мафкура ижтимоий ҳаёт ёки сиёсатнинг муайян соҳаси билан боғлиқ бўлган гоявий қарашлар тизими ифодалаб, конкрет-ситуатив мазмунга эга бўлиб, миллий истиқлол мафкураси эса уларнинг мажмуи сифатида чиқадики, бундай ёндашувга асло қўшилиб бўлмайди.

Жаҳон тажрибаси сиёсий мустақилликка тинч йўл билан эришиш мумкин бўлмаган пайтда истиқлол мафкураси қурол кучига таянадиган кучли озодлик ҳаракатининг майдонга чиқиши учун замин тайёрлашдан далолат беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, жадидчилик ҳаракати намояндалари томонидан илгари сурилган қарашларни истиқлол мафкурасининг ўзига хос кўриниши эди дейиш мумкин.

Ижтимоий тараққиётта мустақилликни қўлга киритибгина эришишини тушуниб етган жадидлар маънавият ва маърифатни юксалтириш, миллий уйғонишни таъминлашни ўзларининг асосий вазифалари, деб билган эдилар. Ва бу йўлда - илгор жаҳон илм-фани, техникаси, маданияти, санъати, маорифи ютуқларини тарғиб ва ташвиқ қилиш борасида - серқирига ва самарали фаолият олиб бордилар.

1917 йил Февраль инқилоби уларнинг пировард мақсадларининг тез орада рўёбга чиқишига умид учқунларини бағишилагандай эди. Аммо

<sup>43</sup> Қаранг: Правовое государство-независимость, нация, экономика, идеология, политика. Том 1. – Т.: «Адолат», 1994. – С. 30

кўп ўтмай содир бўлган Октябрь тўнтириши воқеаларнинг бошқача тус олишини келтириб чиқарди: шаклланиб бораётган миллий бирлик ва жипслик, озодлик ва тараққиёт гоялари ўрнига синфий адоват уруғлари сепилди ва юксалиб келаётган маънавий уйғониш илдизларига болта урилди. Айни пайтда, синфий зўрлик, янги кўринишдаги мустамлакачилик сиёсатига қарама-қарши ўлароқ юзага келган миллий озодлик ҳаракатида бирликнинг, яқдилликнинг йўқлиги эса унинг тор-мор қилинишига сабаб бўлди.

Истиқлол мафкураси қўйган пировард мақсадлар рўёбга чиқмаган, озодлик йўлидаги интилишлар қонга ботирилган бу каби мисоллар жаҳон ҳалқлари тарихида кўплаб топилади. Шундай бўлса-да, бундай қарашлар ҳеч қачон изсиз кетмаган. Кўхна тарих янги шароит ва вазиятларда улар мустақиллик учун курашнинг янги тўлқинларини тайёрлашга хизмат қўлганидан далолат беради.

Умуман олганда, «истиқлол мафкураси» «миллий истиқлол гояси» тушунчаси каби миллий ривожланишнинг муайян босқичигагина хос бўлган гоялар, қарашлар тизимини ифодалайди. Миллий мафкура эса, ўз моҳиятига кўра умуман миллатнинг мавжудлиги ва тараққиётини таъминлашга йўналтирилган гоявий қарашлар тизими сифатида чиқиб, «истиқлол мафкураси»га нисбатан кенгроқ мазмун касб этади.

«Истиқлол мафкураси»дан фарқли ўлароқ «жамият мафкураси» тушунчасида унинг моҳияти, йўналиши ўз ифодасини топмаган. Таъбир жоиз бўлса, бундай ургу йўқ. Демак, «жамият мафкураси» тушунчасини муайян жамиятдаги ҳукмрон гоявий қарашлар тизимига нисбатан қўллаш ўринлидир.

Жамият турли социал гурӯҳлардан иборат экан, мафкуравий хилмакицлилек бўлиши ҳам табиий. «Жамият мафкураси» ана шу турфа-хилликнинг умумий ифодаси сифатида ҳам чиқади.

Айни пайтда, «давлат мафкураси» тушунчасининг мазмунига ойдинлик киритиш ҳам «миллий мафкура»нинг моҳиятини чуқурроқ англаб этишига хизмат қилишини таъкидлаш зарур.

Миллий истиқлол гоясининг ишлаб чиқилиши, ривожлантирилиши ва ижтимоий онга сингдирилишида давлатнинг роли ниҳоятда катта. Бу роль шу даражада улканки, давлат органлари фаолиятидан ташқарида у ўзиди мужассамлаштирилган мақсадларни рўёбга чиқара олмайди. Аммо бу ҳам, бизнингча, ушбу тушунчаларни синонимлар сифатида ишлатиш учун асос бўла олмайди.

«Миллий гоя ва миллий мафкуранинг давлат мафкураси эмаслигини таъкидлаш жоиз. Биринчидан, уларнинг юридик мақоми, ҳуқуқий кафолатлари йўқ, ҳаммага бирдай мажбурий эмас. Улар жамият аъзола-

ри томонидан, ахлоқ меъёрлари каби, ихтиёрий қабул қилинади. Иккинчидан, улар жамият аъзоларининг бир қисми, бирор синфи, табақаси, ижтимоий қатлами, ҳатто бирор бир миллатнинг тор манфаатлари ни акс эттирмайди<sup>44</sup>.

Аммо миллий мафкурунинг давлат мафкураси эмаслиги шу билан гина белгиланмайди. Чунки, «давлат мафкураси» деганда давлатнинг жамият ҳаётини бошқаришининг, давлат аппарати ишини ташкил этиш нинг гоявий-назарий, сиёсий-хукукий асослари тизимини тушуниш кенг тарқалганини таъкидлаш зарур. Айни пайтда, ушбу тушунча, жамият ҳаётини ташкил этиш, унинг ривожланиш истиқболларини белгилаб беришга қаратилган ва давлат органлари томонидан кўллаб-куватланадиган гоявий-назарий қаражалар тизимини ҳам ифодалайди. Содда қилиб айтганда, давлат мафкураси расмий даражага кўтарилиган ва аксарият ҳолларда монопол характерга эга мафкура шаклидир. Шу маънода синфи, диний ва ҳоказо кўринишдаги мафкуралар ҳам расмий, яъни давлат мафкураси даражасига кўтарилиши мумкин.

«Миллий мафкура» ва «давлат мафкураси» тушунчаларини бир хил мазмунда талқин қилиш ҳоллари бошқача шаклда ҳам учрайди. Гап миллий мафкуруни тарғиб қилиш таълим тизими, оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилаётгани, турли даражадаги раҳбар ходимларнинг бунда фаол иштирок этаётганининг ўзи унинг давлат мафкурасига айланганини билдирилмайдими? - деган қаражаларнинг мавжудлигидадир.

Одатда, кимнинг манфаатларини ҳимоя қилаётганига қараб мафкурунинг хилма-хил шакллари ажратилади. Шундай экан, масаланинг мажиятини тушуниш учун саволни бошқача тартибда ҳам қўйиш мумкин. Мустақил ўзбек давлати ўз фаолиятида қандай мафкурага таянмоги лозим? Албатта, ягона этносоциал бирлик сифатида чиқадиган миллатимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, унинг жиспслиги, тараққиётини таъминладиган миллий мафкурага таянмоги зарур. Демак, давлат мафкураси ҳаётга татбиқ қилинмайди, балки миллий мафкура давлат органлари, ижтимоий институтлар фаолиятини ташкил этиш, йўналтиришнинг қуролига айланади.

Маълумки, мамлакатимиз Конституциясида “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас<sup>45</sup>, - деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Бу қоида, бизнингча, муайян ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларига хизмат қиладиган,

жамиятнинг у ёки бу мезонларга асосланган ҳолда қарама-қарши кутбларга бўлинишига олиб келадиган мафкурунинг расмий даражага кўтарилишини рад этади. Зеро, яқин ўтмишимиз, жаҳон тарихи ва ҳозирда дунёнинг айrim минтақаларида кечеётган жараёнлар жамиятнинг маълум қисмiga хизмат қиладиган мафкура ҳукмон бўлган жойда кўплаб мифожиалар келиб чиқишини кўрсатди ва кўрсатмоқда. Бунга кўплаб мисоллар қелтириш мумкин.

Маълумки, Октябрь тўнтариши арафасида чор Россиясида турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этувчи партиялар вуждига келди. Уларнинг ҳар бири ўзларича жамиятнинг ривожланиш йўлларини кўрсатувчи мафкуравий платформани илгари суриб, “ким биз билан бўлмаса, у бизга душманdir” деган ақидага амал қилгани жамиятни жар ёқасига келтириб кўйди.

Ишчилар манфаатларининг ҳимоячиси ролига даъвогарлик қилган большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши ва пролетар синфи мафкурасининг давлат мафкураси даражасига кўтарилиши билан жамиятдаги бўлиниш кескинлашди. Фуқаролар уруши бошланиб кетди. Сўнgra бутун тарих давомида пролетар мафкурасини тан олмаганларга қарши доимий ва мунтазам кураш олиб борилди.

Ирқий, диний, миллий адоват мафкуралари ҳам жамиятнинг маълум бир қисмiga хизмат қиладиган мафкура кўринишларидир.

Диний мафкура давлат мафкураси даражасига кўтарилиган айrim давлатларда кишиларнинг виждан эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқлари поймол қилинаётгани, яқин-яқингача Жанубий Африка республикасида ҳукмон бўлган ирқчилик мафкураси доимий низолар учун замин яратгани, миллий адоват мафкураси ҳукмон бўла бошлаган Югославияда миллий низолар ва охир-оқибатда фуқаролар уруши келиб чиқиб, мамлакат парчаланиб кетгани юқоридаги конституцияий тамойилнинг ўринли ваadolатли эканини кўрсатиб турибди.

Албатта, жамиятнинг маълум бир қисми манфаатларига хизмат қиладиган юқоридаги каби мафкура кўринишларининг ҳар бири ўзига хос шаклларга эга бўлиши ҳам мумкин. Аммо қандай шаклларда чиқмасин, қандай бўёқларда намоён бўлмасин, қандай эзгу мақсадларни байроқ қилиб кўтармасин улар ҳамма вақт салбий ҳодисаларни келтириб чиқарганига, жамиятнинг қарама-қарши турувчи гуруҳларга бўлиниб кетишига олиб келган. Шундай экан, юқоридаги қоидада маълум бир ижтимоий гуруҳ мафкураси ҳам (чунки жамият турли гуруҳлардан ташкил топган), диний мафкура ҳам (чунки бизда турли динга эътиқод қилувчилар ва айни пайтда, ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиганлар ҳам бор), миллатчилик мафкураси ҳам (чунки бизда турли миллат вакиллари истиқомат қиласи)

<sup>44</sup> Эркаев А. Миллий гоя моҳияти. – Т.: «Маънавият», 2001. – 4 б.

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. – 11 б.

расмий даражага кўтарила олмаслиги таъкидланмоқда. Лекин, юқоридаги қоида жамиятнинг турли қатламларини бирлаштирадиган, барча учун барабар бўлган идеаллар, тамойиллар, қадриятлар асосига қурилган, миллат манфаатларини ифода этадиган, унга хизмат қиласидиган гоялар тизими бўлишини инкор этмайди. Шуну назарда тутиб, И.А. Каримов: «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимиизга миллий истиқтол мафкурасини яратиш вазифасини қўяди»<sup>46</sup>, -деб таъкидлаган эди.

Бу Конституциямиздаги “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласи”, -деган қоидадан ҳам бевосита келиб чиқади<sup>47</sup>.

Демак, миллий истиқтол мафкураси аҳолининг турли ижтимоий ва этник гуруҳлари манфаатлари муштараклигини, мамлакатдаги сиёсий, маданий-маънавий макон яхлитлигини таъминлашга хизмат қиласи.

Кундалик ҳаётда, даврий матбуот саҳифаларида «миллий мафкура» энг кўп кўлланаётган тушунчалардан биридир. Ҳозирги даврда “миллий мафкура” тушунчасининг ишлатилишига эътиroz учрамасада, ўз пайтида улар нисбатан кенг тарқалган эди. Хусусан, “миллий мафкура” давлатнинг миллатлараро муносабатлар соҳасида амалга оширадиган ишларининг гоявий асослари маъносини англатади деган фикрлар ҳам мавжуд эди. Айни пайтда, у маълум бир миллатнинг мафкурасини англатади. Ўзбекистон кўп миллатли давлат экан, маълум бир миллатнинг мафкураси устувор бўлиши, расмий даражага кўтарилиши мумкин эмас деган қарашларни кундалик ҳаётда ҳануз учратиш мумкин.

Мазкур қарашлар таҳлили миллий мафкуранинг моҳиятини чуқуроқ тушунишга хизмат қилгани учун ҳам уларга тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи ҳолатда ижтимоий фанлар ва сиёсатда кенг кўлланадиган икки терминнинг мазмунини чалкаштириб юбориш, уларни хато талқин қилиш яққол кўриниб туриди. Чунки, давлатнинг ёки муайян партиянинг миллатлар ҳаёти, миллий муносабатлар билан боғлиқ бўлган фаолиятининг гоявий (назарий) асосларига нисбатан ҳам, амалиётига нисбатан ҳам ягона «миллий сиёсат» тушунчаси ишлатилади.

«Миллий» сифати «миллат» сўзидан келиб чиқсан. Лекин «миллат» тушунчаси, нафақат муайян этник бирлик, балки «давлат» маъносини ифодалаш учун ҳам хизмат қиласи. Масалан, «миллий даромад», «миллий қуролли кучлар», «миллий валюта», «миллий кутубхона», «миллий

<sup>46</sup> Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. // Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 98 б.

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. – 9 б.

боғ» каби бирикмаларда у «давлат»нинг маънодоши сифатида келади. Демак, «миллий мафкура»ни факат битта миллат, этноснинг манфаатлари билан боғлаш тўгри эмас. У муайян, масалан, Ўзбекистон давлати (жамияти)нинг мафкураси маъносини ҳам англатади.

Кундалик ҳаётда учрайдиган юқоридаги каби қарашлар билаң бир қаторда илмий адабиётларда ҳам миллий мафкура мазмунини белгилашда муайян ўзига хосликлар кузатилётганини таъкидлаш зарур. Масалан, А.Эркаев фикрича, “миллий мафкуруни яхлит тизим сифатида икки хил – тор ва кенг тушуниш мумкин... Жамият миқёсида ранг-баранг мафкураларнинг ҳар бирини хусусийлик деб, миллий мафкуруни эса улардаги умумийлик, муштараклик деб баҳолаш мумкин. Бу миллий мафкуруни тор мазмунда тушунишdir. Кенг мазмунда эса миллий мафкура миллий гояни турли партиялар, гуруҳлар, ижтимоий қатламлар, синфлар томонидан ўзига хос талқин қилинишининг, жамиятдаги плюралистик (ранг-баранг) қарашларнинг, назарияларнинг йиғиндицидир. Миллий мафкура тушунчаси кенг маънода ишлатилганда ҳам барча мафкураларнинг механик йиғиндиси эмас, балки улардаги умумий мақсадга эришиш йўллари, усуслари ва ҳ.к. тўғрисидаги қарашлар, холосалар, концепциялар йиғиндицидир”<sup>48</sup>.

Ушбу ёндашувда миллий мафкура тушунчасининг тор талқини сунъий ўйлаб топилгандек туюлади. Зоро, турли ижтимоий гуруҳлар мафкурасида умумий жиҳатлар ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлади. Шундай бўлсада, уларга нисбатан миллий мафкура тушунчасини эмас, балки юқорида қайд қилинганидек, жамият мафкураси тушунчасини ишлатиш ўринлидир. Бундай мулоҳазанинг асосли эканини қўйидаги ҳолат ҳам тасдиқлайди. Ҳар бир синф, социал гуруҳ мафкурасида уларнинг конкрет ижтимоий манфаатлари ўз ифодасини топади. Улар эса умуммиллий манфаатлардан тубдан фарқ қилиши, ҳатто унга зид бўлиши ҳам мумкин.

Миллий мафкуранинг кенг маънодаги талқинига ҳам қўшилиб бўлмайди. Чунки, миллий мафкура миллий гоянинг алоҳида олинган ижтимоий гуруҳлар томонидан ўзига хос талқин қилинишининг йиғиндиси эмас, балки, муайян маънода, ана шу миллий гоялар тизимининг ўзидир.

Қайд этилган мулоҳазалар, қандай бўлишидан қатби назар, «миллий мафкура» тушунчасининг мазмунини аниқ белгилаб олишга кўмаклашади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқарashi ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равshan белгилаб беришга хизмат қиласидиган, кечаги ва

<sup>48</sup> Эркаев А. Миллий гоя моҳияти. – Т.: «Маънавият», 2001. – 15 б.

эртанги куни ўртасида ўзига хос кўпrik бўлишга қодир гояни мен жамият мафкураси деб биламан»<sup>49</sup>, -деган фикрлари ҳам мазкур масала моҳиятини тушуниб етишда муҳим аҳамиятга эгадир.

«Миллий» сифати «миллат» сўзидан келиб чиққан экан, демак, миллий мафкурага таъриф беришдан олдин миллатнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳиятини аниқлаб олиш лозим.

Миллат худудий, иктиносий, сиёсий ва этник алоқалар (маданият, тил, ўз-ўзини англаш) умумийлиги замирида юзага келадиган этносоциал бирликдир. Демак, миллий мафкуранинг таърифида ана шу хусусият ўз ифодасини топмоғи керак.

Бундай ёндашув, биринчидан, миллий мафкуранинг у ёки бу хусусиятлари, томонларини биринчи ўринга чиқариб, унинг мазмунан қашшоқлашувини келтириб чиқарадиган турли кўринишдаги «ийфма» таърифларнинг олдини олиш ва, иккинчидан, мафкуранинг бошқа шакларидан туб сифатий фарқини очиб беришга имконият яратади.

Демак, миллий мафкура миллатнинг этноижтимоий бирлик сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, эркин ва озод тараққиётини асослаш, таъминлашга қаратилган гоявий-назарий қарашлар тизимирид.

Бизнингча, миллий мафкуранинг бундай сифатий хусусияти Президентимиз асарларида билдирилган фикрлардан бевосита келиб чиқади. Чунончи, И.А. Каримовнинг айрим мафкуравий таҳдидлар юзасидан билдирилган мулоҳазаларини таҳлил қилиш асосида ҳам шундай хulosага келиш мумкин. Юргашимиз ўринли таъкидлаганларидек, мусулмон халифалигини, ёки янгироқ бир кўринишдаги собиқ иттифоқни тиклаш, ёки бўлмаса тарихимизни сохта талқин қилиш ёрдамида алоҳида ўзбек миллати йўқ деган қарашни сингдиришга ҳаракат қилаётган мафкуралар айнан бизнинг миллат сифатида мавжуд бўлишими, ривожланишимиз, жаҳон халқлари ўртасида ўзимизнинг муносиб ўрнимизга эга бўлишимизга қарши қаратилгандир. «Лекин, биз ўзимизни ҳамиша мустақил миллат – ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганимиз ва бу билан фаҳранамиз. Бунга тарихий, илмий, маданий асосларимиз бор», – деб ёзади И.А. Каримов<sup>50</sup>.

Миллий мафкуранинг юқорида келтирилган таърифидан унинг ижобий – бунёдкорлик ва яратувчилик моҳияти намоён бўлади. Шундай экан, «тоталитар жамиятларда миллий мафкура ҳукмрон доиралар томонидан ижтимоий онгнинг бошқа элементларини бостириш воситаси си-

<sup>49</sup> Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. // Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. 7-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1999.- 89 б.

<sup>50</sup> Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан курмоқдамиз. // Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. 7-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 301 б.

фатида фойдаланилади»,<sup>51</sup> – деган хulosага асло қўшилиб бўлмайди. Бундай ёндашув миллат мафкураси даражасига кўтарилган у ёки бу шаклдаги мафкураларнинг халқлар тақдирида ўта салбий из қолдирганини ўзига хос тушуниш натижасидир. Масалан, немис миллати мафкурасига айлантирилган фашизм бутун инсоният тақдирида ҳам ўта фожиали из қолдирди. Синфий адвокат мафкурасининг чор Россияси доирасида ҳукмрон мавқега эгалик қилишга интилиши жамиятнинг қарама - қарши қутбларга бўлинниб кетишига олиб келди, уни фуқаролар урушига гирифтор қилди.

Миллий даражага кўтарилган, моҳиятан бир ёқлама бўлган мафкуралар бўш жойда, ўз-ўзидан шаклланмагани аниқ. Уларнинг тарих саҳнига чиқиши этник ўз-ўзини англашнинг зиддиятли кечиши, унда муайян майларнинг устуворлиги билан белгиланса, ҳукмрон мавқега эга бўлиши миллатнинг баъзи қатламлари томонидан очикдан-очиқ қўллаб-куватланиши, айримлари томонидан эса хайриҳоҳлик билан қабул қилинишининг табиий ҳосиласи ҳисобланади.

Умуммиллий даражага кўтарилган бундай мафкураларга, биринчидан, зўрлик, куч ишлатишга асосланганлик, алдов, ҳақиқатни бузиб кўрсатиш, халқнинг адолатли тузумни қарор топтиришга бўлган орзу-умидларидан ўз мақсадларида фойдаланишга интилиш, ҳар хил уйдирмалар, жозибадор чақириқларга бойлик; иккинчидан, доҳийпарастлик, муайян щахсларни худо даражасига кўтаришлик, шахсга сигинишнинг мавжудлиги; учинчидан, фикр қарамлиги, тафаккур қуллигининг устуворлиги, белгилаб қўйилган ва ақида даражасига кўтарилган кўрсатмалардан ташқарига чиқишининг қатъий ва сўзсиз жазоланишини талаб қилиш ва, ниҳоят, тўртингидан, бундай мафкура тарафдорларининг ўз қарашларини миллий онгга сингдириш йўлида ҳар қандай усувлар ва воситалардан тап тортмаслиги каби хусусиятлар хосдир.

Бундай мафкураларнинг ҳукмронлиги ҳамиша тоталитар давлатнинг шаклланиши, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини узлуксиз ва хилмачил воситалар билан назорат қилиниши учун йўл очади ҳамда миллий тараққиётга ўта салбий таъсир кўрсатади.

Табиийки, бундай мафкура ҳукмронлиги миллий ўз-ўзини англашнинг ўзига хос ривожланишини ҳам келтириб чиқаради. Бу ўзига хослик, бир томондан, миллий ўз-ўзини англашда мавжуд ижтимоий тузумни энг одил ва адолатли, рўй берган ва бераётган салбий ҳодиса, жараёнларни эса ўткинчи, вақтинчалик, деб баҳолашнинг, иккинчи томондан, ўзгача турмуш тарзи, қарашларни қабул қила олмаслик, ту-

<sup>51</sup> Каменев Д.И. Некоторые вопросы истории идеологии. // Миллий истиқдол гояси ва мафкураси: фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатлар. – Т.: 2001. – 29-30 б.

шуна олмаслик, тушунишни истамаслик, инкор этишлик, бошқача айтганда, конфронтация рухи, этноцентрик стереотипларнинг устуворлигига намоён бўлади. Бундай вазиятда мутелик, ижтимоий-сиёсий пасивлик, лоқайдлик кайфиятлари ҳам кенг ривож топади.

Қандай сабабларга кўра чиқмасин, қанча вақт ҳукмрон мавқега эга бўлмасин ўз мазмунига кўра гайриинсоний бўлган, охир-оқибатда миллий ҳаётда ўта салбий из қолдирадиган юқоридаги бир ёқлама мафкура кўринишлари миллатнинг этноижтимоий бирлик сифатидаги моҳиятига бутунлай зиддир. Негаки, ҳар қандай миллат ўзга миллатлар ҳам мавжуд бўлгандагина ўз моҳиятини, ўзига ўхшаганлар ичida ноёб ва бетакрорлигини намоён қила олади. Айни пайтда, миллат ички социал тутувлик бўлган пайтдагина яхлит бирлик сифатида мавжуд бўла олади.

Шундай экан, бир ёқламаликка – миллий, диний, синфий ёки бошқа кўринишдаги адоватга асосланган фоялар тизими миллий даражага кўтарилиганида (тўғрироги ҳалқ, омма шунга ишонтирилганда) ҳам улар миллий мафкура деб аталиши мумкин эмас. Чунки, миллий мафкура миллий ҳаётни уюштириш, миллатни бирлаштириш, унинг истиқболини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, миллатнинг миллат сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишига хизмат қиласиган фоявий-назарий қарашлар тизимиdir.

Аммо юқоридаги мулоҳазалардан мафкура тайёр схемалар, кўрсатмалар, тамойиллар йигиндиси экан деган хулоса келиб чиқмайди. Масалан, миллий истиқдол мафкураси Юорт тинчлиги, Ватан равнақи каби фоялар йигиндиси эмас. Масалага бундай енгил-елпи ёндашмаслик, мафкурани бир андозага солиб қўймаслик керак. “Чунки бундай енгил ёндашиб онг ва тафаккурни ривожлантирумайди, балки ягона “изм”га мояйилликни пайдо қиласи, фаоллик ва ташаббускорликни сўндиради. Бу эса жамият ривожланишини сустлаштиради, ёшларда фикрлар хилмажиллиги, турли қарашлар бўлишига имкон бермайди”<sup>52</sup>.

Мафкурани тайёр схема ва тамойиллар мажмуи деб тушуниш маълум даражада хавфли ҳамдир. Хусусан, марксизм асосчилари асарларида баён этилган фоялар, принципларнинг мутлақлаштирилиши, ҳаёт ўзгариб бораётган бир пайтда ҳам мафкуравий қарашларда догматизмнинг устуворлигига олиб келди. Ҳаётни қотиб қолган мафкуравий андозаларга қараб ўзгартиришга уриниш ер юзида бир-бирига қарама-қарши турган икки сиёсий системани шакллантириб, инсониятни ҳалокат ёқасига келтириб қўиди. Бу мафкура билан куролланган ёки зўрлаб қуроллантирилган ҳалклар эса машақкатли кунлар, кўплаб жудоликларни бошидан кечириди.

<sup>52</sup> Назаров Қ. Миллий истиқдол фояси: фан ва таълим. // Миллий истиқдол фояси тарғиботининг илмий асослари. – Т.: 2002. – 3 б.

Ачинарлиси шуки, ҳалқимиз ҳам узоқ вақт ана шу мафкура таъсири остида бўлди. «Шўро даврининг мафкураси, коммунистик дунёқараш, агарки аслини суриштирсангиз, моҳият эътиборига кўра, бизнинг турмуш тарзимизга, ҳалқимизнинг табиатига тамоман бегона эди. Шунга қарамасдан кишиларнинг онгига мажбуран сингдирилган бу соҳта таълимотнинг салбий таъсири ҳануз сезилиб турди, – деб таъкидлайди И.А. Каримов. – Афсуски, биз бу сарқитлардан ҳануз буткул ҳалос бўла олганимиз йўқ»<sup>53</sup>.

Ҳар қандай мафкурада унинг учун ўзига хос таянч, негиз ролини ўтайдиган фоя, тамойиллар мавжуд бўлишини ҳам таъкидлаш зарур. Қолган барча қарашлар, қоидалар ундан келиб чиқади ва шу асосий фоя, тамойиллар атрофида бирлашади. Ўз атрофида барча планеталарни бирлаштириб турган Күёшнинг ҳалок бўлиши, бутун Күёш системаси планеталарининг йўқ бўлишини келтириб чиқарганидек асосий фоя, тамойилларнинг қадрсизланиши ҳам мафкуранинг ҳалокатига замин яратади. Хусусан, коммунистик мафкура синфий кураш ва унда пролетариатнинг гегемонлигига асосланар эди. Ушбу фоянинг ўз аҳамиятини йўқотиши, қанчалик такомиллаштиришга интилмасинлар, коммунистик мафкуранинг барбод бўлишига олиб келди.

“Мафкура ҳозирги даврга қадар ижтимоий гурӯҳлар учун ўзини идентификациялаш; ўз мақсадларини аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда”<sup>54</sup>. Шундай экан, миллий мафкурамиз миллатимизнинг ўзига хослигини англашга, сақлаб қолишга хизмат қилмоғи лозим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳудудий яхлитлик, иқтисодий бирлик, давлат мустақиллиги, этник ўзликини сақлаб қолишни таъминлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилганлик миллий мафкуранинг ўзагини ташкил этувчи тамойиллар сифатида чиқади. Чунки, биринчидан, ҳар қандай ҳалқ, муайян заминда, ҳудудда шаклланади, камол топади. Шундай экан, миллий мафкурада ҳалқимизнинг ўз она-Заминига бўлган меҳр-муҳаббати, унинг бир бутунлиги ва яхлитлигини асрашга бўлган ҳуқуқи ўз ифодасини топиши табиий ҳол.

Иккинчидан, ҳар қандай миллат муайян ижтимоий-иқтисодий алоқалар тизими билан боғланган этноижтимоий бирликдир. Бугунги кунда ана шу муносабатларни чукур ислоҳ қилаётган эканмиз миллий мафкурамиз замирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятига, уни ҳар томонлама ривожлантиришга, маърифий бозор муносабатларини қарор

<sup>53</sup> Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси ҳалқи – ҳалқ, миллатни – миллат қиласига хизмат этсин. // Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан курамиз. 7-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 89 б.

<sup>54</sup> Қирғизбоеев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т.: «Шарқ», 1998. – 78 б.

топтириш ва ижтимоий тотувлик ҳамда ҳамкорликни таъминлашга бўлган юксак ишонч эгаллагани шубҳасиз. Ана шундай ишонч, интилишгина мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасидаги мунособ ўрнини таъминлашга хизмат қиласи.

Учинчидан, миллый давлат миллат мавжуд бўлиши, ҳар томонлама ривожланишининг муҳим шарти, халқ ўз манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қила олишининг асосий кафолатидир. Давлатчилигимизнинг демократик асослари яратилётган ҳозирги даврда миллый мафкурамиз ўзида унинг яратувчилик кучига ишонч, мавжуд сиёсий тизимга хурмат ҳис-туйғуларини ва ушбу тизимни ҳар томонлама такомиллаштиришга бўлган интилишни мужассамлаштироқда.

Тўртингидан, миллатни миллат қилувчи, унинг бетакор қиёфасини белгилаб берувчи, ўзлигини, ўзгалардан фарқини ва айни пайтда, инсоният оиласининг узвий қисми эканини кўрсатувчи унинг тили, маданияти, урф-одатлари ва анъаналаридир. Президентимизнинг “Миллый истиқлол мафкураси ҳалқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат,adolat, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириш лозим”<sup>55</sup>, – деган фикрларидан ҳам шундай хулоса келиб чиқади.

Шундай экан, этник ўзликни асраб-авайлаш, инсоният эришган ютуқларни ижодий ўзлаштириш асосида ҳар томонлама ривожлантиришга бўлган умид, интилиш ва ишонч миллый мафкурамизнинг ўзагини ташкил этаётгани ўринлидир.

Миллат бор экан қайд этилган тамойиллар ўзгармай қолаверади. Аммо уларни рўёбга чиқариш ўйлидаги вазифалар миллый ривожланишнинг ҳар бир даврида конкрет характер, янгича мазмун ва маъно касб этиши табиий.

<sup>55</sup> Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғищмайлик. // Ўзбекистон: миллый истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 203 б.

### III боб.

## ДУНЁНИНГ МАФКУРАВИЙ МАНЗАРАСИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ЭТНИК ОМИЛНИНГ ЎРНИ

Ўзга худудларни забт этиш мақсадида олиб бориладиган ҳаракатлар доимий такомиллашиб, кўлланадиган усул ва воситалар мукаммаллашиб борган. Бугунги кунда эса ушбу воситаларнинг микдорий ва сифатий кўрсаткичлари янада мураккаб характер касб этмоқда. Инсоният тўплаган уруш қуроллари бутун Ер сайёрасидаги ҳаётни бир неча марта йўқ қилиб ташлаш даражасига етди. Шундай бўлсада, кишилик жамияти тараққиётининг ҳозирги даврида турли сиёсий кучлар ва ҳаракатларнинг мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилиши оқибатида мутлақо янгича сифатга эга бўлган жараёнлар ҳам кузатилмоқда. Бу ўз ривожланиш тарихига эга дунёning мафкуравий манзарасининг бугунги кундаги ўзига хос хусусиятларини белгилаб бермоқда.

Инсоният тараққиётининг илк даврларида деярли барча ҳалқларда мифология универсал характерга эга бўлган бўлсада, бир томондан, ўзига хос хусусиятларга эга ижтимоий грухлар ва уларнинг айрича манфаатлари ифодаси бўлган том маънодаги мафкуравий тизимлар шакл-ланмагани, иккинчи томондан, Ер юзининг турли нуқталари ўргасидаги алоқалар ривожланмагани, кишилик жамияти ягона организмни ташкил этмагани учун дунёning яхлит мафкуравий манзараси ҳақида гапириш мумкин эмас.

Ҳалқлар, давлатлар ўргасидаги ижтимоий алоқалар кучсиз бўлган бир даврда монотеистик динларнинг юзага келиши, уларнинг ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ўйлида олиб борган кураши натижасида эса дунёning диний қарашлар устувор бўлган илк мафкуравий манзараси щаклланди.

Жаҳон динлари тарқалган худудлар нисбатан барқарорлашган (тўғриори муайян диний таълимотларни ёйиш учун олиб борилган урушлар асосан тўхтаган) бир шароитда дунёда иқтисодий ҳукмронлик учун курашнинг бошланиши, илмий билимларнинг ривожланиши, ҳалқлар, давлатлар ўргасидаги алоқалар қамровининг кенгайиши диннинг гоявий регуляторлик ролининг аста-секин пасайишига олиб келди.

Қисқа вақт давомида алоҳида мавқега талабгорлик қилган нацизмни инобатга олмагандা, асосан социалистик ва буржуа мафкуралар орасида у борган кураш эса (“учинчи йўл”га даъвогарлик қилганлар ҳам аслида у

ёки бу даражада уларнинг таъсири остида эди) дунёнинг мафкуравий манзараси ривожидаги янги босқични бошлаб берди. У ҳукмронлик учун курашда фоявий омилнинг ўрни ва аҳамияти янада ошганини кўрсатиш баробарида глобал конфронтация асосига қурилган мафкуравий манзаранинг шаклланишига олиб келди.

Ушбу идеологиялар ўтрасидаги кураш барҳам топган ҳозирги даврда эса ўзига хос хусусиятларга эга дунёнинг янги мафкуравий манзараси қарор топиб бормоқда.

Бугунги кунда аксарият давлатларнинг мафкураси “умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-хуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний то тувилик фоялари устувордир”<sup>57</sup>.

Шундай бўлсада, инсоният истиқболини белгилашда универсаллик даъвогарлик қилаётган ва трансмиллий характерга эга фоявий қурашлар дунёнинг мафкуравий манзараси мазмунини белгилаб беришда устуворлика интилаётганини ҳам таъкидлаш зарур.

Кишилик жамияти тараққиётининг ҳозирги даврида “турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда, — деб ёзади Президентимиз. — Ранг-баранг, бъазан бир-бирига мутлақ зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўтрасидаги фикр талашувлари goҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда”<sup>58</sup>.

Инсон қалби ва онги учун кураш янги сифатий хусусият касб этган бир даврда, эътиқод умумийлигига асосланиш (масалан, панистомизм), этник бирликка ургу бериш (масалан, панславизм, пантуркизм, панэронизм) ва ягона ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий маконда яшаш натижасида юзага келган боғлиқликни рўйач қилиш асосида (пансоветизм) якка мафкуралар ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар кузатилаётганини таъкидлаш зарур.

Албатта, бундай мафкура шакллари бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасини тўлалигича белгилаб бермайди. Зоро, неофашизм ва коммунизм, ирқчилик ва диний экстремизм, тажовузкор миллатчилик каби мафкура шакллари мавжудлигини ҳам унутиб бўлмайди.

Миллатлараро тотувлик, ҳамкорликка ва охир - оқибатда инсониятнинг ягона бирлик сифатида эркин тараққий қилишига катта хавф

<sup>56</sup> Миллий истиқтол фояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: «Ўзбекистон», 2000. — 22 б.

<sup>57</sup> Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси ҳалқни-ҳалқ, миллатни-миллат қилишига хизмат этсин. // Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. 7-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. — 85 б.

туғдирувчи ана шундай мафкура шаклларидан бири буюк давлатчилик шовинизмидир.

И.А.Каримов ўринли таъкидлаганларидек, буюк давлатчилик шовинизмини “муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин.

Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жуғрофий - сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашда намоён бўлади”<sup>59</sup>.

Бир сўз билан айтганда, буюк давлатчилик шовинизми файриилмий ва файриинсоний характерга эга. У ўз моҳиятига кўра миллий тенгсизликни оқлаш, тарғиб - ташвиқ қилиш ҳамда ҳимоя қилищнинг ўзига хос шаклидир.

Тарихга назар ташласак, буюк давлатлар мақомига эга бўлган айрим мамлакатлар қўпгина минтақаларни ўзларининг “ҳаётий манфаатлари” ҳудуди сифатида босиб олиб, узоқ вақт колониал сиёсат юргизганига ишонч ҳосил қиласиз. Босиб олинган ҳудудларнинг табиий, хомашё ресурсларидан фойдаланиш, моддий ва маънавий ютуқларини ўзлаштириш уларга улкан ва қудратли давлатга айланишга имконият яратди.

Бунинг оқибати ўлароқ, ўз атрофидаги мамлакатлар ва ҳалқлар билан муносабатда устунликка даъвогарлик, ўзини улар ичидан танҳо, ягона деб билиш, инсоният тақдирни ва ҳалқлар келажагини белгилашда алоҳида мавқега талабгорликнинг ифодаси бўлган мумтозлик мафкураси тарих саҳнасига чиқди. Унинг давлат сиёсати асосини ташкил қилиши эса, бутун бир минтақаларнинг вайрон бўлиши, кўплаб ҳалқларнинг қарам қилинишига олиб келган қонли урушларни келтириб чиқарган.

Тарих афсуски, мумтозлик мафкураси авлоддан - авлодга ўтиб ўзига хос тафаккур тарзи ва психологиясининг шаклланишига, миллатлар ва давлатлараро муносабатларда янгидан - янги қалтис вазиятлар, низоларнинг келиб чиқишига хизмат қилишини кўрсатмоқда.

Воқелик иқтисодий имкониятлари заифлашган, социал беқарорлик, ички зиддиятлар кучайган, Ватан, миллат тақдиридан ўзининг тор гурухий манфаатларини устун қўядиган, ҳокимиятга даъвогарлик қилишда ўзаро келиша олмаётган сиёсий кучларнинг мавжуд муаммоларни ташкилар ёрдамида ҳал қилишга уриниши ва маънавий-руҳий парокандадлик, эрганги кунга ишончсизлик ҳукмрон бўлган мамлакатлар буюк давлатчилик шовинизми нишонига айланишини кўрсатиб турибди.

<sup>58</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфисизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Каримов И.А. Хавфисизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1998. — 65 б.

Буюк давлатчилик шовинизмининг хавфи бундай позицияда турган кучлар, давлатларнинг иқтисодий, сиёсий ёки ҳарбий салоҳиятининг катталигидагина эмас, балки ахборот орқали ва мағкуравий йўл билан тазиик қўрсатиш имкониятларининг кенглигидаги, улар қўлидаги гоявий таъсири ўтказиш восита ва механизмларининг хилма-хиллигига ҳамдир.

Буюк давлатчилик шовинизми бугунги кунда пансоветизм шаклида ҳам намоён бўлмоқда. Пансоветизм узоқ вақт давомида бир иттифоқ – империя доирасида яшаш натижасида юзага келган иқтисодий алоқадорлик ва боғлиқлик, ижтимоий-маданий ҳаётдаги муайян яқинлик, ўхшашик, умумийликни мутлақлаштиришга асосланган билан ажраби туради. Бундай қараашлар ортида аслида ўз умрини яшаб бўлган совет гояларини ҳаётимизга қайтадан тиқишириш, шу йўл билан яна эски тузумни тиклашга қаратилган интилиш ётади.

Россиядаги 2000 йилги Президент сайловларида номзодлардан бири бўлган Алексей Подберезкин ана ўнандай қараашларни ўзининг сайловолди платформасида аниқ ифодалаб берган эди. “Духовное наследие” ҳаракати раҳбари бўлган ушбу жанобнинг сайловолди дастури “XXI аср – Россия империяси даври” деб номланганининг ўзиёқ гаразли мақсадларини очиқ қўрсатиб турибди. Ўз қараашларини баён қиласа экан, у қуйидагича фикр билдиради: “бизнинг бутун тарихий тажрибамиз Россия мустақил ва буюк давлат сифатида Россия империяси, Совет Иттифоқи чегараларига яқинлашадиган табиий чегара доирасидагина мавжуд бўла олишидан далолат беради”<sup>59</sup>.

Бундай қараашлар Россия сиёсий ва илмий доираларида мустаҳкам мавқега эга. Мазкур позицияда турувчи кучларни шартли равища икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга империяча қараашларни очиқчасига баён этувчи, иккинчи гуруҳга қўпчиликни ташкил этадиган ва пансоветизм гоясини юмшоқроқ шаклда - «реинтеграция» байроби остида амалга оширишни таклиф этаётган турли даражадаги сиёсий арбобларни киритиш мумкин. Улар “собиқ СССРдек” ўзини тутиши учун на кучи, на қуввати борлигидан қатби назар, Россия собиқ иттифоқи худуди устидан сиёсий, ҳарбий, цивилизацийий, коммуникацион, демографик ва ахборот назоратини ўрнатиш лозимлигини таъкидлайдилар.

Бундай кучлар Россия, кейинчалик Совет империяси ҳудудида славян ва турк ҳалқлари қўпчиликни ташкил этганидан ҳам ўз мақсадлари ўйлида фойдаланишга ҳаракат қиласа билар. Минг йиллар давомида славян ва турк ҳалқлари бирга яшаб, бир давлат доирасида ҳаёт кечиришган, бир-бирларига аралашиб, қўшилиб, кўннишиб, ўрганиб кетишган. Бу иттифоқи энди бузуб бўлмайди, дея фикр юритади юқорида номи зикр

<sup>59</sup> Подберезкин А. XXI век – век Российской империи. // «Труд-7», 10 марта, 2000.

этилган А. Подберезкин. Гўё аввал Россия империяси, кейин эса Совет Иттифоқи инсоният тарихини турли динларга мансуб бўлган, бир-биридан иқтисодий уклади, маданияти, анъаналари билан фарқ қиласа билан тажрибаси билан бойитган эмиш. “Бу тажриба бизнинг асосий бойлигимиз, дунёқарашимизнинг ўзига хослиги, Рус гоясининг ўзагини ташкил этади... Мен ишонаман, ҳалқаримизнинг давлат бирлиги тикланади! Бу XXI асрда Россия олдида турган бош вазифадир, рус ҳалқининг тарихий бурчидир”, – деб ёзди у<sup>60</sup>. Унинг фикрича, Россия империясини собиқ Иттифоқ чегараларида тиклаб, кучли ижроия ҳокимиютига таянадиган унитар давлатга айлантириш лозим. Ана шундагина фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланар экан.

Бундай кучлар гаразли мақсадларига эришиш ўйлида оммавий ахборот воситалари орқали психологияк таъсири ўтказишида янгидан – янги усусларни қўлламоқдалар. Ҳусусан, миллий ҳаётимизга хос муайян хусусиятларни очиқдан-очиқ қоралаш, айрим тарихий воқеа, ҳодисаларни умуман бўлмаган, жаҳон маданияти, илму фанига улкан ҳисса кўшган улуф алломаларимизнинг бизга алоқаси йўқдек қилиб қўрсатишига уринишлар мавжуд.

Бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, хилма-хил қараашларнинг мағкура майдонида ҳукмронлик қилишга интилиши табиий, албатта. Бунга эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда якка мағкура ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мағкуравий жиҳатдан ўзига қарам қилишга бўлаётган хатти-ҳаракатларни мисол келтириш мумкин. Масалан, ислом динини курол қилиб олган ақидапарастлар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатби назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидағи тасаввурларга таяниб, уларнинг ягона халифалик остида, содда қилиб айтганда, диний асосда сиёсий бирлашуви гоясини илгари сурадилар. Улар ўз қараашларини аксарият ҳолларда диний-маънавий заминдаги уйғунлик мамлакатларнинг иқтисодий, маданий-маърифий, илмий-техник соҳалардаги ҳамкорлигига, улар салоҳиятининг бирлашиши эса тараққиётга йўл очади деган “безозор” шаклда тақдим этишга ҳаракат қиласа билар.

Аммо жиддий эътибор бериладиган бўлса, биринчидан, улар миллий суворенитетдан воз кечиши ёки уни йўқотиши ҳисобига ягона ислом давлати тузишини қўзлаётганлари маълум бўлади. Иккинчидан, мусулмон халифалигини тиклашга, унинг тўғри эканини асослашга уринувчилик, бу ҳол айнан миллат сифатида ўзлигимизни англашга йўл кўймаслигини яширадилар. Бу гояни сингдириш ўйлидаги ҳаракатларда эса бизнинг ислом динига эътиқод қилишимизга алоҳида ургу берадилар.

<sup>60</sup> Ўша ерда.

Масаланинг нозик жиҳати шундаки, бундай кучлар шу йўл билан ўз тарихимиз, тилимиз, бетакрор маданиятимиз, жаҳон халқлари ўртасидаги ўзига хос ўрнимиз, ўз тараққиёт йўлимиз борлигини инкор этишга ҳаракат қиласидар.

Бундан ташқари, ақидапарастлик халифалик байроби остида бирлашишни ноисломий дунёга қарши туриш мақсади билан ҳам боғлашини таъкидлаш зарур. Бундай ёндашув ўта хавфли экани ҳеч кимга сир эмас. Зоро, у инсониятнинг диний асосда қарама-қарши қутбларга бўлинниб кетишига, баъзан “цивилизациялар тўқнашуви” деб аталадиган ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги пайтда дунёда диний - экстремистик характердаги секта ва ҳаракатлар, уларнинг инсон қалби ва онги учун кураш йўлидаги фаолиятининг жонланиши кузатилмоқда. Хусусан, оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, биргина Россиянинг ўзида “Богородичий центр”, “Церковь объединения”, “Церковь Иисуса”, “Церковь Нового Завета”, “Белое братство”, “Божественный орден Первого Ангела” каби ўнлаб диний секталар ноқонуний равишда фаолият олиб бормоқда. Улар аҳолининг диний билимлари пастлигидан фойдаланиб, охиратнинг яқинлиги билан кўрқитиш, асосан ёшлар ва моддий аҳволи ночор бўлганлар ичida иш олиб бориш йўли билан ўз тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай секталарга асос солган “авлиё”лар ўз издошларини алдаш йўли билан уларнинг мол-мулкларига эгалик қилишга уринмоқдалар. Яширин фаолият олиб бориши, секта ичida бўлаётган воқеаларнинг кўпчиликка маълум бўлиб қолмаслигининг қаттиқ назорат қилиниши улар фаолиятидан жамоатчиликнинг бехабар қолишини келтириб чиқармоқда.

Угандадаги “Охират куни” сектаси бошлиқларининг фаолияти бунга мисол бўла олади. Охиратни 1999 йилнинг 31 декабрига “белгилаган” ушбу секта раҳбарлари ўз тарафдорларини мол-мулкларини сотиш, тушган маблагни уларга беришга ва шу йўл билан гуноҳлардан фориг бўлишга чақирган. Қиёматнинг 2001 йил 1 январга “кўчирилиши” секта раҳбарларига нисбатан шубҳа уйғонишига олиб келган. Секта ичida бўлиниш бошланганидан сўнг раҳбарлар Канунгу қишлоғида 500 дан ортиқ ўз тарафдорларини алдаб бир жойга тўплаб, устиларидан ёпиб бинога ўт қўйиб юборишган. Тезкор тадбирларни ўтказган полиция яна тўрт жойда оммавий қабрларни топган. Умуман бу сектанинг қурбонлари 1000 дан ортиқ бўлганни қайд қилинди<sup>61</sup>.

Очлик, урушлар, оммавий эпидемиялар, спиднинг тарқалиши юқоридаги каби секталарнинг кенг ёйилишига олиб қелмоқда. Охират кунини башшорат «қилувчи» бундай секталар бошқа давлатларда ҳам мавжуд.

<sup>61</sup> Қаранг: «Труд», 10 января, 2001.

Хитойда 1992 йилда Лю Хунчжи томонидан тузилган ва 2 миллиондан ортиқ тарафдори бўлган “Фалуньгун” сектасини ҳам ана шу қаторга киритиш мумкин. Лю Хунчжи фақат ўзинигина заминни ҳалокатдан, кишиларни қийинчиликлардан қутқарувчи, жисмоний ва маънавий етукликка бошловчи, гуноҳлардан фориг қилишга қодир деб ҳисоблади. Жаннат фақат унинг тарафдорларигагина насиб қиласидар. Ушбу таълимотда ҳам охират билан кўрқитиш марказий ўринни эгаллади. Расмий маълумотларга кўра Лю Хунчжи таълимотига эргашиш 1400 дан ортиқ кишининг ҳалок бўлиши, юзлаб одамларнинг руҳий касалликка чалинишига сабаб бўлган<sup>62</sup>.

“Культ сатани” деб аталадиган секта ҳам кенг тарқалган. Айrim маълумотларга кўра ўта хавфли бўлган бу сектанинг Россиянда 100000, ер юзида 5 миллиондан ортиқ тарафдорлари бор.

Кўриниб турибдики, бундай секталарнинг барчаси инсоннинг ожизлиги, маънавий ва жисмоний камолотга эришишга бўлган интилиши, кишилар ҳаётда дуч келадиган қийинчиликлардан ўзларининг баразли мақсадлари йўлида, шахсий бойлик ортириш ниятида фойдаланадилар.

Ҳозирги кунда тил, маданият, урф-одатлардаги умумийлик, бошқача айтганда, этник бирликка асосланган ҳолда ягона мафкуравий майдонни юзага келтириш борасидаги қарашлар ҳам мавжуд. Бундай қарашларнинг шакланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири дунёнинг мафкуравий манзарасида муайян ўринни эгаллашга уринмоқда. Панславизм, пантуркизм каби фоялар шулар жумласидандир.

Панславизм славян халқларини этник заминда бирлаштириш foясини илгари суради. Манбаларда, унинг У XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Чехия, Хорватия, Сербия ва Черногорияда ривож топгани ва руспарастлик характерига эга бўлгани қайд этилади. Чунки бу даврда славян халқларидан фақат Россиягина ўз давлатчилигига эга эди. Панславизм мафкурасининг тарих саҳнига чиқиши маълум даражада шу фоя остида ва Россия ёрдамига таянган ҳолда мустақилликка интилишнинг натижаси эди.

Кейинчалик у Россиянинг муайян доиралари томонидан славян халқларининг бошқа халқларга нисбатан устунлиги, Россиянинг эса славян халқлари ўртасида алоҳида ва ўзига хос ўринга эга эканини ифодаловчи кўриниш олди. Бундай қарашлар “славянофиллар” оқими вакиллари томонидан ривожлантирилган эди<sup>63</sup>. Бугунги кунда панславизм очиқ-ойдин кўринмаса-да, конкрет масалаларни, минтақавий ва халқаро муаммолар-

<sup>62</sup> Қаранг: Труд, 29 марта, 2000.

<sup>63</sup> Қаранг: Политология. Энциклопедический словарь. М.:1993. – С.238.

ни ҳал қилишда, геостратегик мақсадларни белгилашда “биродар” мамлакатларга ўзаро ён босишилик ҳолларида яққол намоён бўлмөджа.

Лекин ҳозирги даврда панславизмни ягона ва мустаҳкам мафкуравий йўналиш деб бўлмайди. Юgosлавиянинг парчаланиб кетиши оқибатида Болқон минтақасида юзага келган низолар буни очиқ-ойдин кўрсатди. Чунки, бу можаро доирасига тортилган ҳалқларнинг барчаси славянлар бўлгани учун диний мансублик биринчи ўринга чиқиб қолди. Хусусан, православ бўлган серблар, католик бўлган хорватлар, мусулмон бўлган боснияликларга ўз диний эътиқодларидан келиб чиқсан ҳолда бошқа-бошқа мамлакатларнинг хайриҳоҳлик билан қарагани фикримизга далил бўла олади.

Урушаётган томонлар ҳам диний бирлик, диний ҳис-туйғулардан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Хусусан, Сербиянинг бир қатор зиёлилари, уламолари томонидан имзоланган «Услышь, Россия, наше горе» деб номланган мурожаат “Православ, рус биродарлар!” деган сўзлар билан бошланган эди. Унда серб ҳалқига католиклар ва ислом фундаменталистлари томонидан ҳалокатли таҳдид солинаётгани, серб ва рус ҳалқлари тарихнинг олдинги даврларида ҳам улардан кўплаб жафолар чеккани, бугунги кунда бунинг тақрорланишига йўл қўймаслик учун православлар бирлашиши лозимлиги таъкидланган эди<sup>64</sup>.

Аммо бу панславизмнинг тарих саҳнасидан тушиб кетганини билдирамайди. Ҳеч бўлмаганда, собиқ иттифоқ ҳудудида бундай ғоялар муайян кучга эгалигини ёдда тутиш лозим. Ҳар 5 йилда бир марта бўладиган Славян конгресслари ҳам бундай ғояларни унтишга ҳали эрталигини кўрсатди.

Лисоний яқинлик асосида ҳалқларни бирлаштиришни тарғиб қилувчи бошқа кўринишдаги ғоявий қарашлар тизимининг келиб чиқиши ҳам жаҳон саҳнисида юзага келган кескин ўзгаришлар билан боғлиқ. Хусусан, барча туркий ҳалқлар ягона давлат остида бирлаштирилиши лозимлиги ҳақидаги ғояларни ҳам айрим туркий ҳалқлар ўргасида кейинги икки аср чегарасида содир бўлган маънавий уйғонишнинг ўзига хос натижаси, деб баҳолаш мумкин. «У XIX аср охири ва XX аср бошларида ҳар хил асосларда давлатлар ўргасида юзага кела бошлаган иттифоқлар олдида ожиз қолмаслик, турли хавф ва таҳдидларга қарши биргаликда курашиш, бир сўз билан айтганда, туркий ҳалқларнинг ўзлигини йўқотишига йўл қўймасликка интилишдек мақсад ифодаси ўлароқ шаклланган ва лисоний умумийликка асосланган ҳолда бирлашув ғоясини илгари суриб майдонга чиқди»<sup>65</sup>.

<sup>64</sup> Қаранг: Услышь, Россия, наше горе. // «Правда», 10 апреля, 1993.

<sup>65</sup> Политология. Энциклопедический словарь. М.:1993. – С.239.

Туркий ҳалқларнинг лисоний бирлиги ҳақидаги ғоя объектив ҳақиқат. Аммо биринчидан, туркий ҳалқлар тарихан турли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатлар доирасида ҳаёт кечиргандар. Бу ҳол улар ҳаётидан бир-биридан кескин фарқ қилувчи жиҳатлар ва хусусиятларни келтириб чиқарган. Иккинчидан, диннинг турли ҳалқлар маънавияти, маданияти ва руҳияти ривожидаги роли каттадир. Чунончи, туркий ҳалқлар ичida мусулмонлар, насронийлар, буддавийлар борлигини кўрамиз. Шундай экан, лисоний бирликни мутлақлаштириш ўринсизdir.

Айни пайтда, бу ғоя моҳиятан ягона давлатга уюшиш, тўғрироғи, муайян давлат раҳбарлиги ва раҳнамолиги остида барча туркий ҳалқларнинг бирлашувини асосий мақсад сифатида белгилайди. Бундай ёндашув охир-оқибатда, бир томондан, туркий ҳалқлар ичидаги бирор бир ҳалқнинг гегемонлигини асослаш, иккинчи томондан, муайян ҳалқларнинг миллий суверенитетини тан олмаслик, рад этишини келтириб чиқаради.

Лисоний бирликка таянган ҳолда ҳалқларнинг маънавий-маърифий бирлигини таъминлаш байроби остида тақдим этилаётган ғояларнинг бошқа кўринишлари ортида ҳам аслида шундай пировард мақсад яшириганини ёддан чиқармаслик лозим.

Юқоридаги мафкура шакллари билан бир қаторда юзаки қараганда тарих саҳнисидан тушиб кетгандай туюлган, файриинсоний моҳиятга эга бўлган неофашизм ва ирқчиликдек мафкуралар ҳам янгидан бош кўтара бошлаганини таъкидлаш зарур. «Италия, Франция ва Германияда ирқчилик кайфиятлари тобора очиқ шакл олмоқда, 1990 йилдан бошлаб эса араб ва турк эмигрантларига нисбатан зўрлик ва сиёсий реакция доимий кучайиб бормоқда»<sup>66</sup>, – деб ёзди С.Хантингтон.

Жаҳоннинг турли нуқталаридан ривожланган мамлакатларга кўчиб келишининг кучайиб бориши бу давлатларнинг туб аҳолиси, айниқса, ёшлари орасида ирқчилик ғояларининг янгидан ёйилишини келтириб чиқармокда.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Шарқий Германия (собиқ ГДР) ҳудудида яшаётган ҳар 2 ёшнинг бири, гарбий немис ёшларининг эса 35 фоизи нацизм ўзининг ижобий томонларига эга эди деб ҳисоблайди.

Шарқий германияликларнинг 46 фоизи, гарбий германияликларнинг 40 фоизи Германияда чет элликлар ҳаддан ташқари кўп деб ҳисоблаши ҳам бундай ғоялар тарқалиши учун етарли замин мавжудлигини англатади<sup>67</sup>.

Испанлар эса, ўзларини қийновчи муаммолар ичida ишсизлик ва терроризмдан кейин учинчи ўринда айнан иммигрантларнинг кўпайиб бораётганини қайд этишлари бундай қарашлар Европанинг бошқа мам-

<sup>66</sup> Хантингтон С. Столкновение цивилизаций? // «Полис», 1994. №1. – С.38.

<sup>67</sup> Би-Би-Си, 9 февраль, 2001.

лакатларида ҳам илдиз отиб бораётганини күрсатади. Умуман олганда, Европа Иттифоқига кирувчи давлатлар ахолисининг учдан бири ўзини у ёки бу даражада иркЧИ деб ҳисоблайди<sup>68</sup>.

Фактлар бундай жараёнлар Россияда ҳам жонланиб образганин күрсатмоқда. Россия пойтахтида «Белые бульдоги» ва «Лефортовский фронт» гурухларининг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган «Объединенные бригады 88» шунингдек, «Русский кулак» деб номланган ташкилотларнинг фаолияти бунга мисол бўла олади. Манбаларда, 1998 йилда бундай йўналишдаги ташкилотлар Москва газеталари таҳририятлари га Гитлернинг туғилган куни муносабати билан “ҳар куни биттадан негрни ўлдириш” ҳақидаги ниятлари ёзилган факсни жўнаттганлари ва 20 апрелдан кейинги бир ой давомида ўрта ҳисобда ҳар куни 4 тадан қора танли студентлар ирқчи гуруҳлар аъзолари томонидан калтаклангани, бир қатор Осиё ва Африка давлатлари дипломатларининг хотинлари, болалари, шунингдек, “кавказликлар” ана шундай хужумлар натижасида тан жароҳатлари олганлари қайд этилади<sup>69</sup>.

Сүнгги пайтда туб англияликлар ва эмигрантлар ўтасидаги муносабатлар ҳам иркүй характер касб этиб, турли түқнашувларни келтириб чиқармоқда. Биргина Брадфордда ирқчилик замираидың көзага күч арттысызликлари натижасыда күп табыс одамлар жарохат олган, таxминан 25 млн. фунт стерлинглик (35 млн. долл.) моддий зарап келтирилген<sup>70</sup>.

Мазкур мисолларнинг ўзи ҳам ирқчилик ва унинг замирида юзага келаётган ксенофобия, зўравонликнинг хавфи нақадар кенгайиб бора-ётганини яна бир бор исботлайди.

ётганини яна бир бор исобга таанды.

Баъзи ҳолларда юқоридаги мағкура шаклларининг ўзига хос омух-  
талашуви ҳам кузатилмоқда. Бу, бир томондан, миллатчилик ва иркчи-  
лик, бошқа томондан, ашаддий миллатчиликнинг диний ақидапараст-  
лик билан қўшилиб кетаётганида яққол кўринимоқда. Бунинг оқибати  
ўлароқ омухталашган гоявий қарашлар билан қуролланган қучлар ўз  
мақсадлари йўлида кўплаб фожиаларни келтириб чиқараётган террорис-  
тик ҳаракатларни содир этмоқдалар. Натижада миллий озодлик ва ди-  
ний қадриятлар тушунчасининг ўзи обрўсизлантирилмоқда, жаҳон аф-  
кор оммасида салбий стереотип ва қарашларнинг шаклланишига олиб  
келмоқда. Чечен жангарилари томонидан Буденновск (1995 йил, 14 июнь),  
Кизляр (1996 йил, 9 январь), Москва (2002 йил, 24 октябрь) шаҳарла-  
рида содир этилган терактларда бегуноҳ одамларнинг гаровга олингани.

<sup>68</sup> Орлов А. Иммиграционный бум. Где решение проблемы?// «Международная жизнь», 2002, №12. – С81.

<sup>69</sup> Қаранг: Активный расизм в развитии. <http://>  
<sup>70</sup> РИА «РосБизнесКонсалтинг», 16. 07. 2001.

<sup>70</sup> РИА «РосБизнесКонсалтинг», 10. 07. 2001.

юзлаб одамларнинг қурбон бўлгани бундай омухталашувнинг нақадар оғир окибатларни келтириб чиқаришини кўрсатади.

Юқоридаги каби ҳолатлар, бир томондан, мусулмон давлати қуриш, иккинчи томондан, миллий озодлик учун кураш сифатида тақдим этилаётгани сабабли фалати бир вазият юзага келаётганини таъкидлаш зарур. Биринчи форя жамиятдаги мағкуравий қараашлар тизими ва давлат органлари фаолиятида ислом дини расмий ва юқори мавқега эга бўлган, исломий ташкилотларнинг яхши ташкилий тузилмалари шакллантирилган мамлакатларда кенг тарғиб қилинмоқда. Иккинчи форядан эса, асосан ривожланган Европа давлатларида усталик билан фойдаланилмоқда. Натижада улар икки томонлама қўллаб-куватланмоқда.

Мълумотларга кўра, чечен жангарилари Индонезиянинг “Жамоат” экстремистик партияси, АҚШнинг Балтимор шаҳрида жойлашган “Ислом ёрдами”, Иорданиядаги “Чечен хайрия жамияти” каби ташкилотлардан ҳам доимий ёрдам олиб турибдилар. “Ичкерия республикаси” ваколатхоналари эса Польша, Туркия, Голландия, Дания, Эстония каби давлатларда очиқ фаолият кўрсатмоқда. Фоявий алдовларга илинган Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб амирикларида яшовчи чечен диспаратлари эса ҳар йили 10 миллион долларгача пулни “жиход”ни давом эттириш учун эҳсон қўлмоқдалар<sup>71</sup>.

Бундай хатти-ҳаракатларни умуман оқлаб бўлмаслиги аниқ. Мана шу ҳақда мулоҳаза юритар экан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов шундай ёзади: “Халқ баҳтсизликлари тарихини ўрганувчи ҳар қандай одам ер юзига бундай кулфатларнинг кўп қисмини жаҳолат олиб келганига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Жаҳолат ҳомийлари аслида инсониятнинг энг ашаддий душманларидир”<sup>72</sup>.

Бундан ташқарி миллий ва диний фойдаланишини ҳам ёддан чиқармаслик лозим, “Диний таълимот нуқтаги назаридан, — деб ёзади Рус православ черкови Тошкент ва Ўрга Осиё епархияси архиепископи Владимир, — диний ва миллий тушунчаларни аралаштириш мумкин эмас. Зеро, дин Самовий, миллат ва сиёсат эса заминий ишлар сирасига киради”<sup>73</sup>.

Диний-экстремистик ва террористик ҳаракатлар ҳақидағи мұлоҳазалар якунида яна бир ҳолатта дикқатни қаратиш лозим. Вақт бундай ҳаракатларнинг олдини олиш учун уларнинг моддий-моляивий ва ташкилий асосларига барҳам беришнинг ўзи етарли әмаслигини күрсатмок да. Чунки, ғоявий кураш, диний экстремизмнинг мафкуравий асосла-

<sup>71</sup> Қаранг: Кто дал деньги на теракт в Москве? // «Аргументы и факты», №44, 2002.

<sup>72</sup> Бахромов А. Терроризм офтадир. // "Халқ сүзи", 30 октябрь, 2002.

<sup>73</sup> Архиепископ Владимир. ...А друзей искать на Востоке. – Т.: 2002. – С. 6.

рини енгиш тобора мұхим ва ҳал қылувчи ақамият касб этиб бормоқда. Буни бугунги кунда дүнёнинг етакчи давлатлари мутахаессислари, сиёсатчилари ва давлат раҳбарлари ҳам эътироф этмоқда. АҚШ Мудофаа вазири Д. Рамсфельд ўзининг «Вашингтон таймс» газетасида эълон қилинган интервьюсида хукumat таркибида «ғоялар урушини олиб борадиган, терроризм ва экстремизм ғоялари тарқалишининг олдини олишга хизмат қиласидан «ХХI аср ахборот агентлигиги»ни тузиши»ни таклиф этгани фикримизнинг далили бўла олади<sup>74</sup>.

Қайд этилган ҳолатларнинг реал характеристи ва кўлами кўз ўнгимида вужудга келаётган дунёда “Инсониятни ажратиб турувчи чегаралар ва кўпчилик низоларнинг асосий манбаини мафкура ёки иқтисод эмас, балки маданият белгилаб беради”<sup>75</sup>, – деган қараашларнинг баҳсли эканини кўрсатади.

Мазкур ёндашувга батафсил тўхтамаган ҳолда, маънавий маданиятнинг асосий структуравий элементлари мафкуравий характеристерга эгалигини ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига кучли даражада таъсир ўтказишини қайд этиш лозим.

С. Хантингтон қараашларида маданий ўзига хосликларнинг шаклланишида диннинг роли мутлақлаштирилаётганини кўриш мумкин. Олим томонидан фарб (христиан), конфуцийвий, япон, ислом, ҳиндуйлик, православ-славян, лотин америкаси ва африка цивилизациялари фарқланишининг ўзиёқ бунинг яққол далили бўла олади.

Диннинг жамият маънавий ҳаётидаги, турли мафкуравий қараашларнинг шаклланишидаги ўрни эътиборга олинса, С. Хантингтон прогноз қилаётган цивилизациялар тўқнашуви моҳият эътибори билан мафкуравий асосга эга бўлишига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Маданий ўзига хосликлар ўз ҳолича инсониятнинг ягона бирлик сифатида ривож топишига тўсқинлик қылувчи асосий ва мұхим омил бўла олмайди. Улар ғоявий жиҳатдан асосланган ва ижтимоий онгга изчил тарзда сингдириб борилган тақдирдагина ҳақиқатан ҳам кишиларни бир-бираидан айирувчи омилга айланади. Инсоният истиқболини таъминлашда маданий-диний ўзига хосликлар ролини мутлақлаштираётган С.Хантингтон қараашлари ҳам шунга хизмат қиласиди.

Холисликка дайвогарлик қилишидан қатын назар, мазкур назарияни, бизнингча, Фарб (яхудо-христиан цивилизацияси)нинг дунёдаги хукм-ронлигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш зарурлиги асослаб берилган ўзига хос мафкуравий платформа сифатида баҳолаш зарур.

Ўз вақтида маълум ва машҳур бўлган деидеологизация концепцияси аслида идеология бўлгани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, С. Хантингтон қараашларининг фарбмарказчилик моҳияти инкор этилган тақдирда ҳам, уни кишилик жамияти келажагини маданийдиний бирликлар (цивилизациялар) кураши белгилаши асослаб берилган мафкуравий концепция деб қабул қилиш ўринли бўлади.

Дунёнинг мафкуравий манзарасига хос жараёнларнинг юқорида амалга оширилган таҳлили уни яхлит ижтимоий феномен сифатида таърифлаш имконини беради.

Энг умумий маънода, дунёнинг мафкуравий манзараси деганда, жамият тараққиёти қонунлари, унинг ривожланиши тенденцияларини музайн ижтимоий гуруҳ, этник бирликлар, сиёсий кучларнинг ўзига хос манфаатларидан келиб чиқиб талқин қилиш ва унга асосланган ҳолда инсоният истиқболини белгилашга қаратилган мафкуравий тизимлар мажмую тушишилади.

Дунёнинг мафкуравий манзарасига хос ана шу моҳиятни чуқурроқ ва теранроқ англаш инсон қалби ва онги учун олиб борилётган тинимиздик курашнинг асл мақсадларини тўғри тушуниб этишга, мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий ҳамкорлик, миллий бирлик ва ҳамжихатлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликка таҳдид соловчи ғояларнинг олдини олишга қаратилган тегишли маърифий ишларни изчил ва тизимли ташкил этишга хизмат қиласиди.

<sup>74</sup> «The Washington Times», 2003, 24 oktober.

<sup>75</sup> Қаранг: Хантингтон С. Столкновение цивилизаций? // «Полис», 1994. №1. – С. 33

#### IV боб.

### КҮП МИЛЛАТЛИЛИК ВА МИЛЛИЙ СИЁСАТ МОДЕЛЛАРИ: ТАРИХ, ВОҚЕЛИК ВА ИСТИҚБОЛ

Жаҳоннинг этник харитасига эътибор берсак, бугунги кунда ер юзида юзлаб миллат ва элатлар яшаётганинг гувоҳи бўламиз.

«Дунёнинг ҳақиқий бойлиги, — деб ёзди И. А. Каримов, — қадриятларни ўзаро айирбошлаш, бир-бирини бойитиш имконияти ана шу хилма-хилликдадир.

Аммо ҳозирги замоннинг ҳал қилиниши мушкул бўлган муаммоларидан бири ҳам унга бориб тақалади. Дунёда яшаётган этносларнинг кўпчилиги ўз миллий давлатчилигига эга эмас. Дунё сиёсий харитасида атиги икки юзга яқин давлат борлиги ҳам бунинг далилидир»<sup>76</sup>.

Миллатлар ва элатлар миқдорининг давлат тузилмалари сонидан кўплиги ҳам аксарият мамлакатларнинг кўп миллатли эканини кўрсатади. Бу, бир томондан, миллий сиёсат давлат қундалик сиёсатининг узвий қисми, иккинчи томондан, миллатлар ўртасидаги муносабатнинг характеристи мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи, унга кучли дараҷада таъсир кўрсатувчи омиллардан бири эканидан далолат беради.

Кўп миллатлилик сабаблари таҳлил қилинса, икки хил ҳолат кузатилади. Аввало, бир мамлакат ҳудудида қўшни давлат(лар)нинг асосий ҳалқ(лар)ининг вакиллари истиқомат қилиши оқибатида қарор топган кўп миллатлиликни фарқлаш лозим. Масалан, Ўзбекистонда бизга қўшни, ўз мустақил давлатларига эга бўлган қирғиз, қозоқ, тоҷик, туркман ҳалқлари вакиллари яшашиди. 2003 йил 1 январгача бўлган маълумотларга кўра республикамида 1 миллион 237 минг тоҷик, 977 минг қозоқ, 227 минг қирғиз ва 152 минг туркман миллатига мансуб фуқаролар яшайди. Айни пайтда, Қирғизистон, Қозогистон, Тожикистон, Туркманистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош районларида ўзбеклар яшайдиган катта ҳудудлар мавжуд. Хусусан, Қозогистонда 1999 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра 370 минг ўзбек яшashi қайд этил-

<sup>76</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафғизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Каримов И.А. Ҳафғизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 77 б.

ган. Қирғизистон (664 минг) ва Тожикистонда (936,7 минг) ўзбеклар миқдоран мамлакатда иккинчи ўринда турдилар.

Бундай кўп миллатлилик дунёнинг аксарият мамлакатларида тарқалган бўлиб, биз уни табиий-тарихий кўп миллатлилик, деб аташни таклиф қиласиз.

У табиий равишда кечган ва вақт нуқтаи назаридан нисбатан узоқ давом этган жараёнларнинг ҳосиласи ҳисобланади. Бундай кўп миллатлилик унга тортилган ҳалқларнинг ёнма-ён ҳаёт кечириши, асрлар давомида ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб келиши, турли табиий ва ижтимоий қийинчиликлар, ташки босқинларга қарши биргаликда кураши билан боғлиқ умумий тарих, маданият, урф-одатлар, турмуш тарзи ва менталитетдаги муштарак жиҳатларнинг кўплиги билан ажralиб туради.

Иккинчи турдаги кўп миллатлиликни шартли равишда ижтимоий-сиёсий кўп миллатлилик, деб аташ мумкин. У турли ижтимоий омиллар, шунингдек, бир ҳалқнинг иккинчиси устидан ҳукмронлигини таъминлаш, у ёки бу миллатнинг миқдорий устуворлигига барҳам бериш ниятида жамиятнинг этник таркибини атайлаб мураккаблаштиришдек онгли, аниқ мақсадларни кўзлаб олиб бориладиган сиёсат натижасида бир-биридан тили, маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзи билан фарқланувчи ҳалқларнинг муайян ҳудудда биргаликда яшай бошлиши туфайли юзага келади.

Бундай ҳол дунёнинг барча мінтақаларида кузатилади. Чор Россияси босқинидан сўнг ва ундан кейинги даврларда юртимизга ҳам рус, украин, белорус ва бошқа ҳалқлар вакиллари кўплаб кўчиб келишди. Зоро, босиб олинган ҳудудларда ҳукмронликни таъминлаш учун Россиянинг марказий губерняларидан ортиқча аҳолини кўчириш асосий мақсадлардан бири қилиб белгиланган ва бундай йўл адолатли деб эълон қилинган эди. Хусусан, мутахассислар фикрича, Биринчи жаҳон уруши даврида Туркистон ўлкасига Польша, Болтиқбўйи мінтақасидан 70 мингга яқин киши кўчириб келинди. 1916 йилда бошланган реэвакуациядан кейин ҳам поляк, литва, латиш, эстон ва бошқа миллатлар вакилларидан иборат 7-8 минг киши юртимизда доимий асосда яшаб қолди<sup>77</sup>.

Октябрь тўнтаришидан кейинги даврда ҳам моҳиятан шундай сиёсат давом эттирилди. Бунда кўп миллатлилик даражасининг юқори суръатларда ўсишига турли омиллар таъсир кўрсатди. “Масалан, СССР XҚСнинг “Янги заводларни малакали ишчи кучи билан таъминлаш режаси ҳақида”ги қарорига биноан давлат ташкилотлари йўли билан ҳалқ ҳўжалиги-

<sup>77</sup> Қаранг: Атамирзаев О., Гентише В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т.: 1998. – С. 50-51

нинг асосий тармоқларига бошқа республикалардан ҳар йили бу ерга 20 мингдан 40 мингача одам жўнатиб турилди”<sup>78</sup>.

Айни пайтда, 1930-1940 йилларда 60 дан ортиқ ҳалқларнинг, шу жумладан улардан 15 тасининг тўлиқ депортация қилиниши содир бўлди. Ҳусусан, республикамизга корейслар, қrim татарлари, немислар каби бир қатор ҳалқлар вакиллари мажбурий тарзда кўчирилди. Масалан, П.Полян 1937 йилда Узоқ Шарқ жанубидан асосан Қозоғистон, қисман Ўзбекистонга ҳам, жами 9 минг хитой, 1940 йилда Фарбий Украина ва Белоруссиядан шу икки республикага жами 61 минг поляк, 1944 йилда Крим АССРдан факат Ўзбекистоннинг ўзига 182 минг қrim татарлари, 42 минг грек, болгар, арман ва бошқа миллат вакиллари, Грузиядан эса асосан Ўзбекистон, шунингдек, Қозоғистон ва Қирғизистонга жами 92 минг месхети турклари оммавий депортация қилинганини қайд этади<sup>79</sup>. Оқибатда мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий кўп миллатлилик чукурлашиб борди.

Республикамиз аҳолисининг миллий таркиби 1941-1945 йиллардаги уруш даврида янада ўзгарди. Ўзбекистон фронтолди ҳудудидан эвакуация қилинган 1 миллиондан ортиқ қишини қабул қилди, уларга ёрдам, меҳр-муруват кўрсатди<sup>80</sup>.

1966 йилдаги Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатиш учун совет давлатининг турли бурчакларидан келган кўплаб кишиларнинг республикамизда доимий яшаб қолиши ҳам мазкур жараённинг чукурлашувига ўз ҳиссасини қўшди.

Асосан, айнан юқоридаги сабабларга кўра собиқ совет республикалари — бугунги кунда мустақил давлатларнинг нисбатан барқарорлашган кўп миллатлилиги шаклланди ва обьектив реалликка айланди.

Ҳозирда бундай жараён дунёning кўпчилик давлатларида моддий қашшоқлик, иқтисодий қийинчиликлар, миллатлараро низолар, фуқаролар урушидан қочишига интилиш каби омиллар таъсирида содир бўлмоқда ва иқтисодий жиҳатдан юксак тараққий қилган мамлакатларда чукурлашиб бормоқда. “Очиқ жамият” принциплари хукмонлиги, ўзгача қадрият, анъана, урф-одатлар, турмуш тарзининг ҳимоя қилиниши, тегишли хукукий, демократик механизмларнинг шакллангани ҳам бундай давлатларни ҳёт кечириш учун маъқул макон сифатида чиқишига замин яратмоқда.

Миграция жараённда мавжуд иқтисодий алоқаларнинг характеристи, кучлилиги ва эмигрантлар ҳаёти, меҳнати учун хукукий кафолатларнинг мавжудлиги ҳам кўпроқ «жозибадор» омил сифатида чиқмоқда. Шу билан

<sup>78</sup> Правовое государство – независимость, нация, экономика, идеология, политика. Том 1. – Т.: «Адолат», 1994. – С. 113.

<sup>79</sup> Қаранг: Павел Полян. Не по своей воле. История и география принудительных миграций в СССР. М.: «Мемориал», 2001. – С. 245-248.

<sup>80</sup> Қаранг: Шермуҳамедов С.Ш. На языке единства. – Т.: «Ўзбекистон», 1991. – С. 65.

бирга, лисоний яқинлик омили ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Бошқача айтганда, Ер юзининг турли чеккаларидаги колонияларида ўз тиллари ва маданиятини сингдиришга ҳаракат қилган ва бу йўлда муайян мувффакиятларга эришган давлатлар асосий эмиграция обьектига айланмоқда.

Мазкур жараёнлар моҳиятидан келиб чиқиб, бундан буён ҳам мамлакатларнинг кўп миллатлилиги сақланиб қолади дейишимиз мумкин. Бунга миграция жараёнлари билан бир қаторда давлатларнинг ўз ватандошларини улар яшаб турган мамлакатларда муқим қолишига йўналтирилган сиёсати ҳам сабаб бўлмоқда. Хорижий давлатларнинг чет эллардаги ватандошлар билан ишлаш тизими ва тажрибасини ўрганиш шундай холоса чиқариш имконини беради.

Ватандошлар бўйича давлат сиёсати шаклланишига таъсир қилувчи омиллар моҳиятидан келиб чиқиб, кўпгина давлатлар хориждаги ватандошларга сиёсий жиҳатдан ўзлари яшаётган давлатнинг кенг оммасига таъсир этиш ва иқтисодий жиҳатдан мамлакатга молиявий ёрдам беришга қодир куч сифатида қарашлигини таъкидлаш зарур.

Давлатларнинг хорижда яшовчи диаспораларига стратегик захира сифатида қарашини қўйидаги ҳолат ҳам тасдиқлайди. Масалан, бугунги кунда дунёning 140 дан ортиқ мамлакатида корейслар истиқомат қилмоқда. Корея ўзининг дунёдаги геосиёсий мавқеи ва сиёсий-маданий таъсирини мустаҳкамлашда ана шу омилга алоҳида ёътибор бермоқда. Жумладан, мутахассислар “Global Korean Community” (“Халқаро корейслар ҳамжамияти”) ташкилотининг тузилганини ҳам шу ният билан боғлашмоқда<sup>81</sup>.

Хориждаги диаспораларига бундай муносабат МДХ давлатлари томонидан ҳам изчил амалга оширишга ҳаракат қилинмоқда. Ҳусусан, “Россия Федерациясининг ташқи сиёсат концепцияси” ва “Россия Федерациясининг хориждаги ватандошларга нисбатан давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунда мазкур йўналишдаги ишлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири қилиб белгиланган. Бундай муносабат “Ҳозирги даврда Россия Федерациясининг хориждаги ватандошларни қўллаб-куватлаш концепцияси” ва “Россия Федерациясининг миграция сиёсати бўйича концепцияси”да ҳам ўз ифодасини топган<sup>82</sup>.

Шунингдек, айрим мамлакатлар амалиётида ўз фуқароларининг хорижга вақтнинчалик ишлаш учун ташкилий равишда чиқишини рафбатлантириш ва реэмиграцияни қўллаб-куватламаслик кузатилишини ҳам қайд этиш лозим.

<sup>81</sup> Қаранг: Ҳан В. Корейское международное сообщество: утопия или перспектива? // “Коё синмун”, 30 июня, 2002.

<sup>82</sup> Қаранг: “Собрание законодательства РФ”, 1999, № 22; “Концепция поддержки Российской Федерацией соотечественников за рубежом на современном этапе”; “Концепция приграничного сотрудничества в Российской Федерации”; “Концепция миграционной политики Российской Федерации”. М.: «Дрофа», 2001.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда жаҳонда 1 миллиард атрофида меҳнат мигрантлари бор. Улар асосан ривожланган Европа мамлакатлари, АҚШга меҳнат қилиш учун боришига ҳаракат қилишади. Масалан, Англия ҳар йили 100 минг атрофида ана шундай нолегал меҳнат мигрантларини ушлаб Ватанларига қайтариш билан овора<sup>83</sup>. Демак, меҳнат миграцияси таъсирида ҳам давлатларнинг кўп миллатли бўлиш жараёни давом этади дейиш мумкин.

Миллий ҳаёт, миллатлараро муносабатлар ҳақида гап кетар экан, ўз вақтида кўп гапирилган миллий дифференциация ва интеграция жараёнлари ҳозирги кунда ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлаётганини таъкидлаш зарур.

Дунёning турли нуқталарида этник ўз-ўзини англашнинг ўсиши, миллий ҳаётнинг уйғониши содир бўлмоқда. Бундай уйғониш жаҳон тарихининг бурилиш нуқталарида ҳамма вақт янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлишига замин яратган. Жаҳон сиёсий харитасидаги ўзгаришларга таяниб, бу жараённинг бир неча тўлқинини ажратиш мумкин.

Янги мустақил давлатларнинг тарих саҳнига чиқишининг биринчи иирик тўлқини XIX аср бошларидан асосан ўртасигача бўлган даврни қамраб олади. Бу даврда ўз мустақиллигини қўлга киритган 22 давлатнинг 16 таси Америка қитъаси давлатларига тўғри келди.

Биринчи жаҳон урушининг оқибатлари билан боғлиқ иккинчи тўлқин даврида жаҳон сиёсий харитасида 15 та, Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланган учинчى тўлқинда (1944 - 1950 йй) 17 та янги давлат пайдо бўлди.

Мустақилликка интилишнинг 1950-йилларнинг ўрталаридан бошланган тўртинчи тўлқини 1960 йилларда ўзининг юқори чўққисига кўтарилиди. Агар 1950-1960 йиллар орасида 13 мамлакат ўз мустақиллигини қўлга киритган бўлса, 1960 - йилларда яна 43 давлат шундай мақомга эга бўлди. 1970-1980 йилларда давлатларнинг мустақиллик учун кураши давом этиб, дунёning турли нуқталарида яна 21 давлат ўз мустақиллигини қўлга киритди<sup>84</sup>. Бу жараён 1990 йилларда янгидан давом этди. Собиқ федератив мамлакатлар – СССР, Чехословакия, Югославиянинг парчаланиб кетиши оқибатида уларнинг ўрнида 20 дан ортиқ янги, ёш мустақил давлатлар пайдо бўлиб, жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айланди.

Миллий дифференциация жараёни нафақат федератив давлатлар ўрнида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши шаклида, балки кўйидаги кўринишларда ҳам намоён бўлмоқда.

<sup>83</sup> Бестужев-Лада И. Четвертая мировая война будет демографической. // «Независимая газета», 13 декабря, 2002.

<sup>84</sup> Мазкур рақамлар Страны мира. Справочник. (М.: «Республика», 1997) китобида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда ҳисоблаб чиқилди.

Тарихан миллатларнинг шаклланиши табиий-стихияли тарзда – объектив иқтисодий, лисоний, маданий алоқалар замирида юзага келган. Аммо ҳозирги даврда ички миллий муносабатларни кучайтириш, мустаҳкамлашда онглилик, аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қилиш ва мустақил миллий давлатни тузишга бўлган интилиш кучайиб бормоқда. Бунда ўзининг давлат тузишмаларига эга бўлган миллатлар тажрибасининг таъсири бор, албатта. Чегарадош мамлакатларда яшаётган курдларнинг худудий бирлашиб, ўзларининг мустақил давлатини куришга, миллат бўлиб уюшишга интилаётгани бунинг далилидир.

Айни пайтда, тарих саҳнида янги давлатларнинг пайдо бўлиши уларга ном берган миллатларнинг кўшни мамлакатларда уюшиб яшаётган элатдошлари этник онгининг кескин даражада ўсиши, яшаётган худудларини ўз миллий давлатлари билан бирлаштиришга уринишни келтириб чиқармоқда. Хусусан, Косоводаги ҳаракатлар бунинг исботидир.

Агар юқорида қайд этилган икки йўналишдаги ҳаракатлар кучаядиган бўлса, дунёning янгидан – миллий асосда қайта бўлиниши содир бўлади. Бугунги кунда Буюк Британия, Дания, Испания, АҚШ каби бир қатор давлатлар 40 дан ортиқ худудларга эгалик қилиб тургани инобатта олинса<sup>85</sup> бунинг учун реал асослар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Демак, жаҳон сиёсий харитасида янги давлатларнинг пайдо бўлиш жараёни давом этади.

Бундай бўлиниш реал ҳаётда содир бўладими ёки йўқми бизнингча “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуқлар тўғрисида халқаро Пакт” ҳамда “Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисида халқаро Пакт”нинг биринчи моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган “Барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш хукуқига эгадирлар. Ана шу хукуқ туфайли улар ўз сиёсий мақомларини ўз эрклари билан белгилайдилар ҳамда ўзларининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётларини таъминлайдилар”<sup>86</sup>, – деган қоида билан Европада хавфислик ва ҳамкорлик кенгаши Якунловчи актидаги шаклланган чегараларнинг дахлсизлиги ҳақидаги қоида, содда қилиб айтганда эса, халқаро хукуқнинг миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш хукуқи билан мавжуд давлатларнинг худудий дахлсизлиги принципи ўртасида юзага келган зиддиятнинг қай йўсинда ҳал қилинишига кўп даражада боғлиқ бўлади.

Миллий ҳаётда кузатилаётган иккинчи тенденция бу интеграция жараёнининг чуқурлашиб бораётганидир. Бундай ҳолат дунёning барча минтақаларида кузатилмоқда. Ушбу жараёнларни кузатиш кишида турли

<sup>85</sup> Қаранг: Страны мира. Справочник. М.: «Республика», 1997.

<sup>86</sup> Инсон хукуқлари тўғрисида халқаро билль. Т.: «Адолат», 1992. – 18-19, 33-34 б.

минтақалар интеграция йўлида ўзига хос «ким ўзди» пойгасига киришганга ўхшайди, деган тасаввур уйғотади.

Шу ўринда ҳар бири ўзига хос, бетакрор маданиятга эга бўлган, ривожланишда юксак чўққиларга эришган Европа иттифоқи мамлакатларида янги босқичга кўтаришган сиёсий, ижтимоий-иктисодий интеграция жараёнларига тўхталиш зарур. Узоқ тайёргарлик, баҳс-мунозаралар, баъзи ҳолларда эса, умумхалқ референдумлари ўтказилганидан сўнг давлат суверенитетининг муҳим белгиларидан бири бўлмиш миллий валюталар ўрнига ягона пул бирлиги - «евро» ни муомалага киритиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бугунги кунда Европа Иттифоқи 20 дан ортиқ давлатни бирлаштириб тургани ҳам мазкур жараённинг нечоғли чуқурлигини кўрсатиб турибди.

Жанубий-шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН), Лотин Америкаси иктисодий системаси каби ташкилотларнинг юзага келиши ва улар олиб бораётган фаолият минтақавий ҳамкорликнинг кўламли характер касб этиб бораётганидан яна бир нишонадир.

Таҳлил бундай жараёнлар Африкада ҳам илдиз ота бошлаганини кўрсатади. 2002 йилнинг 9 июлида Дурбан (ЖАР) шаҳрида йигилган 52 Африка давлатлари раҳбарлари қарийб 40 йил фаолият кўрсатган Африка бирлиги ташкилоти ўрнида Африка Иттифоқи деб аталган янги ташкилотни тузганликларини эълон қилдилар. Ушбу саммитда Панафрика парламентини, ягона валюта жамғармасини, марказий банкни (Африка ривожланиш банкини) тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Барча мамлакатлар учун ягона валютани жорий қилиш истиқболдаги вазифа сифатида белгиланди.

Минтақавий интеграция ривожланиши мантиқидан келиб чиқиб, бир ҳолатни қайд этиш лозим. Яқингача, жаҳон аҳамиятига эга бўлган муаммолар асосан ўта йирик давлатлар хоҳиш-истаги, манфаатларидан келиб чиқиб ҳал қилинди. Қисман ҳозир ҳам шундай. Аммо, узоги билан XXI асрнинг ўргатларига келиб инсониятнинг тақдирига даҳлдор масалалар чукур интеграциялашган бир нечта минтақада ҳал қилинса ажаб эмас.

Шундай истиқболдан келиб чиқилса, республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг ташаббуси ва бевосита иштирокида Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотига асос солингани узоқни мўлжаллаб қилинганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бундай ҳамкорлик мамлакатларимизнинг иктисодий, молиявий, табиий, интеллектуал, маданий-мътирифий салоҳиятини халқларимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиришга йўл очади. Минтақа иктисодиёти учун зарур бўлган турли дастурларни амалга ошириш, халқаро ташкилотларнинг инвестицияларини жалб этиш, улардан оқилона фойдаланишни ташкил этишга шароит

яратади. Буларнинг барчаси Марказий Осиё ҳамкорлигининг жаҳон саҳнида юзага келаётган минтақавий интеграция қутбларида муносиб ўринни эгаллашига имкон беради.

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, миллий дифференциация ва интеграция жараёнлари шиддатли тарзда кечмоқда ва моҳиятан бир-бирига зид бўлган бу икки тенденция ёнма-ён, бир вақтда содир бўлмоқда.

Мустақилликнинг қадрига етиш, ҳаётимиизда бўлаётган ижобий ўзгаришлар, озод юртимиздаги миллатлараро муносабатларнинг характеристики англаш учун нафақат халқаро майдонда кузатилаётган тенденциялар, балки ўтмишимизга ҳам мурожаат қилишимиз, уни бугунги кун натижалари, юртимизда кечаяётган жараёнлар билан солишиши зарур.

Яқин ўтмишда амалга оширилган миллий сиёsat ва унинг оқибатлари тўғрисида кўп ёзилган ва гапирилган. Аммо бугунги кунда турли миллатга мансуб фуқароларимиз ҳаётида содир бўлаётган маънавий ўйғониш ва маданий юксалиш жараёнини тўғри ва чуқур тушуниш учун ана шу давр миллий сиёsatининг айрим жиҳатларига тўхталиш лозим бўлади. Энг аввало, федератив тузилишга эга бўлган социалистик мамлакатларнинг парчаланиб кетиши, унитар характерга эга бўлсада, айрим давлатларнинг этник кескинликлар бўйронида қолиши миллатлар ва элатларнинг асоскор ҳуқуқларининг поймол этилиши билан боғлиқлигини таъкидлаш зарур.

Масалан, миллий тилларда таълим олиш, маданиятларни ривожлантириш учун шароит яратиш каби миллий ҳаёт ва ўзликни сақлаб қолиш билан боғлиқ бўлган, умумэътироф этилган қоидалар совет Конституциясида ҳам белгилаб қўйилган эди. Амалиёт эса “миллатларнинг яқин келажакда қўшилиб кетиши” ҳақидаги назарияга бўйсундирилган эди. Ана шу foя таъсири остида миллий тил, маданиятларга беписандлик билан қарааш ҳукмонлик қилди, “миллатчиликка” қарши аёвсиз кураш олиб борилди. Ушбу хуносанинг тасдифи сифатида қуйидаги мисолни келтириш мумкин: “совет даврида миллий масала на амалий ва назарий жиҳатдан 1923-1987 йиллар оралигиди, яъни 64 йил давомида бирон марта ҳам ё давлат ҳокимияти томонидан, ёки коммунистик партия томонидан муҳокама қилингани ийќ ”<sup>87</sup>.

Аммо ҳужжатларни ўрганиш, бунинг акси ўлароқ, «миллатчилик» билан боғлиқ масалалар КПСС қарорлари, резолюцияларида доимий равишда тилга олиб келинганини кўрсатади. Уларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, шартли равища 3 та даврни фарқлаш мумкин. 1925-

<sup>87</sup> Хоназаров К. Миллатимиз қачон шаклланган? // Миллатлараро ҳамжихатлик – барқарорлик омили. Т.: 1999. – 79 б.

1943 йиллар оралигини қамраб олган биринчи даврда руҳонийлар, бойлар, қулоқлар, майда буржуа унсурлари, зиёлиларнинг «миллатчилик» йўлидаги ҳаракатларига қарши кураш 11 қарор ва резолюцияда тилга олинган. Масалан, “Ўзбекистон партия ташкилоти фаолияти ҳақида”ги ВКП(б) Марказий Комитетининг 1929 йил 25 майдаги қарорида савдо-гарлар, бойлар, руҳонийлар ва уларга ёрдам бераётган миллатчи зиёлиларнинг социализм қурилишига қутуриб қаршилик кўрсатаётгани таъкидланиб, миллатчилик мафкураси, буюк ўзбекчилик шовинизмига қарши кураш долзарб бўлиб тургани қайд этилади<sup>88</sup>.

Бу даврда қабул қилинган қарорлар амалий ҳаётда ўзининг мудҳиш акс садосини топди. Масалан, 1937-1938 йилларда йирик “миллатчи” гурухларнинг фош этилиб, қатагон қилиниши бунга мисол бўла олади. Акмал Икромов ва Файзула Хўжаев бошчилигидаги “Буржуа-миллатчилик аксилиниқилобий ташкилоти маркази”, Абдурауф Қориев раҳбарлигидаги “Мусулмон руҳонийларнинг миллатчи-исёнчилар ташкилоти”, И.Ортиқов раҳбарлигидаги “Ёшларнинг аксилиниқилобий буржуа-миллатчилик ташкилоти”нинг “фош этилиши” бунинг далилидир<sup>89</sup>.

Мутахассислар фикрича, 1933 йилдан бошланган ўқитувчилар ўртасидаги репрессиялар ҳам ана шундай уйдирмалар остида олиб борилди. Хусусан, улар ўзбек халқини илғор рус маданиятидан ажратиб қўйишга уриниш, ёшларни миллатчилик оғуси билан заҳарлашда айбландилар. Уларга бир томондан, рус тилининг ўзбек синфларида ўқитилишига тўқснлик қилиш ва шу йўл билан рус адабиётини биринчи манбалар орқали ўрганишга имкон бермаслик, иккинчи томондан, рус классиклари асарларининг ўзбек тилига таржима қилинишини пайсалга солишдек айблар қўйилди<sup>90</sup>. Шунга ўхшаш айблар билан 1936 - 1940 йиллар орасида республикализм бўйича 5758 давлат ва жамоат арбоби, олим, ёзувчи, журналист ва ўқитувчилар қамоқца олинди, уларнинг 4811 таси отиб ташланди<sup>91</sup>.

Миллий республикаларда «миллатчиликка» қарши курашнинг иккинчи даври 1943-1947 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда асосан фашистлар босқинидан озод қилинган миңтақаларда нацистлар билан ҳамкорлик қилганларни фош этиш байроғи остида «миллатчи» унсурларга қарши курашни кучайтириш партия ташкилотлари олдига асосий вази-

<sup>88</sup> Қаранг: В.И.Ленин, КПСС о борьбе с национализмом (документы и материалы). - М.: «Политиздат», 1985. - С. 217-218.

<sup>89</sup> Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакчилиги даврида. - Т.: «Шарқ», 2000. - 323 б.

<sup>90</sup> Қаранг: Ҳасанов Б. Репрессии против интеллигенции Узбекистана в 20-30-е годы и их последствия. // «Ўзбекистон тарихи», 2000, №1.-2. - 106 б.

<sup>91</sup> Қаранг: Узоқов X. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи (1900-1940 йиллар). Тарих фан. докт. дисс. автореф. - Т.: 1996. - 40 б.

фа қилиб қўйилди. Бу ВКП(б) Марказий Комитетининг ана шундай мазмундаги 2 та қарор ва 2 та мурожаатида ўз ифодасини топди.

Учинчи давр 1947 ва ундан кейинги йилларни қамраб олади. Умуман олганда, бу даврда феодал-патриархал ўтмишни идеаллаштириш, тарихни холис ёритмаслик, бу жараёнда миллатчилик оғишларига йўл қўйиш, ўтмиш қолдиқлари, маҳаллийчилик элементларига, миллий маҳдудликка қарши курашиш, реакцион анъаналар ва урф-одатларни улуғлашга йўл қўймаслик, бундай ҳодисаларни баҳолашда синфий ёндашувни таъминлаш зарурлиги уқтириб келинди.

Бундай даъват масалан, КПСС Марказий Комитетининг 1963 йил 9 апрелдаги “Тошкент шаҳар партия комитетининг раҳбар кадрлар билан олиб бораётган ғоявий-тарбиявий ишлари ҳақида”ги ва 1972 йил 8 авгуустдаги “Тошкент шаҳар партия комитетида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқувлари ва иқтисодий таълими ҳақида”ги қарорларида ҳам ўз ифодасини топди. Хусусан, уларда маҳаллийчилик, миллий калондимоғлик ва маҳдудлик, реакцион анъаналар ва маросимларни мақташдек миллатчилик кўринишларига аёвсиз курашиш, айрим шахслар ва ҳодисаларни баҳолашда синфийлик позициясидан чекинаётган зиёлиларга принципиал баҳо бериш зарурлиги уқтирилади<sup>92</sup>. Мазкур даврда «миллатчилик» кўринишларининг олдини олишга қаратилган кўрсатмалар КПСС Марказий Комитетининг 17 та қарори, резолюциясида ўз ифодасини топди.

Бундай кўрсатмаларнинг натижаси ўлароқ, М.Шайхзода “Жалолиддин”, Ойбек “Алишер Навоий”, И.Мўминов “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” асарларида ўтмишни, тарихий шахсларни идеаллаштирища айбландилар. Умуман олганда, КПСС Марказий Комитети 1926-1982 йиллар орасида қабул қилган ва «миллатчиликка» қарши кураш ўёки бу даражада акс этган жами 32 та ҳужжатнинг 14 таси умумиттифоқ миқёсида, 18 таси эса конкрет миллий республикалардаги аҳволга бағишиланиб қабул қилинганини таъкидлаш зарур<sup>93</sup>.

Миллатчиликка қарши кураш баъзан телбанамо шаклларда ҳам намоён бўлди. “1986 йили Чирчиқдаги ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган мактабда бўлиб ўтган воқеа ҳануз ёдимдан чиқмайди, – деб ёзади А. Раҳимбердиев. – Рус синфи томидан чакка ўтгани учун мактаб директори Раҳим Сулаймонов шаҳар партия комитетида миллатчиликда айбланди ”<sup>94</sup>.

<sup>92</sup> Қаранг: В.И.Ленин, КПСС о борьбе с национализмом (документы и материалы). - М.: «Политиздат», 1985. - С. 231, 240.

<sup>93</sup> Ўша манба.

<sup>94</sup> Раҳимбердиев А. Турфа миллат, мақсад ягона. // Миллий ғоя — бизнинг ғоя. Т.: 2001. - 101 б.

Миллийликнинг ҳар қандай кўринишига қарши кураш, этник ўзига хосликларни инкор этиш, уларни қолоқ деб билиш турли шаклларда ва изчил давом эттирилди.

Миллатнинг мавжудлиги ва ривожида тилнинг ўрни бекиёсдир. “Миллий тил – миллатнинг бойлиги, айни вақтда шу миллатнинг фарзандларини яратиб, вояга етказувчи қудратли куч ва, учинчидан эса миллатнинг дахоси билан бойитиладиган асосий мулоқот воситасидир. Уч кўринишида ҳам миллий тил миллатнинг ҳар бир вакили, ҳар бир фарзанди учун бебаҳо нарсадир”<sup>95</sup>. Шунинг учун бўлса керак, миллий тилларга нисбатан шўро даврида доимий асосдаги кучли зугум амалга оширилди.

Октябрь воқеаларидан кейин бирмунча вақт давомида миллий ҳаётда, хусусан, миллий тиллар ривожида муайян ўзгаришлар содир бўлди. Хусусан, 1913 йилда Россияда истиқомат қилиб турган юздан ортиқ миллат ва элатлардан фақатгина 19 тасининг тилида босма китоб чоп этилган бўлса, 1933-1934 йилларга келиб 112 та тилда босма нашрлар чиқа бошлади. 48 миллат ва элат ўз ёзувини тузди<sup>96</sup>.

«Социализмнинг мақсади инсониятнинг майдага давлатларга бўлинишини ва миллатларнинг ҳар қандай айримлигини йўқ қилишгина эмас, миллатларни бир-бирига яқинлаштиришгина эмас, балки уларни қўшиш ҳамдир»<sup>97</sup>, – деган назарияга асосланган ва унга тезда эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган партияянинг бундай сиёсати тушунарсиздек кўринади. Аммо вазият таҳлили қўйидаги хуносаларни чиқариш имконини беради. Биринчидан, XX асрнинг биринчи чорагида рўй берган миллий уйғониш жараёни билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ эди. Иккинчидан, бундай ёндашувни оғир ички кураш вазиятида, турли ижтимоий қатламлар, миллат ва элатларга коммунистик мафкура ва амалиётни кўпроқ жозибадор қилиб кўрсатиш, «Маҳаллий халқларнинг ишончини қозониши, қозонгандага ҳам уч ва тўрт карра қозониши... ниҳоятда муҳим»<sup>98</sup>, – деган кўрсатмани бажариш учун танланган тактик йўл деб баҳолаш керакка ўшайди. Учинчидан, халқаро майдондан большевиклар тўнтаришини қабул қиласлик ва миллий озодлик ҳаракатларига ёрдам бериш авж олган бир пайтда бу йўл тузумнинг мустаҳкам оёққа туриб олишига хизмат қиласдиган омиллардан бири эди. Табиий равища тузум мустаҳкам оёққа туриб олганидан сўнг асл мақсадга эришиш йўлида конкрет қадамлар қўйила бошланди. Бу, айниқса, миллий тилларнинг

<sup>95</sup> Ҳоназаров Қ. Тил ва дил. Т.: «Ўзбекистон», 1991. – 14 б.

<sup>96</sup> Қаранг: Юсупов Э., Туленов Ж., Фофуров З. Миллий масала бўйича фалсафий сұхбатлар. Т.: «Фан», 1990. – 99 б.

<sup>97</sup> Ленин В.И. Социалистик революция ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш хуқуқи. // ТАТ. 27-том.-296 б.

<sup>98</sup> Ленин В.И. А.А.Иоффега хат.// ТАТ. 53-том. – 214-215 б.

тақдирода яққол ифодасини топа бошлади.

Табиийки, бундай жараён узоқ давом эта олмасди. Бундай миллий сиёсатдан норозилик “лингвистик революция” даврида ўзини яққол кўрсатди. Масалан, ўзбек тилига давлат мақоми бериш масаласида 1988-1989 йилларда турли идора, таҳририят, раҳбар муассасаларга 800 мингдан ортиқ хат, илтимос ва мурожаатлар келиб тушганки, бундай фаоллик ҳеч қачон қузатилмаган<sup>99</sup>. Матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги Қонуни” лойиҳаси бўйича биргина Ўзбекистон Олий Кенгаши Президиумининг ўзига муҳокама давомида 14 мингдан ортиқ мактуб келган<sup>100</sup>. Шундай бўлишига қарамай мазкур тузумнинг юки ҳатто 1989 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида”ги қонунда ҳам ўз таъсирини сақлаб қолди. Буни куйидагиларда ҳам кўриш мумкин.

Биринчидан, етмиш йилдан ортиқроқ вақт давомида рус тилига нисбатан “миллатларро мулоқот тили” деган ибора қўлланиб келинди. Ҳуқуқий характерга эга хужжатларда ҳам “рус тили” ва “миллатларро муомала тили” синонимлар сифатида ишлатилди. Ана шундай амалиёт таъсирида Қонун моҳият эътибори билан ўзбек ва рус тиллари ўргасидаги муносабатни аниқлаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, қўлланиш доираси ва мавқеини белгилашга қаратилган эди. Буни 30 модда 61 банддан иборат Қонуннинг 24 бандида бевосита рус тили (миллатларро муомала тили)нинг, шунингдек 7 ўринда “бошқа тиллар” мақомида рус тилининг ҳам қўлланилиши масаласига тўхталинганида кўриш мумкин<sup>101</sup>.

Иккинчидан, рус тилига миллатларро муомала тили мақоми берилиши билан унинг қўлланиш доираси давлат тилиницидан ҳам кенгайтириб юборилган эди. Бундай ўринсизлик масалага бошқа томондан қарангда ҳам яққол кўринади. Бунинг учун энг аввало муомала(мулоқот) тушунчасига ойдинлик киритиш зарур бўлади. “Мулоқот, у қандай таърифланмасин, барibir алоқанинг ўзига хос шаклидир. Унинг ўзига хослиги шундаки, у субъектлараро алоқа, шахслараро жараён, инсоннинг бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларда мавжуд бўлиш усулидир”<sup>102</sup>. Шундай экан, кишиларнинг қайси тилда гаплашишини қонун билан белгилаб қўйиш ўринсизdir.

<sup>99</sup> Қаранг: Ҳоназаров Қ. Миллатимиз қачон шакланган? // Миллатларро ҳамжиҳатлик - барқарорлик омили. Т.: 1999. – 79-80 б.

<sup>100</sup> Қаранг: Юсупов Э., Туленов Ж., Фофуров З. Миллий масала бўйича фалсафий сұхбатлар. Т.: «Фан», 1990. – 121 б.

<sup>101</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни. – Т.: «Ўзбекистон», 1989.

<sup>102</sup> Норбеков Ж. Социально-философский анализ проблемы культуры общения. Автограф. дисс. канд. филос. наук. Т.: 1993. – С. 9

Миллатлараро муомала ҳақида гап кетар экан, унинг шахслараро, гуруҳлараро ва умуммиллий даражасини фарқлаш лозим бўлади. Шундай экан, турли миллатга мансуб икки кишининг қайси тилда гаплашишини белгилаш қонуннинг ваколати доирасига кирмаслиги аниқ. Айни пайтда, миллатлараро муомаланинг давлатлараро даражасида ҳам томонлар уни ихтиёрий равишда танлаганлари учун ҳам олдиндан белгилаб қўйилган муомала тили бўлмайди. Бунда у ёки бу тилнинг тарқалганлик доирасининг кенглиги, унда гаплашадиган аҳоли миқдорининг кўплиги ёки камлиги каби сабабларнинг умуман аҳамияти бўлмайди. Бундан “миллатлараро муомала тили” иборасига рус тилининг мавқенини мустаҳкамлашга йўналтирилган, шўро даврида йўлаб чиқарилган мафкуравий категория сифатида қараш лозимлиги ҳақидаги хулоса келиб чиқади. Демак, “миллатлараро муомала тили” тушунчасига юридик мақом бериш умуман ўринсиздир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг 3-моддасида “Фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз ҳоҳишларига кўра танлаш ҳукуқига эгадирлар”<sup>103</sup>, – деб белгилаб қўйилгани мутлақо ўринлидир.

Ана шундай вазиятда ҳам эски ҳолатни тиклашга чақириқлар ҳануз янграб турганини қайд этиш жоиз. “Ушбу қонунни хурмат қилган ва унга риоя қилган ҳолда, – деб ёзишади Б.Б. Таджibaев ва В.А.Каращук, – унда рус тилининг ўрни ва унинг миллатлараро муомала тили сифатидаги вазифаси белгилаб қўйилишини хоҳлар эдик. Албатта, рус тилининг бундай аҳамияти кўпчилик томонидан эркин эътироф этилган. Ҳозирги пайтда республикамизда миллатлараро муомала тили сифатида инглиз, хитой, корейс, арман ёки бошқа тилларни танлашимизни тасаввур қилиш қийин. Бунга эҳтиёж йўқ. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллатларнинг расмий миллатлараро муомала тили сифатида рус тилини эътироф этиш зарур”<sup>104</sup>. Бундай “далил” ва “мантиқий асос”ларнинг ўзида мантиқ йўқлиги муҳокама талаб қилмайди, албатта.

Динга бўлган агрессив муносабатни ҳам совет давридаги миллий сиёсатнинг узвий қисми сифатида қарашга ҳақлимиз. Маънавиятнинг ана шундай мустаҳкам асосига зарба бермай туриб, миллатларни қоришириб юборишдек мақсадга эришиб бўлмаслиги аниқ эди. Масалан, манбаларда, биргина 1929 йилдан 1939 йилгacha бўлган оралиқда Туркистонда 14 минг, Эдил-Уролда 7 минг, Шимолий Кавказда 4 минг ва

<sup>103</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни (янги таҳрири). - Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 3 б.

<sup>104</sup> Таджibaев Б.Б., Каращук В.А. И мы сохраним тебя, русская речь. // Русский язык в Узбекистане (современное состояние и перспективы). Т.: РКЦ , 2002. – С. 14.

Кримда бир минг масжид бузиб ташлангани қайд этилади. Агар 1917 йилда Туркистонда 20 минг масжид мавжуд бўлган бўлса, 1953 йилга келиб, фақат 250 та масжид қолган<sup>105</sup>.

Миллий республикаларга нисбатан зуғум, миллатларнинг ўзига хослигини писанд қилмаслик, уларни доимий қўрқув ва ҳадик остида сақлашга интилиш кейинги даврларда ҳам янги шаклларда давом эттирилди. 25 мингдан ортиқ турли бўғин раҳбарлари жавобгарликка тортилган<sup>106</sup> ва “ўзбеклар иши” номини олган кампания ҳам бунинг исботи бўла олади.

Истиқдолнинг миллатлар тақдирни ва улар ўртасидаги муносабатларда акс этиши ҳақида гап кетар экан, фақат яқин ўтмиш билан солишириш орқалигина унинг моҳиятини тўлиқ анграб етиб бўлмайди. Бунгунги кунда кечётган жараёнларнинг моҳиятини англаш учун ҳам, адолат юзасидан ҳам, уларни ҳозирги вақтда бошқа мамлакатларда, хусусан, собиқ иттифоқ таркибига кирган айрим республикалардаги воқелик билан солишириш мақсадга мувофиқдир.

Собиқ иттифоқ ҳудудида амал қилаётган миллий сиёсат моделларини таҳлил қиласидан бўлсақ, бир томондан, муайян вақтда юзага келган низоли вазиятларни бартараф қилишнинг оқилюна йўлини топа олмаслик натижаси ўлароқ намоён бўлаётган ва конфликтларнинг янгидан авж олишига шароит яратётган, иккинчи томондан, кўпчиликни ташкил этадиган бошқа миллатлар вакилларини “юмшоқроқ” шаклда, ҳар хил ҳукуқий актларни қабул қилиш, турли сунъий қийинчилкларни келтириб чиқариш орқали сикув остига олишга асосланган амалиётни яққол кузатишимиз мумкин.

Биринчи модел этник гуруҳлар ўртасида айирмачилик кайфиятларининг устуворлиги ҳамда миллатчи ўюшма, ташкилотларнинг фаоллиги фонида кечмоқда.

Ҳар бир миллат ўзига хос манфаатларга эга экан, асло уларни бир-бiriга қарама-қарши қилиб қўйиб бўлмайди. Агар бир миллат фаровонлиги бошқа миллатларга зарар келтириш ҳисобига амалга оширилса, бу ҳаракат узоққа бормаслиги аниқ. Хусусан, ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Грузияда грузин бўлмаган миллатларга нисбатан “бизнинг еримиздаги меҳмон” қабилида муносабатда бўлингани, улар ўртасида туғилишнинг кўпайишини олдини олишга, фуж яшайдиган чегара районларга грузинларни кўчириш орқали демографик вазиятни ўзгартиришга қаратилган чораларни кўриш лозимлиги ҳақидаги гоялар оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилинган эди.

<sup>105</sup> Қаранг: Набиев А. Мустақиллик учун кураш ёхуд парчаланган Туркистон тарихи Т.: «Ёзувчиз», 1998. 91-92 б.

<sup>106</sup> Қаранг: Алимова Д., Голованов А. XX аср - муаррих нигоҳида. // «Халқ сўзи», 25 июнь, 2002.

Олимлар фикрича, 1989 йилдаги грузин-абхаз тұқнашувы монеэтник грузин давлатини қуриш масаласига қонуний тус бериш йүлидаги ҳаракатларнинг бошланиб кетишига турткы бўлди. 1918-1921 йилдаги мустақил республика ҳолатига қайтиш байроби остида Тбилиси совет даврида қабул қилинган давлатчилик асослари, хусусан, Грузия ва Абхазия иттифоқи (1921 йил) ва Грузия ССР таркибидаги Абхазиянинг автоном мақоми тўғрисидаги (1931 йил) қарорларни бекор қилди<sup>107</sup>.

“Жанубий Осетия совет демократик республикаси”нинг эълон қилиниши муносабати билан 1990 йилнинг декабрида Грузия парламентининг Жанубий Осетия автономиясини бекор қилиши эса вазиятнинг кескинлашиб, умуман осетинларга қарши кампаниянинг бошланиб кетишига олиб келди. Масалан, Гия Нодия асосан осетинлар яшайдиган қишлоқлардан бирига нисбатан куйидаги таъсир чоралари қўлланганини қайд этади. Қишлоқ, энг аввало электр таъминотидан узиб қўйилган, сўнг озиқ-овқат келтириш тўхтатилган, ижарага берилган ерлар дех-қонлардан тортиб олинган. Бундай руҳий таъсир натижасида осетинлар ўз қишлоқларини ташлаб кетишига мажбур бўлишган<sup>108</sup>. Бундан ташқари аварлар, лезгинлар, тарихий ватанига қайтиб улгурган месхети туркларини ҳам мамлакатдан сиқиб чиқариш бошлаб юборилди. Бундай сиёsat натижасида Грузия мураккаб этник зиддиятлар юки остида қолди.

АҚШнинг Қочоқлар масаласи бўйича қўмитасининг “2001 йилда дунёда қочоқларнинг аҳволи” бўйича эълон қилган докладига кўра, 2001 йилнинг охирида Грузияда 264000 дан ортиқ мажбурий кўчиб келганлар бор эди. Уларнинг бир қисми (252000) Абхазиядан, қолган қисми (12000) Жанубий Осетиядан келган қочоқлардир.

Этник низолар натижасида юзага келган оғир аҳвол Озарбайжон ва Арманистонга ҳам хосдир. Маълумотларга кўра, Озарбайжонда 2001 йилнинг охирига келиб 1993 йилдан арманлар қўл остига ўтган мамлакатнинг гарбий районларидан мажбурий кўчган 572 000 дан ортиқ, шунингдек, Арманистондан қочиб келган 220 000 озарбайжон ва тахминан 52000 месхети турклари истиқомат қилмоқда<sup>109</sup>.

Арманистонда эса 2001 йилнинг охирида 1988-1993 йиллардаги

<sup>107</sup> Қаранг: Крылов А. Проблема этногенеза и грузино - абхазский конфликт. // «Центральная Азия и Кавказ», 2001. №2. С.127.

<sup>108</sup> Қаранг: Гия Нодия. Политическая смута и этнотерриториальные конфликты в Грузии. <http://infospace.narod.ru/publik/etnokonflikti.htm>.

<sup>109</sup> Қаранг: Положение беженцев и вынужденных переселенцев в Азербайджане. Выдержка из доклада «Положение беженцев в мире в 2001 году», опубликованного Комитетом по делам беженцев США. Перевод материала на русский язык подготовлен сотрудниками проекта «Кавказский узел». <http://kavkaz.memo.ru/analytics/text/analytics/id/505569.html>.

уруш даврида Озарбайжондан кўчиб келган 264000 дан ортиқ арман яшамоқда<sup>110</sup>.

Табиийки, юқоридаги каби қараашлар ва амалиёт устувор бўлган бир пайтда мавжуд муаммоларнинг оқилона ечимини топиш, миллатлараро муносабатларда барқарорликни таъминлаш мумкин эмас.

Бундан фарқли равища иккинчи модел амал қилаётган мамлакатларда вазият бир оз «юмшоқ»лигини таъкидлаш зарур. Аввало, бу мамлакатларда этник заминдаги низолар содир бўлмади. Шундай бўлсада, титул бўлмаган миллатларга бўлган муносабатни қониқарли деб бўлмайди. Хусусан, “русийзабон аҳоли”га “оккупантлар” сифатида қарааш одатий бир ҳолга айланган. Бундан ташқари уларни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан мумкин қадар четлатиш, турли ноқулийликлар яратиш орқали кўчиб кетишига мажбур қилиш асосий стратегик мақсад қилиб белгиланган. Масалан, Латвияда доимий яшовчи русийзабон аҳолининг катта қисми, гарчанд уларнинг мутлақ кўпчилиги шу ерда туғилиб катта бўлган бўлсада, фуқароликка эга эмас. Бу уларнинг сиёсий хукуқлари доирасининг табиий равища торайишига олиб келмоқда.

Маълумотларга кўра, давлат тили тўғрисидаги қонун латиш бўлмаганларга нисбатан бир қатор камситувчи жиҳатларга эга. Унга кўра, оз сонли миллатлар аҳолининг кўпчилик қисмини ташкил этадиган минтақаларда ҳам, давлат ва муниципал органларга ўз тилларида мурожаат қилишлари мумкин эмас. Радио ва телевидение тўғрисидаги қонун оз сонли миллатлар тилларида хусусий радио ва телеканалларни тузишини тақиқлади<sup>111</sup>.

Шунингдек, Латвияда 2004 йилдан мактабларда таълимнинг фақат латиш тилида олиб борилиши қонунан белгилаб қўйилганини, олий таълим эса 1999 йилдан бўён фақат латиш тилида олиб борилаётганини ҳам таъкидлаш зарур. Эстонияда эса 2007 йилдан мактаб таълимини тўлиқ эстон тилига ўтказиш мўлжалланмоқда<sup>112</sup>.

Русларнинг кўпчилиги фуқароликка эга эмаслиги уларнинг кўплаб хукуқлардан маҳрум қилинишига олиб келмоқда. Масалан, Латвияда фуқаролиги бўлмаганлар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар

<sup>110</sup> Қаранг: Положение беженцев и вынужденных переселенцев в Армении. Выдержка из доклада «Положение беженцев в мире в 2001 году», опубликованного Комитетом по делам беженцев США. Перевод материала на русский язык подготовлен сотрудниками проекта «Кавказский узел». <http://kavkaz.memo.ru/analytics/text/analytics/id/505606.html>.

<sup>111</sup> Қаранг: Общественность Латвии требует от Европейского сообщества внимания к нарушению прав национальных меньшинств. // Обращение общественных организаций Латвии <http://www.materik.ru/index.php?section=analytics&number=51&article=442>

<sup>112</sup> В.Петров. Прибалтика: десять лет после “оккупации”. // «Аргументы и факты», №27, 2002.

соҳаларга тегишли 58 хуқуқдан маҳрумдирлар. Шулардан 19 таси касб эгаллаш билан боғлиқдир<sup>113</sup>.

Юқоридаги каби ҳолатлар миллатлараро муносабатларда тарангликнинг сақланиб қолишига замин яратмоқда. Гарчанд бугунги кунда фуқароларнинг ўз хуқуқларини тинч йўл ва демократик қоидалар ҳамда амалдаги қонунчилик доирасида ҳимоя қилишга интилиши кузатилаётган бўлсада, у бошқа шаклларни олиш мумкинлигини ёддан чиқармаслик лозим.

Агар жиддий эътибор бериладиган бўлса, юқоридаги каби миллий сиёсат моделлари асосий бўлмаган миллатларнинг фуж (компакт) бўлиб яшашини ўта салбий – мамлакат парчаланиб кетишига, миллий ўзликни сақлаб қолишига хавф туғдирувчи ҳодиса сифатида баҳолашга таянади.

Аслида эса турли ҳалқларнинг бир худудда ҳаёт кечиришларига том маънодаги бойлик сифатида қаралмоғи лозим. Инсониятнинг бугунги кунда эришган ютуқлари ана шундан далолат бериб турибди.

Кўп миллатлилик, юқорида таъкидланганидек, мустақил ривожланиш йўлидан дадил олға бораётган Ўзбекистон учун ҳам хосдир. Агар 1897 йилда мамлакатимизнинг бугунги худудида 70 миллат ва элат вакиллари яшаган бўлса, 1926 йилда уларнинг сони 91 тага етди. 1959 йилда 113 та, 1979 йилда эса мамлакатимизда 123 миллат ва элат вакиллари яшаган<sup>114</sup>. Бугунги кунга келиб, уларнинг сони 130 дан зиёд бўлиб, Ўзбекистон ахолиси таркибидаги улуши эса 20 фоиздан ошади.

Мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ жараёнлар ҳақида гап кетар ёкан, яна бир ҳолатга диққатни қаратиш лозим. Ўзбекистонга этник гурухларнинг мамлакат бўйлаб тарқоқ яшашини ифодалайдиган кўп миллатлилик билан бир қаторда, муайян миллатлар вакилларининг алоҳида худудларда фуж бўлиб яшаш ҳолатини назарда тутадиган мульти миллиатлилик ҳам хосдир. Масалан, Навоий ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри ахолиси таркибида бошқа миллатлар вакилларининг улуши анчайин салмоқлидир.

Туманлар даражасида олинганда бундай ҳолат янада яққол кўринади. Хусусан, тожиклар Фаргона вилоятининг Сўх, Наманганнинг Косонсой, қозоқлар эса Навоий вилоятининг Томди, Учкудуқ, Жиззахнинг Мирзачўл, Қорақалпогистоннинг Тахиатош, Тахтакўпир, Мўйноқ туманларида мутлақ кўпчиликни ташкил этадилар. Руслар эса Тошкент вилоятининг Олмалиқ ва Чирчик шаҳарлари ахолиси таркибида салмоқли улушга эгалар.

<sup>113</sup> Қаранг: Затулин К. Царство, разделившееся в себе. О России и русских в новом зарубежье. // От съезда до Конгресса соотечественников. Сборник материалов. - М.: «Институт стран СНГ», 2001. - С. 9.

<sup>114</sup> Шермуҳамедов С. На языке единства. - Т.: «Ўзбекистон», 1991. - С. 93.

Андижон вилоятининг Жалолқудуқ, Кўргонтепа, Хўжаобод туманларида қирғизлар, Қорақалпогистоннинг Тўрткўл, Шуманай, Сурхондарёнинг Термиз туманларида эса туркманларнинг аҳоли таркибидаги миқдори ҳам анчайин сезиларли эканини қайд этиш лозим.

Қ.Хоназаров фикрича, миллий сиёсатни олиб борища давлатнинг миллий таркиби, унинг кўп миллатлилик даражасига хос хусусиятлар инобатга олиниши керак. Айрим давлатларда оз сонли миллатлар мамлакат аҳолисининг кам фоизини, баъзиларида ўрта ҳисобда тахминан чорак фоизни, учинчи типдаги давлатларда нотитул миллатлар ёки ўз давлати ёки давлат тузулмасига эга бўлган қўшни миллатлар мамлакат аҳолисининг ярмини ёки ундан ҳам кўпроғини ташкил қилиши мумкин. Табиий равишда уларнинг ҳар бирида миллий масала ўзига хосликка эга бўлади. Биринчи типдаги давлатларда у умумий масалаларнинг таркибий қисми ҳисобланса, иккincinnсида эса давлатни бошқаришда ва ижтимоий ҳаётни ташкил этишда муҳим ўринни эгаллади. Учинчи турдаги мамлакатларда эса миллий масала давлат ва жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига дахлдор бўлади<sup>115</sup>.

Қайд этилган маълумотларни инобатга оладиган бўлсак, оқилюна ташкил этилган миллий сиёсат мамлакатимиз учун ҳам муҳим ҳаётий аҳамиятга эга экани ойдинлашади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, юқорида зикр этилган назария ва амалиёт шаклларидан мутлақо фарқ қиласидиган мустақил Ўзбекистон миллий сиёсатининг моҳияти И. А. Каримовнинг «ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин – инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидағи маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларнинг қашшоқлашувига олиб келади»<sup>116</sup>, – деган сўзларида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Ўзбекистон ўзи танлаган ана шундай йўлнинг моҳиятини мустақиллигининг ilk кунлариданоқ очиқ баён қилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёнотида Ўзбекистон ўз худудида яшовчи барча ҳалқларга тенг сиёсий хуқуқларни ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланишда тенг имкониятларни кафолатлаши, ирқчилик, шовинизм, миллатчиликка, ҳалқларнинг хуқуқларини чеклаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъиян

<sup>115</sup> Қаранг: Хоназаров Қ. Единство многонационального народа Узбекистана. // Ўзбекистон миллатлараро ҳамжиҳатлик йўлида. – Т.: «Университет», 1996. – С.14-15

<sup>116</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида : хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 80 б.

қарши чиқиши эълон қилинган эди. Бундай қоида 1991 йилнинг 31 августида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонунда ҳам мустаҳкамлаб қўйилди<sup>117</sup>.

Ўзбекистон бундай йўлни танлаб олар экан, мазкур соҳада халқаро ҳуқуқнинг умумеътироф этилган қоидаларига ҳам содиқлигини эълон қилди. 1992 йил 26 февралда Ўзбекистон Республикасининг Хельсинки Якунловчи актига имзо чекиш маросимида сўзга чиқиб, Президент И.А.Каримов умумбашарий қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, оз сонли миллатларни ҳимоя қилиш, миллати ва динидан, ижтимоий насл-насаби ва мавқеидан қатъи назар, давлатнинг ҳар бир фуқароси учун муносиб турмуш шароитларини яратиш талаблари бизга яқин ва тушунарли эканини таъкидлаб, “Мен халқ ва ҳукумат номидан: ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида ички бунёдкорлик вазифаларни рўёбга чиқаришнинг асосий кафолати бўлмиш фуқаролар ва миллатлараро иноқликни, фикр, виждан, дин ва эътиқод эркинлигини сақлаб қоламиш ва ҳар томонлама мустаҳкамлаймиз, деб айтаман ва бунга қатъий кафолат бераман”<sup>118</sup>, – деган эди.

Республикамиз амалда ана шу қоидага бугун ҳам қатъий риоя қилиб келмоқда ва бу ўзбек миллий сиёсатининг ўзига хос моделида ўз ифодасини топмоқда. Бугунги кунда миллий сиёсатнинг ўзига хос модели сифатида у:

барча миллатлар, улар озчилик ёки кўпчиликни ташкил этишидан қатъи назар, инсониятнинг, миллий мансублик эса шахс ҳаёти ва дунё-қарашининг таркибий қисми эканини;

миллатлар ва элатларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий шартларидан бири эканини;

миллатлар ва элатлар тенг ҳуқуқлигини ҳимоя қилиш мамлакатда социал адолатни қарор топтириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, халқлар ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилишини;

бошқа миллатлар тили, маданиятини ҳимоя қилиш ўзбек халқининг шаклланган тарихий анъаналарига мос келишини;

миллий маданиятлар ривожланишини таъминлаш, миллатлараро муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган танглик ва низоларнинг олдини олишга хизмат қилишини;

миллатлараро тотувлик мамлакатнинг хавфсизлигини таъминлаш, унинг суверенитетини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг муҳим омили эканини;

<sup>117</sup> Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. 7-8. – 12 б.

<sup>118</sup> Ўша манба. – 4-6.

миллий ўзига хосликларни сақлаб қолиш ва ривожланишини таъминлашга йўналтирилган халқаро ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишни назарда тутган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу миллий сиёсатнинг Конституциямизда ўз ифодасини топган:

- миллий тил, урф-одатлар ва анъаналар хурмат қилинишини таъминлаш ва уларнинг ривожланиши учун қуляй шарт-шароит яратиш;
- фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, шахси, ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеидан қатъи назар тенглиги;
- миллий мансублигидан қатъи назар, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги тенг ҳуқуқли иштирокини кафолатлаш, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган миллий, ирқий, диний адоват ва низони тарғиб қўлувчи фаолиятга йўл қўймаслик;
- Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мағкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланишини таъминлашдек асосий тамойиллар шаклида ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ушбу тамойиллар Конституциямизда ўз ифодасини топган ва таъбир жоиз бўлса, «этник ранг» касб этган тамойиллардир. Аслида эса «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади»<sup>119</sup>, – деган қоидадан келиб чиқилса, Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлар аҳолининг барча қатламларига бирдек тегишли эканини англаб этиш мумкин. Демак, миллий сиёсатимизнинг асосий мақсади кишиларнинг этник ва бошқа белгиларидан қатъи назар, ягона Ўзбекистон халқи сифатида жипслашуви ва бирлигига эришишдир.

Ўзбекистоннинг миллий сиёсат модели, унинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу мамлакатимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий ташкилотларнинг ҳамкорлик, тинчлик, этник можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш фаолиятига мос сиёсат олиб бораётганида ҳам яққол кўринмоқда.

Республикамиз миллатлар ва элатлар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга доир халқаро битимларни амалга ошириш ва халқаро майдонда этник бирликларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласига доир тамойилларни ишлаб чиқиш жараёнida ҳам фаол қатнашмоқда. Хусусан, Ўзбекистон “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”, “Ирқий камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро Конвенция”, “Геноцид жиноятларининг олдини олиш

<sup>119</sup> Қаранг.: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – 10 б.

ва унга нисбатан жазолар түгрисидаги Конвенция”, “Миллати, элати, дини ёки тили нүқтаи назаридан кам сонли бўлган гурухга мансуб шахсларнинг хукуқлари түгрисидаги Декларация”ни имзолагани ҳам мазкур йўналишдаги ҳаракатлар кўламини белгилаб беради<sup>120</sup>.

Ана шундай гуманистик моҳиятга эга миллий сиёсат моделининг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши Ўзбекистон халқи турмушда туб ижобий ўзгаришларнинг содир бўлишига олиб келди. Аммо бу барча масалалар ҳал қилиб бўлинди дегани эмас. Зоро, ҳаёт ечилган муаммолар ўрнига янгиларини илгари суриши ҳам табиий ҳол, албатта. Бусиз ривожланиш бўлмайди. Лекин биз юзага келадиган муаммоларни оқилона, холислик ва босиқлик билан ҳал этишга, мамлакатимиздаги миллатларро тутувликни асрашга доим тайёрмиз. Шундай экан, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар вакиллари ўргасидағи дўстлик ва ҳамкорлик республикамиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва тараққиётнинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолаверади.

<sup>120</sup> Қарант: Права человека. Выпуск 1. – Т.: «Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека», 1997. – С.5-6

# V бөб.

## МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Кишилик жамияти ривожланишининг ҳозирги даврини турлича тавсифлаш мумкин. Ва табиийки, ҳар бир тавсиф ўзининг рационал мағзига эга бўлади. Зоро, уларнинг ҳар бирида бугунги кунда кечётган жараёнлар моҳияти муайян фанлар, илмий парадигмалар нуқтаи назаридан баҳоланади, даврнинг у ёки бу хусусиятлари, жиҳатлари устувор томонлар сифатида ажратилиади.

Агар инсониятни турли миллат ва эллатларнинг бирлиги сифатида олиб қарайдиган бўлсак, у ҳолда ҳозирги давр кенг қамровли миллий уйғониш жараёнлари кечётгани билан характерланади.

Дунёнинг аксарият мамлакатларида миллий уйгониш бир даврда, ёнма-ён кечмоқда. Кишилик жамияти истиқболига дахлдор бўлган бу жараён уларнинг ҳар бирида ўзига хос тарзда содир бўлмоқда.

Маълумки, миллатлараро муносабатлар миллатлар, элатлар, этник гурухларнинг ўзаро ва турли этнослар вакилларининг шахслараро алоқаси, муносабатидек икки шаклда мавжуд бўлади. Структуравий нуқтаи назардан эса, у ижтимоий ҳаёт соҳаларига мос равишда иқтисодий, социал, сиёсий ва маънавий муносабатлар кўриннишида намоён бўлади.

Шу билан биргаликда, шакл ёки структуравий нүқтәи назардан ёндашганда ҳам, миллатлараро муносабатлар бир-биридан тубдан фарқланувчи иккى хил мазмунга эга бўлишини ҳам таъкидлаш зарур. Хусусан, миллий тенгиззлик, ўзга миллатларга нисбатан беписандлик билан қарааш, муайян ҳолларда эса антагонизмнинг устуворлиги миллатлараро муносабатларнинг салбий мазмунга эгалигидан далолат беради.

Мамлакатимизга татбиқан олинганды эса, миллатлараро муносабатлар ўзининг ижобий моҳияти билан ажралиб туришини қайд этиш лозим.

Республика байнамилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланган тантанали мажлис қатнашчиларига йўллаган табригида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мамлакатимизда қарор топган миллатлараро муносабатларнинг характеристига тўхталиб, “алоҳида fuур ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиманки, Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг

юксак қадриятимиз, бу – жамиятимизда ҳукм суроётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлиқдир”<sup>121</sup>, — деб таъкидлаган эди.

Бундай холосани социологик тадқиқотлар натижалари ҳам тасдиқлайди. “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Кўп миллатли Ўзбекистон” мавзууда ўтказилган сўровда қатнашган турли миллат ва элатлар вакилларининг 80,6% мустақил Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи тинчлик ва барқарорлик, умумий уйимиздаги миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлиқ деган фикрини қўллаб-куватлаган. Шунингдек, мутлақ кўпчилик (96,4%) мавжуд миллатлараро муносабатларни ижобий баҳолаган<sup>122</sup>.

Мамлакатимизда қарор топган бундай, мутлақо янги сифатий ҳолатни хорижлик мутахассислар ҳам эътироф этишмоқда. Япониялик олим Шин Ватанабе фикрича, миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ муаммоларни ечишда уч хил йўл мавжуд. Биринчи йўл АҚШ, Франция, Германия каби давлатларга хос бўлиб, у иқтисодий фаровонликни таъминлаш, турли этник гурухларнинг моддий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондиришга асосланади. Ироқ, Афғонистон, собиқ Югославия каби мамлакатларда намоён бўлган иккинчи йўл авторитаризмга, зўрликка таяниши ва турли воситалар ёрдамида ҳар қандай миллийликни бостиришга интилиши билан ажralиб туради. Учинчи йўлнинг энг ёрқин тимсоли Ўзбекистон бўлиб, унда миллатлараро ҳамжиҳатлиқни таъминлашда миллийлик ва умуминсонийликнинг энг яхши жиҳатларини ўзида муҗассам этган маънавият, таълим, меҳр-мурувват каби қадриятлар синтезига асосланиб сиёsat олиб борилади<sup>123</sup>.

Мазкур ижобий баҳолар энг аввало турли миллат ва элат вакилларига ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаол иштирок этиш учун тегишли шарт-шароитларнинг яратилгани натижасидир.

Миллий мансублигидан қатъи назар, иқтисодий фаолият учун тенг имкониятга эгалик миллатлараро муносабатларнинг ижобий мазмун касб этишининг асоси бўлса, жамият социал структураси турли қатламларининг этник таркиби унда адолат нечоғли қарор топганининг муҳим индикатори ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ишлаб чиқаришнинг ҳар хил соҳалари билан бир қаторда турли миллат ва элат вакилларининг республикамиздаги қишлоқ ҳўжалиги ташкилотлари,

<sup>121</sup> Каримов И. А. Республика байнамилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллигига багишланган тантанали мажлис қатнашчиларига табрик. // Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилл. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. – 181 б.

<sup>122</sup> Информационно-аналитический отчет результатов социологического опроса: “Многонациональный Узбекистан”. – Т.: 2000. – С. 4

<sup>123</sup> Бу ҳақда қаранг: Убайдуллаева Р., Бекмуродов М. Приоритет личностного развития. // «Правда Востока», 7 апреля, 2004.

завод ва фабрикалар, компания ва корпорациялар, давлат ва жамоа бошқарувининг барча даражаларида самарали меҳнат қилаётгандарини таъкидлаш зарур.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш йўлидаги фидокорона меҳнати учун ўзбек халқи вакиллари билан бир қаторда 1994-2003 йилларда фермер, ишчи, чилангар, тарбиячи, шифокор, ширкат ҳўжалиги раиси, корхона раҳбари, чўпон, ёзувчи сифатида фаолият кўрсатётган қорақалпоқ, тоҷик, рус, украин, корейс, араб ва қозоқ миллатига мансуб 10 юртдoshimizning “Ўзбекистон қаҳрамони” олий унвони билан тақдирлангани бунинг яққол далилидир.

Миллатлараро муносабатларни ўзига хос, мураккаб ва серқирра тизим сифатида қараш мумкин. Бу ўзига хослик бошқарув жараёнида инобатга олинниши лозим. “Бошқарув обьекти сифатида миллий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: биринчидан, миллатлар ушбу муносабатларнинг иштирокчилари сифатида бошқа ижтимоий бирликлардан фарқли характерга эга. Иккинчидан, миллий муносабатларнинг бошқарув тизимида акс таъсири яъни, бошқарув обьектининг субъектга таъсири катта роль ўйнайди. Учинчидан, миллий ўзликни англаш, миллий руҳиятнинг роли билан боғлиқ ижтимоий-психологик омилларнинг аҳамияти каттадир. Тўртинчидан, миллий муносабатлар бошқарувнинг мураккаб обьектларидан бири бўлиб, узлуксиз эътиборни талаб қиласди. Бешинчидан, мазкур муносабатлар у ёки бу жиҳатлари билан бутун ижтимоий тизимга таъсири кўрсатади ва бу соҳадаги муаммолар шубҳасиз жамият ҳаётининг бошқа томонларида ҳам ўз аксини топади”<sup>124</sup>.

Мазкур хусусиятлар миллатлараро муносабатларни бошқариш шароитида бир-бири билан узвий боғлиқ қуйидаги икки вазифани ҳал этишни зарур қилиб қўяди. Биринчидан, жамият миллий тузилишининг таркибий қисми ҳисобланган этносларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий эҳтиёж ва манфаатларини рӯёбга чиқариш ва, иккинчидан, миллатлараро муносабатларда кечётган жараёнларни тўғри баҳолаш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган, комплекс характерга эга чора-тадбирларни ишлаб чиқиши.

Ушбу икки вазифанинг муваффақиятли ҳал қилиниши миллий ҳаётда кечётган ўзгаришларнинг характеристи ва йўналишини прогноз қилиш ва назоратини ташкил этиш, давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва жамоат ташкилотларининг маънавий-маърифий, иқтисодий

<sup>124</sup> Назаров Р.Р. Национальные отношения как объект социально-политического управления. Автореф. дисс. канд. филос. наук. – Т.: 1995. – С. 13.

ва ташкилий-техник ресурсларини мавжуд муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш имконини беради.

Қайд этилган вазифаларнинг қандай мақсадларни кўзлаб ҳал этилиши моҳият эътибори билан стихиялиликка деярли ўрин қолдирмайдиган, ижобий ёки салбий мазмунга эга миллатлараро муносабатларнинг муайян типини шакллантиришга асос бўлиб хизмат қиласди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, республикамида ижобий мазмунга эга миллатлараро муносабатларни қарор топтириш борасида олиб борилётган ҳаракатлар бугунги кунда ўзининг реал натижаларини бера бошлиганини қайд этиш лозим. Буни ташқи миграция жараёнлари барқарорлашганида ҳам кўриш мумкин.

Ташқи миграция сабблари ҳақида гап кетар экан, С.И.Зинин мулоҳазалари диккатга сазоворлигини қайд этиш лозим. Унинг фикрича, Ўзбекистондаги воқеликка муносабати нуқтаи назаридан русларни уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга Ўзбекистонга тақсимот бўйича мажбуран жўнатилган, турли йирик корхоналар қурилишига сафарбар қилинган, 1980-йилларнинг ўрталарида марказдан юборилган “сиёсий десантчилар” ва улар билан бирга келиб қолганлар киради. Улар Ўзбекистонга бегона кўз билан, маҳаллий маданият ва урф-одатларга эса менсимаслик билан қарап эдилар. Айнан улар мустақилликнинг даствлабки йилларида республикани тарк этиб, Россияяда Ўзбекистон ҳақида нотўғри ва бир ёқлама тасаввурларнинг шаклланишига ўзларининг муносабати улушларини кўшдилар. Иккинчи гуруҳ асосан уруш йиллари ва зилзиладан кейинги даврда келиб қолганлар, учинчи гуруҳ эса XIX асрнинг сўнгги чорагидан то Иккинчи жаҳон урушигача бўлган оралиқда кўчиб қолганлар ва уларнинг авлодларини ўз ичига олади. Бу гуруҳ вакиллари ўз ҳаётларини Ўзбекистондан ташқарида тасаввур қила олмайди. Уларнинг асосий қисми мамлакатдан кўчиб кетмоқчи ҳам эмас<sup>125</sup>. Бизнингча, русларгагина хос деб билинаётган бундай хусусиятларни маҳаллий бўлмаган бошқа миллат ва элатлар вакилларига нисбатан ҳам ҳеч иккимай татбиқ этиш мумкин.

Айрим ўзига хосликлардан қатъи назар, миграция жараёнларининг барқарорлашганини бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, республикамида кўп миллатлиликка бузувчи куч эмас, балки яратувчилик қудратига эга бўлган омил сифатида қаралганини кўрсатиш лозим. Хусусан, айрим собиқ совет республикаларидан фарқли равишда истибодод даври йўқотишлари учун «айбдорларнинг» қидирилмагани принципиал аҳамиятга эга бўлди. Давлатга хавфсизликнинг кафолати сифатида қарап

кучли бўлган бир шароитда бу ниҳоятда муҳим эди. Иккинчидан, мустақилликнинг даствлабки йилларида эртанги кунга ишончсизлик, тўғрироғи уни аниқ тасаввур қила олмаслик ҳукмрон эди. Олиб борилган оқилона миллий сиёсат туфайли бундай безовталикка барҳам берилди.

Мамлакатимизда миллатлараро тотувликнинг ҳукмрон бўлишида республика аҳолиси таркибидағи умумий миқдори 10 фоиздан ошадиган, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари билан асрлар давомида ҳамкор ва ҳамнанфас бўлиб келган тожик, қозоқ, қирғиз, туркман халқлари ўртасидаги муносабатлар муҳим аҳамиятга эга ва миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш билан боғлиқ вазифаларга ўзига хослик бағишлади. Ягона Марказий Осиё маданий-маънавий маконини қарор топтиришни муҳим вазифа қилиб белгилайди. “Бизнинг – тожик, туркман, қирғиз, қозоқ ва ўзбекларнинг – тарихий бирлигимиз, маданий бирлигимиз, маънавий бирлигимиз, диний бирлигимиз, бир сўз билан айтганда, чинакам инсоний бирлигимиз ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ, – деб ёзди И.А.Каримов. – Халқларимизнинг азалий бирлиги ва бирбираига интилиши ҳар бир уйда, ҳар бир оиласда, ҳар бир қишлоқда ва ҳар бир шаҳарда яққол сезилади”<sup>126</sup>.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкентда «Туркистон – умумий уйимиз» конференцияси ўтказилиб Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг ташкил Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотининг маданий-маърифий заминларининг янада чуқурлашувига хизмат қилаётганини таъкидлаш зарур. “Туркистон – умумий уйимиз”ғояси эса улкан уюштирувчилик ва яратувчилик ролини ўтамоқда. Зеро, бу foя биринчидан, минтаقا халқларининг ҳудудий, ижтимоий, этномаданий ва диний яқинлиги натижасида юзага келган бирликни асрлаб-аввалиш, ривожлантиришга имконият яратади.

Иккинчидан, бир халқ эҳтиёжлари ва манфаатлари бошқа халқларнинг шундай интилишларини камситиш ёки тан олмаслик ҳисобига рўёбга чиқишига йўл қўймайди.

Учинчидан, юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни конструктив ҳамкорлик йўли билан ҳал қилиш учун замин яратади.

Тўртинчидан, илдизлари бир бўлган халқлар маданиятларининг ўзаро таъсири ва бойишидек табиий-тарихий жараёнга йўл очади.

Ва, ниҳоят, бешинчидан, турли хил уйдирмалар, жумладан, миллий устунликка интилиш мавжуд деган қарашларни сингдириш орқали ўлка халқларини бир-бираига қарама-қарши кўйиш, зиддиятлар келтириб чиқариш йўлидаги уринишларга зарба беради.

<sup>125</sup> Қаранг: Зинин С. Русский культурный центр Узбекистана. // Ўзбекистон миллатлараро ҳамжиҳатлик йўлида. – Т.: «Университет», 1996. – С. 121-122.

И.А.Каримов таъкидлаганлариdek, ўзбеклар “Тарихан туркий халқлар оиласига мансуб бўлишига қарамай, пантуркизмни ва “Буюк Турун” шовинистик гоясини қатъян рад этди. Биз учун Турон – минтақадаги туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг ўта сиёсий эмас, балки маданий бирлигининг рамзиdir. Бундан ташқари, умумий маданий, тарихий ва антропологик илдизларимиз бизни тожик халқи билан ҳам туташтиради. Бу ҳол бизга маданиятимизни Марказий Осиё учун маълум даражада ноёб бўлган турк ва форс маданиятларининг синтези деб ҳисоблашга тўла ҳукуқ беради. Ана шундай бойликка эга бўлган Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари маданий интеграциялашувининг ташаббускори бўлиши мумкин ва лозим”<sup>127</sup>. Демак, “Туркестон” деганда, айрим ҳолларда талқин қилинадиганидек, фақат туркий халқлар эмас, балки ўлканинг бутун аҳолиси назарда тутиладики, бу ҳам “Туркестон – умумий уйимиз” гоясининг минтақа халқлари учун улкан аҳамиятини кўрсатади.

Мутафаккирлардан бири “Икки кишида биттадан олма бўлиб, улар алмашсалар уларнинг ҳар бирида биттадан олма бўлади. Аммо икки кишида биттадан гоя бўлиб, улар алмашганида эса уларнинг ҳар бирида иккитадан гоя бўлади”, – деган эди. Ўзаро ҳурмат ва ишонч асосига қурилган миллатлараро муносабатларни ҳам шунга қиёслаш мумкин. Чунки, ҳар бир миллат ўзининг бетакрор маданияти, урф-одатлари, анъаналарига эга. Ўзаро таъсирашув жараёни эса табиий равишда уларнинг ҳар бирининг бойишига хизмат қилади.

Инсоният тарихи “соғ” миллий анъананни билмайди. Зоро, ҳеч бир халқ, ҳеч бир миллат маҳдуд ҳолда мавжуд бўлган эмас. Аксинча ўзаро алоқада ва таъсирашувда бўлибгина ўз ривожланишини таъминлай олган.

Республикамиизда шунингдек, миллий ўзликни сақлаб қолиш, миллий-маданий эҳтиёжларни қондириш, этник қадриятларни асрар-авайлаш ва ривожлантириш билан боғлиқ жараёнларга, яқин ўтмишдагидан фарқли ўлароқ, миллатчиликнинг ўсиши деб эмас, балки табиий-тарихий жараён сифатида қаралаётганини ҳам таъкидлаш зарур. Зоро, “ҳар қандай миллийлик ягона ва қардошларча бирлашган инсониятнинг йўлидаги тўсиқ эмас, балки унинг бойлигидир. Миллат ижтимоий эмас, балки тарихий масаладир, мавхум ижтимоий ҳолат эмас, балки аниқ маданий муаммодир”<sup>128</sup>.

Давлатимиз сиёсатининг миллатлараро тотувликни таъминлашга йўналтирилгани бошқа мамлакатларда амалга оширилаётган ишлар билан қиёсланганда янада ойдинлашади. Хусусан, Россия воқелигини таҳтил қўлар

экан, Россия халқлари Ассамблеяси Кенгаши раиси Р.Абдулатипов СССР барбод бўлганидан сўнг Россия ўз ривожланиш моделини тополмагани туфайли турли миллат вакиллари ўзларини ягона халқ, мамлакатнинг узвий қисми сифатида ҳис қила олмаётганликлари натижасида Россия жамияти “динамик хаос” ҳолатига яқинлашиб келмоқда деб таъкидлайди. Унинг фикрича, асосий вазифаларни акс эттирган Миллий сиёсат бўйича давлат концепцияси эса ҳаётта татбиқ этилмай қолмоқда, кўп миллатлилар бойлик бўлгани ҳолда, сўнгги пайтда бу камчилик, Россия давлати парчаланиши учун хизмат қилувчи асос, замин сифатида баҳоланмоқда. “Миллатлар – этносларга қарши кураш бъзи олимларимиз ва сиёсатчиларимизнинг севимли машгулотига айланиб бормоқда, – деб фикрида давом этди Р.Абдулатипов. – Бунга жавобан Россия Федерациясининг бир қатор республикаларида “давлатяратувчи” этнослар ва миллатларни қидириш билан банд бўлмоқдалар. Ҳамкорлик, кўплаб халқларнинг тенглигига эришиш ўрнига очиқ ёки яширин ҳолда “хукмрон миллатлар” қарор топмоқда. ҳар бир минтақада “туб”, “титул”, «хукмрон» миллатни қидиришмоқда”<sup>129</sup>.

Мазкур ҳолат давлат ўзини демократик, дунёвий давлат деб эълон қилгани билан миллатлараро муносабатлардаги муаммолар йўқ бўлиб кетмаслигини, ҳукуқларни декларация қилиш билан бир қаторда уни амалга ошириш йўлида конкрет ишлар қилинсанга тенглик реал характер касб этишини кўрсатади.

Юқоридагидан фарқли ўлароқ республикамиизда турли миллат ва элат вакилларининг маданий-маърифий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган институционал асосларни яратишга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлаш зарур.

Миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, миллий қадриятларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш ҳамда миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга ташкилий ва услубий ёрдам беришни йўлга кўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги қарори билан Республика байналмилал маданият марказининг ташкил этилгани фикримизнинг исботи бўла олади. Натижада 1991 йилда бор йўғи 10 та атрофида бўлган миллий-маданий марказлар сони 2004 йилнинг 1 февралига келиб 137 тага етди. Улар ўзлари мансуб бўлган этноснинг тили, маданияти, урф-одатлари, анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, миллатлараро муносабатларда уйғунликни таъминлашга мунособ ҳисса қўшиб келмоқда.

<sup>127</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 52 б.  
<sup>128</sup> Бердяев Н. Судьба России. – М.: «Мысль», 1990. – С. 84.

<sup>129</sup> Абдулатипов Р. Главное – избежать погромов на национальной почве. // «Труд-7», 31 октября, 2002.

“Хеч муболагасиз айтиш мумкинки, – деб таъкидлайди И.А.Каримов, – мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир халқ ва миллатнинг этник ўзига хослиги, тили, урф-одати, анъаналарини сақлашда муҳим роль ўйнайдиган миллий-маданий марказларнинг фаолиятини ривожлантириш учун бугун барча шарт-шароит ҳамда имкониятларни яратар эканмиз, бу билан биз одамларнинг тинч ва осойишта ҳёти, эртанги кунга ишончининг мустаҳкам пойдеворини бунёд этган бўламиз”<sup>130</sup>.

Миллий-маданий марказлар ўз олдиларидағи ана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда фаолият кўрсатмоқдалар. Хусусан, миллий-маданий марказлар миллий қадриятларни тиклаш, эъзозлаш йўлида кенг қамровли ишларни амалга ошироқдалар.

Биринчидан, миллий қўшиқ, рақс, анъаналарни сақлаб қолиш ва ривожлантириш йўлида аниқ амалий ишлар қилинмоқда. Бу йўналишда миллий-маданий марказлар қошида 40 дан ортиқ бадиий жамоалар фаолият кўрсатиб келмоқда<sup>131</sup>. Корейс миллий-маданий марказлари ассоциацияси қошидаги аёллар, қыргизларнинг “Сайра комуз”, украинларнинг “Джерелло”, дунгандарнинг “Чинмё” фольклор ансамбллари фаолияти бунга мисол бўла олади. Миллий-маданий марказлар ташабbusи билан 1999 йилдан буён Тошкентда қозоқ ва қыргиз оқинларининг мусобақалари ўтказилиб келинаётгани ҳам шундай ишлар сирасига киради.

Иккинчидан, миллий-маданий марказлар фолиятида халқ ижодини ўрганиш, сақлаб қолиш билан бир қаторда профессионал санъат намуналарини тарғиб қилишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Таҳлил миллий-маданий марказлар қошида ана шундай фаолият билан шуғулланувчи 30 дан ортиқ бадиий жамоалар мавжудлигини кўрсатади. Қозоқларнинг “Коктем”, арманларнинг “Хоравац - шоу”, русларнинг “Грядущие”, немисларнинг “Югенштерн”, месхети туркларининг “Мико” театр - студиялари, русларнинг “Ветеран”, полякларнинг “Пляст”, белорусларнинг “Катюша”, яхудийларнинг “Шалом” каби хор жамоалари ва чолгу асбоблари оркестрларининг фаолиятида бунинг исботини кўриш мумкин.

Учинчидан, ҳар бир миллат истиқболи табиий равишда, ёшлар билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий-маданий марказлар ёшларни миллий маданиятга муҳаббат, этник қадриятларни ўрганиш ва эъзозлаш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Буни русларнинг “Топатушки”, корейсларнинг “Са-муль”, немисларнинг “Штер-

<sup>130</sup> Каримов И.А. Республика байнамилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллигига багишланган тантанали мажлис қатнашчиларига табрик. // Каримов И.А. Хавфислилар ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. – 182 б.

<sup>131</sup> Бу ва бундан кейинги ўринларда келтирилган рақамлар Республика байналимилал маданият марказининг маълумотларига асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқилди.

нхен”, украинларнинг “Наши хорошки”, полякларнинг “Мазурчек” каби жами 15 га яқин болалар ансамбллари фаолияти мисолида кўрса бўлади.

Умуман олганда эса, миллий-маданий марказлар фаолиятида маърифий, тарбиявий ва аҳолини ҳордиқ чиқаришини ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, уларнинг кўплаб тадбирлари бир вақтнинг ўзида ҳар учала вазифани ҳам бажармоқда. Турли миллий байрамларнинг оммавий нишонланиши ҳам шунга хизмат қилмоқда. Бундай тадбирлар, бир томондан, диаспора вакилларини миллий тарих, урф-одатлар ва анъаналардан хабардор қилса, бошқа томондан, ҳордиқ чиқаришга кўмаклашади. Айни пайтда, улар миллий ўз-ўзини англашга тарьсир қилиб миллий бирликнинг мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнайди.

Миллий истиқолол гоясини кишиларимиз онгига сингдириш, миллатлараро тутувликнинг устувор бўлишини таъминлаш йўлидаги амалий ишлар маънавий-руҳий жараёнларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

ИНсоннинг отаси, онаси каби Ватани ҳам битта бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, фуқароларимизда “Ўзбекистон – ягона Ватан” деган туйғу қарор топа бошлагани тобора яққолроқ намоён бўлмоқда. “Мен 1997 йилнинг сентяброда ўзимнинг тарихий Ватаним бўлмиш Жанубий Кореяга сафар қилдим, – деб хотирлайди Г.Ким. – Орадан бир ҳафта ўтмасданоқ мен Ватаним, туғилиб ўсган ерим, Ўзбекистонимни соғина бошладим.

Шунда мен дунёда Ўзбекистондан кўра азизроқ жой йўқлигини ичичимдан туйдим... Нега Ўзбекистон мен учун шундай азиз бўлиб қолди? Чунки, мен шу ерда ўсдим ва шу ерда яшаяпман. Энди менинг келажак ҳаётим ҳам шу Ватан истиқболи билан чамбарчас боғлиқ”<sup>132</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, Ватан инсонга фуур-ифтихор бағишлайди, турли синов ва қийинчиликларни енгиг ўтишда куч бағишлайди. Широқ, Тўмарис, Спитамен каби халқ қаҳрамонларининг жасорати, душманга қарши кураш, Ватан озодлиги йўлидаги мардлиги ва жонбозлиги ҳам бунинг ёрқин мисолидир. Бугунги кунда мустақилликни мустаҳкамлаш, юрт тараққиётини таъминлаш учун эса уларнинг жасоратидан кам бўлмаган жасорат, мардлик ва шижаот талаб қилиниши ҳам айни ҳақиқатdir. Ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги эзгу мақсади шу юртнинг бугуни ва эртаси, унинг ҳақиқий камоли билан узвий боғлиқdir. Ватаннинг тараққиёти эса юрт фарзандларининг мақсад-муддаоларига боғлиқ. Бу – бир-бирини тақозо қилувчи жараёнdir.

Миллий гояда миллатнинг ҳудудий, иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар умумийлиги замирида юзага келган бетакрор ва индивидуал

<sup>132</sup> Глисерья Ким. Эзгулик ва баҳт-саодат гояси. // Миллий гоя – бизнинг гоя. – Т.: 2000. – 131 б.

бирликдек хусусиятлари, бошқача айтганда, миллий борлик ва руҳият, юрт фарзандларининг орзу-умидлари ўз аксини топади, жамиятнинг тараққиёт йўли белгиланади. Шунинг учун ҳам, у кишиларни ҳаракатга чорловчи байроқ вазифасини ўтгайди. Демак, Ватан мавхум тушунча эмас. “Бир гал Туркманистонга бориб бир катта тўйда кураш тушдим. Ишонасизми, 16 полвон билан олишиб, барчасини енгдим. Тўйдан сўнг одамлар биз тушган автобусни ўраб олишди. “Шу мард, паҳдавон ўғлингизни бизга қолдиринг кам қилмаймиз. Биз ҳам ўз элимизда шундай зўр полвонимиз бўлишини хоҳдаймиз. Йўқ деманг!” Табийки, бу таклифга на мен, на отам рози бўлдик, — деб хотирлайди машҳур спортчи, кураш бўйича жаҳон чемпиони Маҳтумкули Маҳмудов. — Отам ётифи билан: “Биродарлар, мени тўғри тушунинг, менда зарра ихтиёр йўқ. Маҳтумкули менинг полвоним эмас, у Сурхондарёнинг, Ўзбекистоннинг полвони”, — дедилар”<sup>133</sup>.

Юқорида келтирилган икки ҳаётий мисол ҳам юртдошларимизда, миллатидан қатъи назар, ягона Ватан туйфуси шаклланганинг ёрқин далилидир. Бундай хulosани социологик тадқиқотлар натижалари ҳам тасдиқлади. Хусусан, сўровда қатнашганларнинг 55,7% Ўзбекистонни жонажон Ватани, 40,5% туғилиб ўсган мамлакати деб билади.

Ўзбекистонда туғилиб ўсган, маҳаллий бўлмаган миллатлар вакиллари ҳам ўзларининг шу заминга мустаҳкам боғланганликларини ҳис қиласидилар. Шунинг учун ҳам сўровда иштирок этганларнинг 55,9% этнотарихий ватанларига “хотиржамлик билан” муносабатда бўлишларини, чорак фойздан ортиқроғи эса тарихий юртида тўлиқ баҳтли бўлиб кетишига ишонмаслигини, чунки Ўзбекистонда ҳамма нарсаси – уйи, оиласи, фарзандлари, иши, дўстлари, келажакка ишончи борлигини, уларни йўқотишни истамаслигини қайд этган<sup>134</sup>.

Фуқароларимизда ягона Ватан туйфусининг шаклланиб бораётгани ҳақидағи мулоҳазалар якунида методологик аҳамиятга эга бир масалага диққатни қаратиш лозим. Маълумки, оммавий ахборот воситаларида ҳам, илмий адабиётларда ҳам бошқа мамлакатларда яшовчи турли миллат ва элат вакилларининг ўз миллий давлатларига бўлган муносабатларини ифодалаш учун аксарият ҳолларда “этник ватан” ёки “тарихий ватан” тушунчалари ишлатиб келинмоқда. Бу тушунчаларнинг тўғрилигини инкор этмаган ҳолда, уларни ўринсиз қўллаш ҳоллари ҳам мавжудлигини таъкидлаш зарур. Масалан, юртимизда истиқомат қилиувчи тоҷиклар

<sup>133</sup> Маҳмудов М. Ўзбекистон шарафи ҳар нарсадан улуг. // Миллий гоя – бизнинг гоя. – Т.: 2001. – 96 б.

<sup>134</sup> Қаранг: Информационно-аналитический отчет результатов социологического опроса: “Многонациональный Узбекистан”. – Т.: 2000. – С. 6, 9-10

учун Тожикистон, қирғизлар учун Қирғизистон, қозоқлар учун Қозоғистон, туркманлар учун Туркманистон ҳеч қачон этник ёки тарихий ватан бўла олмайди. Бизнингча, “этник ватан” ва “тарихий ватан” тушунчалари деярли бир хил мазмунга эга бўлиб, ҳалқнинг тарихан этник бирлик сифатида шаклланган ҳудудини англаатади. Номлари зикр қилинган миллатларнинг бир қисми эса тарихан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаб келган ва бугунги кунда қўшни давлатларга ном бериб сиёсий жиҳатдан уюшган қисми билан боғлиқ ҳолда ягона этнос сифатида ривож топган. Демак, улар тарихан шу ҳудудда яшаб, этноснинг бир қисми сифатида шаклланганлар. Шундай экан, юқоридагига ўхшаш каби ҳолатларни ифодалаш учун “этносиёсий ватан” тушунчасини ишлатиш ўринлидир. Зоро, диаспора вакилларининг у ёки бу мамлакатга бўлган қизиқиш ва интилишлари ушбу ҳудудда этноснинг катта ёки асосий қисми яшаётгани билан эмас, балки, уларнинг муайян давлат бирлигига уюшгани билан белгиланади. Кишиларнинг этник(тарихий) ватанига интилишлари ҳам аксарият ҳолларда айнан миллий давлатчиликнинг мавжудлиги ва шундан келиб чиқадиган имкониятлар билан боғлиқ бўлади.

Қ.Ханазаров таъкидлашича, ўз миллати яшайдиган ҳудуддан ташқарида истиқомат қиласидиган инсон икки вазифани бажаради: бир томондан, ўзи яшаётган давлатнинг гуллаб яшнаши йўлида фидокорлик кўрсатади, иккинчи томондан, яшаётган мамлакати билан ўз миллати давлати ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қиласиди<sup>135</sup>. Шу нуқтai назардан қараганда, турли миллатлар ва элатлар вакилларининг этносиёсий ватанлари билан алоқаларининг кенгайиши ҳам миллий ўзликни сақлаб қолишига ишонч туйфусининг мустаҳкамланишига хизмат қиласиди.

Мамлакатимизда эса ана шундай алоқалар эркин ўрнатилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. «Биргина 2002 йилнинг ўзида бошқирд, татар, тоҷик ва қозоқ ҳалқларининг жаҳон форумлари бўлиб ўтгани, уларда юртимиздан 110дан ортиқ вакил иштирок этгани ҳам бундай алоқаларнинг кенгайиб бораётганини тасдиқлаб турибди»<sup>136</sup>.

Миллий - маданий марказлар этномаданий эҳтиёжларни қондириш, урф-одатлар ва анъаналарни сақлаб қолиш ва ривожлантириш билан бир қаторда ўз маданиятлари ютуқларини республикамиз ахолиси ўртасида тарғиб қилиш, этномаданий ўзига хосликлари билан уларни яқиндан танишитириш борасида ҳам самарали изланишлар олиб бормоқдалар.

<sup>135</sup> Қаранг: Ханазаров К. Единство многонационального народа Узбекистана. // Ўзбекистон миллатлараро ҳамжihatlik йўлида. Т.: «Университет», 1996. – С. 22

<sup>136</sup> Ҳуснидинов З. Миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликнинг ҳаётий иллизлари. // Миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили. – Т.: 2003. – 7 б.

Масалан, “1999 йилнинг январида рўйхатдан ўтган “Полонез” Поляк миллий-маданий маркази... ўтган йиллар давомида кўплаб оммавий-маданий тадбирларни амалга оширди. Улар қаторида “Болалар ва ўсмирлар ижоди саройи”да ўtkазилган рассомлар кўргазмасини, рим-католик костелида ўtkазилган “Рождество арчаси”ни, Ўрта Осиё санъати музейида ўtkазилган “Польшада баҳор” ва “XIX асрда яшаган адаб ва рассом Циприан Норвид фаолияти” расмлар кўргазмасини қайд этиш мумкин. Марказ Ф.Шопен, Ст. Монюшко ижодларига бағишланган концертларни, Адам Мицкевич ва бошқа бир қатор поляк шоирлари ижодига бағишланган адабий кечаларни ташкил этди”<sup>137</sup>.

Маданий марказлар ижтимоий характерга эга бошқа тадбирларни ҳам амалга ошироқдалар. Хусусан, “Корейс миллий-маданий марказлари ассоциацияси ташабуси билан Корея Республикасидан таклиф этилган 15 та юксак малакали врачлар 5 кун давомида хайрия йўли билан медицина ёрдамини кўрсатдилар. Бундай ёрдамдан Тошкент шаҳри ва вилоятида яшовчи турли миллатга мансуб 2 минг фуқаро баҳраманд бўлди”<sup>138</sup>.

Миллий-маданий марказлар миллий тил ва маданиятни сақлаб қолишига хизмат қилиш билан бир қаторда давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлашдек муҳим вазифани ҳам бажараётгани учун уларнинг раислари ва фаолларидан айримлари ўзларининг этносиёсий ватанларининг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

Республика байналмилал маданият марказининг 2002 йилнинг деқабрига бўлган маълумотларига кўра, Корейс миллий-маданий марказлари ассоциацияси фаолларидан бўлган фуқароларимиздан 4 киши “Жанубий Корея Республикаси Президентининг фахрий нишони” ва “Жанубий Корея Республикаси Президентининг ордени”, қирғиз миллий-маданий маркази фаолларидан 1 киши “Данакер” (“Дўстлик”) ордени ва 1 киши “Данк” (“Шуҳрат”) медали, поляк маданий маркази раиси И.И.Тагиева Польшанинг олий ордени “Кумуш хоч” билан мукофотланган.

Миллий-маданий марказ фаолларининг мамлакатимиз тараққиёти, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси ҳам муносаби баҳоланиб келинмоқда. Хусусан, миллий-маданий марказлар раислари ва фаолларидан 50 дан ортиқ киши давлатимизнинг олий мукофотлари ва унвонлари билан тақдирландилар.

<sup>137</sup> Серебренникова О. За деловое и творческое сотрудничество. // Миллий гоя – бизнес гоя. – Т.: 2001. – С.81

<sup>138</sup> Шин В. На новом этапе возрождения. // Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик – тараққиёт омили. – Т.: 2001. – С.121

Республикамизда миллатлараро муносабатлар масаласига алоҳида эътибор берилаётганини Ўзбекистонда яшовчи турли миллат ва элат вакилларининг миллий-маданий эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, уларнинг урф-одатлари ва анъаналари ривожланишига ҳар томонлама шартшароит яратиш мақсадида 1992 йилда тузилган Республика байнамилал маданият марказининг 10 йиллиги 2002 йилда Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ кенг нишонланганида, 13 миллатга мансуб миллий-маданий марказ фаолларининг ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганида ҳам кўриш мумкин<sup>139</sup>.

Мазкур ҳолат ҳам миллий сиёсатимизнинг турли миллат ва элат вакилларининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлашга йўналтирилганини яна бир бор тасдиқлади.

Миллий ҳаёт ривожланишининг мамлакатимизга хос хусусиятлари таҳлили ҳамда тотувлик дўстона алоқалар, аҳиллик, иноқликка асосланган муносабатларни англатишидан келиб чиқиб<sup>140</sup>, миллатлараро тотувлик тушунчаси мазмунига ойдинлик киритиш мумкин. Демак, энг умумий маънода, **миллатлараро муносабатларининг тенгҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамкорликка асосланган ўзига хос сифатий ҳолатига миллатлараро тотувлик дейилади**.

Миллатлараро муносабатларда тотувликнинг ҳукмрон бўлиши турли миллат ва элатларнинг биргаликда мавжуд бўлиши ва тараққиётининг муҳим шарти ҳамdir. Унинг қарор топишида эса хилма-хил омиллар иштирок этади. Хусусан, бу жараёнда диннинг ўзига хос ўрни борлигини қайд этиш зарур.

Шундай экан, диний бағрикенглик ва этник жараёнлар диалектикаси таҳлили республикамизда миллатлараро муносабатлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини янада теранроқ англашга имкон беради.

<sup>139</sup> Қаранг: Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганинг 10 йиллиги муносабати билан миллий-маданий марказларининг бир гурух фаолларини мукофотлан тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // “Халқ сўзи”, 16 январь, 2002.

<sup>140</sup> Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳи лугати. 2 томлик, 2-том. – М.: «Рус тили», 1981. – 683 б.

VI боб.

# ДИНИЙ БАГРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИ

Дин миллий ҳаётнинг табиий йўлдошидир. Зеро, у этник бирликлар аъзолари ҳаёт тарзини ташкил этувчи, тартибга солувчи ҳамда кишиларнинг ижтимоийлашувига хизмат қилувчи меъёрий омиллардан бири бўлиб келган. Диннинг бундай роли унинг тарихан шаклланган ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Чунки, дин, И. А. Каримов таъкидлаганларидек, биринчидан, умуминсоний ахлоқ меъёларини ўзига сингдириб олиб, уларни ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган; иккинчидан, одамларнинг баҳамжихат яшашига кўмаклашган; учинчидан, одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган ҳамда ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишилаган; тўртинчидан, умуминсоний маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишга ёрдам берган ва шу йўл билан маданият ривожига катта таъсир кўрсаётган<sup>141</sup>.

Дин этносларнинг шаклланиш жараёнида ҳам муҳим роль йўнаган. Масалан, православликнинг қарор топиши патриархал уручилик тузумининг емирилиши ва Киев Русининг давлат сифатидаги мавқеининг мустаҳкамланишига хизмат қилгани, кейинчалик ҳам православ черкови марказлашган Россия давлатининг шаклланишида фаол аҳамият касб этгани илмий адабиётларда кенг ёритилган. “Шарқий Европа православлиги бўлмаган даврда, – деб ёзди И.М. Дьяконов, – русларда этник ўз-ўзини англаш ҳам йўқ эди, фақат тиверликлар, дулеблар, полянлар, древлянлар, кривичлар, ильмен славянлари бор эди. Русларнинг ўзлигини англаши православ сифатида ўзликни англаш тарзида юзага келди”<sup>142</sup>.

Демак, дин ва этноснинг ўзаро алоқадорлиги этнос (миллат) ва диннинг параллел ривожланишида, диний ва миллий ўзига хосликнинг айнанлаштирилишида яқъол намоён бўлади<sup>143</sup>.

<sup>141</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўйидан. 6-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 52–53 б.

<sup>142</sup> Карант: Дьяконов, И.М. Общественный и государственный строй древнего двуречье Шумер. — М.: 1995. — С. 50–56.

<sup>143</sup> Карапит. *Хужаймуратов И.Р. Проблемы формирования национального (этнического) самосознания узбекского народа и влияние на него Ислама. Автодисс. доктора филос. наук. – Т.: 1994. – С.21-22.*

Бундай хуносани социологик тадқиқотлар натижалари ҳам тасдиқлайди. “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Аҳолининг диний эътиқоди даражаси” мавзууда ўтказилган ва турли миллат вакиллари иштирок этган социологик тадқиқотлар натижаларига кўра, унда қатнашганларнинг 99 фоизи худога ишонишини билдирган. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2001 йилда 98,1, 1998-2000 йилларда 95 фоизга teng бўлган. Шу билан биргага бу жараёнларни ҳам мутлақлаштириш керак эмасга ўхшайди. Чунки, респондентларнинг 85,7 фоизи ўзини “қатъий диний талабларга риоя қиласидиган инсон” деб хисобламаслигини таъкидлаган<sup>144</sup>.

Миллийлик ва динийлик мураккаб ўзаро боғлиқликда эканини фуқароларнинг биринчи навбатда ўзларини ким деб ҳис қилишлари тўгрисидаги саволга берган жавобларидан ҳам кўриш мумкин. Хусусан, сўровда қатнашганларнинг 60,2 (1998 йилда — 64,8, 1999 йилда — 61,5, 2000 йилда — 52,5, 2001 йилда — 56,0) фоизи аввало ўзларини мусулмон деб ҳис қилишларини таъкидлаганлар. Айни пайтда, уларнинг 19,3 (1998 йилда — 15,8, 1999 йилда — 19,8, 2000 йилда — 18,4, 2001 йилда — 19,3) фоизи бу тушунчаларни ажралмас деб ҳисоблайди<sup>145</sup>.

Маълумки, дин ўзининг интегратив функциясининг кучлилиги билан ажралиб туради. Динларнинг полиэтник характерга эгалиги шаройтида эса бу нюхоятда катта миқёсда намоён бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнларнинг глобаллашуви эса унинг чуқурлашувини ҳам келтириб чиқармоқда. С. Хантингтон фикрича, бу кишиларнинг ўзлигини англашининг муайян жой билан эмас, балки юқорироқ – диний бирликлар даражаси билан боғлик холда кечайётганида яққол кўринмоқда<sup>146</sup>.

Қайд этилган ҳолат дин ва миллатлараро муносабатлар масаласи билан боғлиқ бўлган ва муҳим ҳаётий-амалий аҳамиятга эга хуносани чиқариш имконини беради. Полиэтник характерга эгалиги туфайли, муайян динга холис ёки нохолис муносабат динга эътиқод қилувчи этнослар томонидан тегишлича англаниши ва баҳоланиши ҳамда миллатлар, ҳатто лавлатлараро муносабатларгага ижобий ёки салбий таъсир қилиши мумкин

Мазкур мисолларнинг ўзи ҳам дин ва миллат каби ижтимоий ҳодисаларнинг узвий боғлиқлигидан далолат беради. Бу ҳолат конфессиялараро муносабатларни миллатлароро муносабатларнинг характерига кучли таъсир қилиши мумкин бўлган омиллардан бири сифатида қарааш лозимли-

<sup>144</sup> Караг: Аналитический доклад по результатам социологического исследования: “Уровень религиозности населения”. – С. 3, 4

<sup>45</sup> Карап: Указ источник. — С. 4.

<sup>46</sup> Карапт: С. Хантингтон Столи

<sup>\*\*</sup> Карат, С. Ахмаджанов. Останкинка. — М.: ГИИК, 1990.

гини кўрсатади. Аммо, афсуски, бундай муносабатлар ҳамма вақт ҳам бир маромда кечмаган. Зеро, муайян ҳолларда бошқа эътиқод шаклларига нисбатан салбий муносабатнинг шаклланиши, паст назар билан қаралиши, унинг тарафдорлари, соҳибларининг сиқув ва қувғин остига олиниши содир бўлган. Бундай қарашлар ва унга асосланган ҳаракатлар барча динлар — буддавийлик, ислом, христианлик (католиклик, протестантлик, православлик) доирасида ҳам бирдай учратиш мумкин бўлганидек, тарихнинг ҳамма даврларида ҳам у қўплаб фожиаларни келтириб чиқарган.

Ўрта асрларда черков ҳомийлиги остида амалга оширилган ва қарийб 200 йил давом этган салб юришлари ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Англиялик солдатларни гаровга олиш ва ўлдириш йўли билан террорчилик ҳаракатларини содир этган “Иргун цвей леуми” ташкилоти аъзолари эса иудаизм шиорлари остида фаолият олиб борган эдилар<sup>147</sup>.

Бундай мудҳиш ҳодисалар, афсуски, ислом байроби остида ҳам амалга оширилган. Масалан, ваҳҳобийлар 1802 йилда Карбologna келиб Имом Ҳусайн қабри устига олтиндан қурилган мақбарани бузиб, талаб кетишган. Бу ҳам етмаганидек бир кун давомида бир неча минг одам қатл этилган... Орадан бир йил ўтар-ўтмас бундай хунрезлик яна тақорланган. Бу сафар улар Имом Ҳасан мақбарасини талаганлар ва яна минглаб одамларни сўйиб, қатл қилганлар<sup>148</sup>.

Қисқа вақт давомида Афғонистонда ҳукмронлик қилган “Толибон” ҳаракати вакилларининг Бомиён вилоятида жойлашган, тоғли қояга ўйиб ишланган, энг қадимий ва энг йириклидан бўлган Будда ҳайкалининг портлатиб юбориши ҳам диний экстремизмнинг жирканч қиёфасини яна бир бор яққол намоён қилди.

Юқоридаги далиллар экстремизмни фақат ислом дини билан боғлаш ўринсизлигини яна бир бор исботлайди. Чунки экстремизм миллат ҳам, дин ҳам танламайди. Буни бошқа конфессияларнинг атоқли вакиллари ҳам таъкидлайдилар. “Терроризмни фақат исломга хос ҳодиса деб билиш мутлақо беъманилиkdir, — деб ёзади Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси архиепископи Владимир. — Сиёсий курашнинг бундай жинояткорона усули жуда қадимдан маълум: қадимги римлик республикачилар томонидан император Юлий Цезарнинг ўлдирилиши — терактнинг антик даврга хос мисолидир”<sup>149</sup>.

Шундай бўлсада, конфессиялараро ва миллатлараро муносабатларнинг ўзаро алоқаси доирасида ислом ва бағрикенглик, ислом ва экстрем-

мизм масаласи алоҳида эътиборни талаб қиласди. Бу титул миллат бўлган ўзбеклар ва, умуман олганда, аҳолининг мутглақ кўпчилиги ислом динига эътиқод қилган шароитда исломнинг миллатлараро муносабатлар характерига устун даражада таъсир ўтказиш имконияти билан белгиланади.

Ислом динига (мазҳаблар ўртасидаги фарқларни инобатга олмагандан ҳам) қўплаб мамлакатлар аҳолиси эътиқод қилсалар-да, уларнинг ўзига хос, айрича сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари бўлгани учун ҳам ислом олами яхлит, монолит бирликни ташкил этмайди. Айнан манфаатлар хилма-хиллиги асос эътибори билан Куръони каримга таянадиган, аммо ундаги қоидалар, кўрсатмалар, қадриятларни ўз мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда талқин қиласидиган мағкуралар турфа хиллигини келтириб чиқармоқда. Бугунги кунда бундай мағкуралар саҳнида конструктив ҳамкорлик тарафдори бўлган мўттадил диний оқимлардан тортиб, ўз мақсадларига эришиш йўлида ҳеч қандай восита ва усуллардан тап тортмайдиган ўта радикал оқимларгача фаолият олиб бормоқда. Чунончи, ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашни орзу қиласетган, ислом динини сиёсийлаштириш, ягона мағкуравий макон барпо қилиш йўли билан ҳокимиётни қўлга киритишини мақсад қилиб қўйган кучлар ҳам бор.

Бундан қарийб ўн бир аср олдин илм ва маърифат, ҳақиқат ва адолат ҳукмрон бўладиган фозил шаҳарни орзу қиласидиган Форобий унинг зидди бўлган шаҳарлар, жумладан, жаҳолат шаҳри ҳақида ҳам фикр юритиб, аҳолиларининг диний эътиқодлари хато дунёқарашларга асосланган шаҳарларни жаҳолатдаги шаҳарлар деймиз. Бундай шаҳар аҳолисининг Аллоҳ таоло, у яратган хилқатлар, динга доир тасаввурлари ҳақиқатга шунчалик зидки, булар ҳалол яшаш учун асос бўлолмайди. Улар жаҳолатли ва тубан мақсадларига эришишда ҳеч ким тўсқинлик қиласлиги учун сохта донолик ва алдов йўлини тутадилар<sup>150</sup>, — деб ёзган эди.

Бугун ўзларини “ислом учун курашувчи”, «соғ» мусулмон қилиб кўрсатаётган кимсалар аслида Форобий назарда тутган ана шу жаҳолат шаҳри фуқароларидир.

Айни пайтда, яна бир ҳолатни қайд этиш лозим. “Ислом эътиқодининг демократикилиги шундаки, ҳеч қандай тест ва синовлар билан инсонни коғир ёки ҳақиқийларга ажратиш мумкин эмас”<sup>151</sup>. Президентимиз ўринли таъкидлаганлариdek буни белгилаш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмагани тўғрисида Куръондан ўнлаб оят ва сураларни келтириш мумкин.

<sup>147</sup> Қаранг: *Архиепископ Владимир. ...А друзей искать на Востоке.* — Т.: 2002. — С.4

<sup>148</sup> Қаранг: *Абдуллахонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва*

*Ўзбекистонга кириб келиши.* — Т.: «Академия», 2000. — 40-41 б.

<sup>149</sup> Қаранг: *Архиепископ Владимир. ... А друзей искать на Востоке.* — Т.: 2000. — С.4

Шундай экан, ўзларини инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси қилиб кўрсатувчи баъзи ташкилотларнинг жамиятда беқарорлик, ижтимоий паро-кандалик келтириб чиқаришга уринаётган айрим ҳаракатлар фаолияти тақиқланишини эътиқод эркинлиги ва демократияни бўғиш деб баҳо-лашлари асосизлигини таъкидлаш зарур.

Демократия мавхум нарса эмас. Ижтимоий ҳаёт, жараёнларнинг муайян соҳаси, йўналишлари билан боғлиқ ҳолда олиб қаралганда у ҳамиша аниқ мазмун ва шаклу шамойил касб этади.

Дин, диний қарашлар ва ташкилотлар ҳамда демократиянинг муносабати тўғрисида мулоҳаза юритганда эса, энг аввало диннинг давлатдан ажратилишининг ўзи демократиянинг энг ёрқин намунаси эканини ёддан чиқармаслик зарур. Бундай ёндашув чукур мазмунга эга. Зеро, шундай пайтдагина улкан куч-кудратга эга бўлган давлат органларининг диний ташкилотлар ва бирлашмалар фаолиятига аралашишига чек қўйилади, уларнинг қонун олдидаги тенглиги таъминланади. Давлат виж-дон эркинлиги, ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслигини таъминлашнинг кафолати сифатида чиқади. Шундай тамойилни демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришни мақсад қилиб қўйган республикамиз ўз Конституциясининг 29, 31 ва 61- моддаларида мустаҳкамлаб қўйган.

Аммо юқоридаги қоида, устувор демократик тамойилдан, биринчидан, диндорлар, диний ташкилотлар ҳам давлат ишларига аралашишлари, сиёсий фаолият билан шуғулланишлари ва, иккинчидан, ҳар ким фикрлаш, сўз, эътиқод эркинлигига эга экан, бу эркинлик жамият асосларини емиришга, конституциявий тузумни барбод қилишга қартилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги акс хulosса ҳам келиб чиқади. Ҳар қандай демократия ҳуқуқ ва эркинликлар билан бир қаторда, жамият олдидаги муайян мажбурият ва маъсулиятни ҳам тақозо этишини ино-батга олсак, бундай талаб ўринли эканига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Демократик жамиятда ҳалқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи сифатида чиққани учун ҳам у ҳалқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилади. Шундай экан, ҳар қандай давлат ўз мустақиллиги ва хавфсизлигини, жамиядаги барқарорлик, тенглик, ҳамкорликни таъминлаши, бунинг учун зарурий ҳуқуқий асосларни ўз конституциясида белгилаб қўйиши ҳамда уларга қатъий риоя этилишини назорат қилиши табиий ҳол. Таъбир жоиз бўлса, бу демократиянинг муҳим унсурни ҳам.

Мамлакатимиз Конституциясининг 57-моддасида аға шундай ҳуқуқий асослар ўз ифодасини топган. Кенг қамровли ва чукур мазмунга эга бўлган ушбу моддада шундай дейилади: “Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверени-

тети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, ҳалқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади”<sup>152</sup>.

Ана шу конституциявий қоидалар, юқорида баён этилган ва Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган демократик тамойилларнинг моҳиятидан келиб чиқилса, “Ҳизб ат-тахрир ал-исломий” каби ҳаракатлар фаолиятининг тақиқланиши ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Зеро, биринчидан, “Ҳизбут таҳрир” диний – сиёсий ташкилотдир. Иккинчидан, у ўз тузилишига кўра кичик-кичик яширин гуруҳлардан ташкил топган. Учинчидан, давлатни фақат исломий қоидалар асосида бошқариш зарур деган нуқтаи назарда қаттиқ туради. Ва, ниҳоят, тўртинчидан, бутун дунё миқёсида халифаликни тиклашни ўзининг бош мақсади деб билади.

Қўриниб турибдик, “Ҳизбут таҳрир” фаолияти Конституциямизнинг 57-моддасида белгилаб қўйилган тамойилларга мутлақо ва бутунлай зиддир.

“Ҳизбут таҳрир” фаолиятига хос юқоридаги тўрт хусусиятда яқъол кўринмайдиган, ботиний бўлган бошқа жиҳатлар ҳам бор.

“Ҳизбут таҳрир” фақат исломий қоидалар устуворлигини қарор топтириш учун кураш олиб боради. Демак, у динлараро адоватни тарғиб қиласи, дини, эътиқодидан қатъи назар, фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги тамойилни рад этади, миллатлараро тотувлика раҳна солади деб хulosса чиқариш мумкин. Шу билан бирга, халифаликни тузишни мақсад қилиб қўяр экан, у ўз моҳиятига кўра республикамиз суверенитети, ҳудудий яхлитлигига тажовуз қилишини ҳам ёддан чиқармаслик зарур.

Диний экстремистик ташкилотларнинг ҳақиқий моҳияти ижтимоий фикрда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, респондентларнинг 84,1% ҳизбут таҳричилар фаолияти мамлакат тинчлиги ва хавфсизлиги учун таҳдид эканини таъкидлаганлар. Сўровда қатнашганлар диний экстремизм уларда “терроризм, диверсия” (47,6%), “фундаментализм” (29,6%), “қурол-яроғ” (26,0%), “диний фанатизм” (22,0%), “наркотиклар” (20,6%), “фуқаролар уруши” (19,8%) каби ҳодисалар билан боғлиқлиги ҳақидаги тасаввурларни уйғотишини қайд қилганлар. Бундай натижалар

<sup>152</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. – 19-20 б.

бугунги кунда аҳолида диний экстремистик ҳаракатларнинг ҳақиқий моҳияти тўғрисида муайян тасаввур ҳосил бўлганини кўрсатади<sup>153</sup>.

Шундай бўлсада, тадқиқотлар кишиларнинг диний билимлари паст даражада қолаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, юқорида қайд этилган “Аҳолининг диний эътиқоди даражаси” мавзууда ўтказилган сўровда қатнашганларнинг бор йўғи 14,7% ўзининг бу соҳадаги билимини “етарли” деб баҳолагани, 71,8% эса исломнинг айрим талабларинигина билишини, 13,5% эса умуман ҳеч нарса билмаслигини тан олган. Айни пайтда, сўровда қатнашганларнинг 60,8 (2000 йилда — 40,9, 2001 йилда — 43,8) фоизи исломий билимларини оширишга хоҳиши борлигини билдирган<sup>154</sup>.

Мазкур далилларнинг ўзи ҳам диний-маърифий таълим масаласига эътибор бериш зарурлигини кўрсатади. Зеро, биринчидан, бундай эҳтиёжлар қондирилмас экан, уни тўлдиришга ҳаракат қилиувчи кучлар то-пилади. Иккинчидан, мустақил йўл билан диний билимларини оширишга интилиш ҳамма вақт ҳам ижобий натижага олиб келмаслигини инобатга оладиган бўлсак, масаланинг долзарблиги янада ойдинлашади.

Юқорида қайд этилган ва хилма-хил кўринишларда чиқадиган ва бошқача эътиқод соҳибларига нисбатан агрессивлиги билан ажralиб турдиган қараашлар ва ҳаракатлар билан бир қаторда асрлар давомида инсоният ўзида ўзгача эътиқод вакилларига нисбатан ҳам эътибор билан муносабатда бўлиш, уларнинг диний ҳис-туйғуларига нисбатан хурмат ҳиссини намоён қилишдек хислатларни ҳам шакллантириди. Бошқача айтганда, диний бағрикенглик, замонавий тилда ифодалагандা, толерантликнинг ҳам илдизлари узоқ мозийга бориб тақалади. Диний бағрикенглик ҳамиша диний заминдаги адоватга қарши ўзига хос қалқон вазифасини ўтаган. У турли эътиқодларнинг бир замон ва маконда биргалиқда мавжуд бўлишига, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланишига йўл очган. Бу эса ўз навбатида юрт тинчлиги ва тараққиётига, умуминсоний маданият ва маънавият ривожига хизмат қилган.

Халқимизга хос бағрикенглик ҳам ўзининг қадимиий илдизларига эга. Тарихан Марказий Осиё турли маданиятларнинг ўзаро тўқнашуви, таъсири ва бойишига имконият яратган нуқталардан ҳисобланади. Шарқни Фарб билан бирлаштириб турган Буюк ипак йўлининг Марказий Осиёдан ўтгани бунинг учун қулай шароит яратган, албатта.

Маданий алоқалар, ўзаро таъсирашувнинг интенсив тарзда айниқса, Хитой, Ҳиндистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Кичик Осиё, Ўрта ер денгизи минтақаси билан амалга оширилганини таъкидлаш жоиз. Антик

<sup>153</sup> Қаранг: Аналитический доклад по результатам социологического исследования: “Уровень религиозности населения”. — Т.: 2000. — С. 16

<sup>154</sup> Указ. источник. — С. 5, 11

даврнинг Страбон, Геродот каби олимлари асарларида минтақамиз, жумладан, бизнинг аждодларимиз тарихи, тили, маданияти, урф-одатлари ҳақида кўп ёзилгани ҳам қадим ўтмишда Марказий Осиё нафақат Шарқ, балки Фарб билан ҳам чукур алоқалар ўрнатганидан далолат беради.

Бугунги маънавий Ўйғонишимизнинг манбаи бўлиб хизмат қилаётган ўзбекона бағрикенглик, халқимизга хос этник, маданий ва диний сабр-бардошлиликнинг илдизлари ана шу даврларга бориб тақалади. Буни бошқа динлар вакиллари ҳам эътироф этишади. Хусусан, яхудийлар жамоасининг вакилларидан бири Р. Бенсман шу ҳақда тўхталар экан, Бухорода дастлабки синагога VIII асрдаёқ қурилгани, бошқа дин вакиллари билан бир қаторда ўз динларига эркин эътиқод қилиш учун ўша пайтдаёқ етарли шарт-шароит яратиб берилганини таъкидлаб «Ўрта аср Европаси ва Византия империясида қувғин қилинган яхудийлик Марказий Осиёда бошқа динлар билан бир хил ҳуқуқقا эга эди»<sup>155</sup>, — деб ёзади.

Ўзга халқлар тили, урф-одатлари ва анъаналарига чукур хурмат, уларнинг ўзлигини сақлаб қолиш, маданий-маърифий эҳтиёжларини рўёбга чиқаришга имконият яратиш ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши ўзбекона бағрикенгликнинг ёрқин хусусиятларидандир. Айнан мана шундай бағрикенглик, сабр-бардошлилик маданиятимизнинг беназир намуналарини сақлаб қолиш, асрлар синовидан олиб ўтиш, камол топтириш ҳамда ўзга маданиятларнинг аҳамиятли натижалари билан бойитишига шароит яратди. Ўз навбатида бундай муносабат халқимизга хос бўлган хулқ-одоб меъёрлари, маънавий қадриятларнинг қўшни халқлар томонидан қабул қилинишига йўл очгани ҳам тарихий ҳақиқатdir.

Виждон эркинлиги, ҳар бир инсоннинг эътиқод эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш, диний толерантлик масалалари жамият ривожланишининг бугунги босқичида ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Чунки, бугунги кунда юртимизда диний қадриятларнинг тикланиши содир бўлмоқда. Бу жараён нафақат ислом динида, балки бошқа конфессиялар доирасида ҳам кечмоқда. Бунда, бизнингча, жамиятимизда кечаётган ўзгаришларнинг муҳим характеристерли белгиси ўзининг ифодасини топган. Чунки, бундай Ўйғониш ва янгиланиш жараёнисиз халқимиз, бутун жамиятимизнинг тўла маънодаги маънавий Ўйғониши ҳақида гапириш мумкин бўлмаган бўлур эди.

Айнан мана шундай Ўйғониш жараёни ҳар бир кишининг эътиқод ва виждон эркинлигини, фуқароларнинг диний мансублигидан қатъи на-зар тенглигини ҳамда диний бағрикенгликни таъминлашга алоҳида эъти-

<sup>155</sup> Бенсман Р. Деятельность религиозных организаций по укреплению межрелигиозного согласия. // «Межрелигиозное согласие – важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (на примере Республики Узбекистан)». Материалы международной конференции. — Т.: 2002. — С. 125-126

бор билан қарашни тақозо этади. Зеро, бир томондан, бундай уйғониш жараёнидан эътиқодидан қатъи назар, барча кишилар манфаати учун фойдаланиш лозим. Бошқа томондан, динларнинг бутун күvvати ва йўналтирувчилик курдатини кишиларни бирлаштиришга, шу жумладан, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга сафарбар этиш зарур.

Унга эришиш учун эса бизда барча шароитлар мавжуд. “Асрлар давомида йирик шаҳарларимизда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдигидир. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний асосда мажаролар бўлмагани халқимизнинг диний бағрикенглик борасида катта тажриба тўплаганидан далолат беради”<sup>156</sup>.

Буни конкрет тарихий далиллар ҳам тасдиқлайди. XIX асрда Россиянинг марказий минтақаларидан мажбурлаб кўчирилган дехқонлар ночор ахволга тушиб қолганда мусулмон аҳоли уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатган. Ўша давр воқеаларини кўрган иеромонах Харитон “маҳаллий аҳоли ночор кўчманчиларга раҳмдиллик билан муносабатда бўлдилар, бусиз уларнинг кўпчилиги очлик ва муҳтожликдан ўлиб кетган бўлар эдилар”<sup>157</sup>, — деб гувоҳлик берган.

Бундай мисолларни тарихимизнинг кейинги даврларидан ҳам топиш мумкин. Маълумки, большевикларнинг оммавий қатағонларидан руҳнийлар ҳам четда қолмади. Хусусан, архиепископ Владимир таъкидича, биргина Тошкент шаҳрида 3 мингдан ортиқ руҳоний ва монахлар сургунда бўлишган. Уларга ёрдам кўрсатганлари учун ўзлари ҳам қатағон қилинишини билган ҳолда маҳаллий аҳоли уларга иложи борича кўмаклашишга ҳаракат қиласан. Ўз ҳаётларини хавф остига кўйиб бўлса ҳам қатағон қилинаётган руҳонийларни яширишган. Масалан, Тошкентдаги Свято-Николай аёллар монастирининг сўнгги бошлифи, отишга хукм қилиб қўйилган игуменья Лидия (Нагорнова)нинг қамоқقا олинишдан олдин қочиб кетишига Жўра исмли ўзбек йигити кўмаклашган<sup>158</sup>.

Мазкур ҳаётий мисоллар ҳам, бизда кўп асрлик диний бағрикенглик тажрибаси мавжудлигини яна бир бор исботлайди.

«Мустақиллик шарофати туфайли ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари қатори динга, диндорларга бўлган муносабатда ҳам туб ўзгаришларга йўл очилди. Бундай дейишимиз учун барча асослар бор. Биринчидан, бугунги кунда уламоларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Иккинчидан, яқин ўтмишда диний

<sup>156</sup> Миллий истиқбол гояси: асосий тушунча ва тамоиллар. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. – 61 б.

<sup>157</sup> Архиепископ Владимир. ... А друзей искать на Востоке. – Т.: 2000. – С.43

<sup>158</sup> Указ. соч. – С.42-44

қадриятларни билиш ва ўрганишга бўлган қизиқиш, интилиш салбий баҳоланар эди. Бундан фарқли ўлароқ ҳозирда диний урф-одатлар, анъ-аналар, қадриятларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилди.

Буни фуқароларимиз эътиқод қиласиган ноисломий конфесиялар ҳаётида содир бўлаётган ижобий ўзгаришларда ҳам кўришимиз мумкин. Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2004 йилнинг 1 февралига бўлган маълумотларига кўра республикамиз бўйича фаолият кўрсатадиган 2153 та диний ташкилотдан 172 таси христиан черкови, 7 таси яхудийлар, 6 таси баҳой жамоаси, 2 таси Кришнани англаш жамияти ва 1 таси буддийликка мансублиги ҳам шунинг исботидир. Уларнинг эмин-эркин фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Масалан, истиқбол шарофати туфайли тарихда биринчи марта Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси Бошқармаси қошида Тошкент семинарияси, Самарқандада эса протестантлар семинарияси фаолият кўрсатади.

Ноисломий конфесияга мансуб фуқароларимиз хорижга чиқувчи диндорлар учун яратилган барча имтиёзлардан тўлиқ фойдаланмоқдалар. А.Сайдовнинг таъкидлашича, ҳар йили 120 дан ортиқ ноисломий конфесия вакиллари Иероил, Греция ва Россиядаги муқаддас жойларга зиёратга бориб келмоқдалар<sup>159</sup>.

Мустақиллик туфайли диний қадриятлар ва миллий ўзлики англашни тиклаш борасидаги ишлар мамлакатимиз сиёсатининг устувор ўйналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига кўра 1903 йилда қурилган «Святая Богородица» ибодатхонасининг Арман апостол черковига, ўз вақтида фаолияти тўхтатиб кўйилган Евангел-лютеран черкови Кирхасининг республикамизда истиқомат қилувчи немисларнинг диний ўтиёжларини қондириш мақсадида “Видергебурт” немис маданият марказига мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш учун қайтариб берилгани ва 1996 йилнинг декабрида ушбу конфесиянинг юртимизда фаолият кўрсатади бошлаганининг 100 йиллиги нишонлангани юқоридаги фикримизнинг далили бўла олади.

Республикамиз Президентининг Рус православ черковининг биринчи даражали “Муруватли иймони бут Москванинг князи Даниил” ва халқаро «Андрей Первозванный» фондининг «Диалог цивилизаций» орденлари билан мукофотланиши эса мамлакатимизда фуқароларнинг виждан эркинлиги билан боғлиқ ҳукуқларини рўёбга чиқариш учун барча шароитларни яратиш, тинчлик, барқарорлик, турли миллат, дин ва

<sup>159</sup> Қаранг: Сайдов А.Х. Религиозная толерантность и светское государство в Узбекистане. – Т.: «Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека», 2002. – С.57

мазҳабдаги кишиларнинг ўзаро тотувлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишларнинг юксак эътирофи бўлди.

Диний бағрикенгликнинг умуман ижтимоий барқарорлик, хусусан, миллатлараро тотувликни таъминлашдаги ўрнини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг аҳамиятига тўхталиш мақсадга мувофиқ. Унда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга муносабатидан қатъи назар қонун олдидаги тенглиги ҳақидаги конституциявий тамойил ижодий ривожлантирилган. Хусусан, қонунда фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳукуқларини чеклаш ёки имтиёзлар белгилаш, уларнинг эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш, турли конфесиялар ўргасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмаслигининг мустаҳкамлаб қўйилгани муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаш зарур.<sup>160</sup>

Кўп конфесиялилик шароитида мазкур қоиданинг аҳамияти ниҳоятда юқори бўлиб, у фуқароларнинг миллий ҳиссиятларига ҳам бевосита дахлдордир. Чунки миллатнинг кайфияти унинг эътиқод эркинлигининг нечоғли адолатли таъминланганига ҳам боғлиқдир. Конфесиялараро адоват эса охир оқибатда миллатлараро адоватга йўл очиши мумкин.

Бугунги кунда эътиқод эркинлиги тўлақонли таъминланган, унинг ҳукуқий асослари яратилган, диний конфесиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувлик қўллаб-қувватланаётган бир шароитда бир конфесиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар(прозелитизм), шунингдек ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилган.

Бизда узоқ вақт давомида турли конфесиялар биргаликда мавжуд бўлиб келган бўлсада, тарихан миссионерлик кузатилмаган. Архиепископ Владимир XX аср бошида Рус православ черковининг Тошкентдаги Епархиясини бошқарган епископ Дмитрий (князь Абашидзе) ўзига хос статистика олиб борганини ва унда ярим асрдан ортиқроқ вақт давомида турли миллатга мансуб 14 киши православикни, 10 та рус миллатига мансуб фуқаро, шу жумладан, Громов фамилияли руҳоний ҳам мусулмонликни қабул қилгани қайд этилганини таъкидлайди. Унинг фикрича, оз сонли бундай эътиқоддаги ўзгаришлар мазкур кишиларнинг шахсий интилишлари билан боғлиқ бўлгани шубҳасиз. Эътиқодни ўзгартириш билан боғлиқ фаолият православлик ва исломнинг ҳам мақсадлари доирасига кирмагани учун бундай ҳолатлар бу икки конфесия ўртасидаги муносабатларга таъсир кўрсатмаган<sup>161</sup>.

<sup>160</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги (янги таҳрири)» қонуни. – Т.: «Адолат», 1998. – 5-6 б.

<sup>161</sup> Қаранг: Архиепископ Владимир. ... А друзей искать на Востоке. – Т.: 2000. – С.38, 43.

Аммо буғунги кунда мутлақо бошқа воқелик юзага келди. Шу нуқтати назардан қараганда, қонунда юқоридаги каби тақиқ назарда тутилишининг ўзига яраша асоси бор.

Маълумки, муайян даврда юртимизда насронийликнинг турли йўналишларига мансуб “Слово Веры” черкови, Пастор Мун черкови бирлашмаси каби айрим ташкилотлар турли миллат ва эътиқодга мансуб ёшларни ўз таъсирларига тортиш, ўзбек тилида диний адабиётларни нашр этиб тарқатиш, турли даъватлар билан республика туб аҳолиси орасида христианлик таълимотини ёйишга қаратилган миссионерлик ҳаракатларини олиб боришга уриндилар. Бундай ташкилотларнинг ноқонуний ҳаракатлари қонунда белгиланган тартибда тақиқланди.

Дин миллат маънавиятининг узвий қисми, миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш ва ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланар экан, миссионерликнинг ман этилиши кўп конфесиялилик ва кўп миллатлилик шароитида фуқаролар орасида диний асосда низолар келиб чиқмаслигини таъминлайдиган, миллатларо тотувликни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асосий тамойиллардан бири сифатида чиқади. Бу демократик қадриятларга тўла мос келади. Зоро, демократия ҳамма нарса рухсат этилган дегани эмас, балки қонуннинг устуворлигини, жамиятнинг мавжуд барқарорликка таҳдид солувчи ҳаракатларнинг олдини олиш учун амалдаги мөъёрий ҳужжатлар доирасида барча чоратадбирларни кўришини ҳам англатади.

Прозелетизмнинг тақиқланиши ва муайян диний-сиёсий ҳаракатлар фаолиятининг ман этилиши ҳақида гап кетар экан, у жамият манфаатларига мувофиқ келишини, ижтимоий барқарорлик ва тинчликни сақлаб қолишга йўналтирилганини ҳам унутмаслик керак. Бу халқаро ҳукуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига ҳам мос келади. Масалан, “Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 29-моддасида “ҳар бир инсон ўз ҳукуқ ва эркинликларини рўёбга чиқишида шундай чеклашларга мубтало бўлиши мумкинлиги, булар қонун томонидан белгилаб қўйилиши ҳамда бундай муддао — бошқаларнинг ҳукуқлари ва эркинликларини зарур даражада тан олиниши ва ҳурмат қилиниши” билан боғлиқ бўлиши, шунингдек қандай шаклда бўлмасин “ҳукуқ ва эркинликларнинг амалга оширилиши Бирлашган Миллатлар Ташкилотлари мақсадлари ва принципларига сира зид бўлмаслиги керак”<sup>162</sup> лиги белгилаб қўйилгани фикримизга далил бўла олади.

“Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририни ҳаётга татбиқ этиш натижасида диний ташкилот-

<sup>162</sup> Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси. // Инсон ҳукуқлари тўғрисида халқаро билль. – Т.: «Адолат», 1992. – 17 б.

ларнинг сони фуқароларнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгиланди. Биз учун ёт ва заарли бўлган диний секталар тарқалишининг олди олинди. Шу билан бирга, диний адабиётларни чоп этиш ва тарқатишни тартибга солиш ва қонуний асосда назорат қилинишини ташкил этиш каби масалаларнинг оқилона ечимини топиш имкониятини берди.

Қонун талабларини амалга ошириш жараёнида юзага келган айрим жиддий муаммолар ҳам одилона ҳал этилди. Масалан, Ш. Миноваров таъкидича, республикада анъанавий ҳисобланган бъзви диний жамоалар, айниқса лютеран черковлари жамоалари қонунда белгиланганидек, юз кишилик ташаббускор гурӯҳни ташкил эта олмасликлари маълум бўлиб қолган бир шароитда ҳам маҳсус ҳайъат қарорига кўра, бу муаммолар ўз ечимини топган. Масалан, Чирчиқ шаҳридаги Евангел-Лютеранлар жамоаси 27 кишидан иборат бўлгани ҳолда уларга диний ташкилот тузишга ва расмий рўйхатдан ўтишга рухсат берилган<sup>163</sup>.

Шунингдек, қонунда таълим тизимиға диний фанларнинг жорий этилишига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги қоиданинг белгилаб қўйилгани ҳам улкан амалий-ҳаётий аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур. Чунки, кўп конфессиалилик шароитида муайян динни ўрганишга қаратилган фанларнинг киритилиши бошқа конфессия вакиллари томонидан ўзларининг виждан эркинлиги борасидаги ҳақ-хукуқларининг камситилиши сифатида ҳам қабул қилинишини унутмаслик лозим.

Юқоридаги далиллар ҳам диннинг кишилар, шу жумладан, этнослар ҳаётida муҳим ўрин эгаллашини яна бир бор тасдиқлайди. Шундай экан, диннинг бирлаштирувчилик ва ўйналтирувчилик қувватини миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи омилга айлантириш ҳаётий-амалий аҳамият касб этади. Бу жараёнда ҳалқимиз тўплаган асрий тажрибадан унумли фойдаланиш лозим. Бу тажриба замонавий реалликларни инобатга олган ҳолда ривожлантирилганда эса у мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, барча фуқароларимизда ягона Ватан туйғусини шакллантириш, Юрт истиқболи ва истиқболига даҳлдорлик ҳиссини камол топтиришга хизмат қилувчи омилга айланади.

163 Миноваров Ш. Дин ва давлат муносабатлари масаласи. // Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглиқ — тараққиёт омили. — Т.: 2001. — 76-77 б.

## VII боб.

### МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ФОЯСИНИ ТАРФИБ ҚИЛИШДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ

“Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин”<sup>164</sup>.

Шунинг учун ҳам, мустақиллик шароитида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари каби таълим тизимини ислоҳ қилишга ҳам алоҳида эътибор берилди. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқилиши бунинг исботидир. Ушбу ҳуқуқий актларнинг қабул қилиниши Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланганидек, шу пайтгача ушбу соҳада мавжуд бўлган тизимнинг демократик ўзгаришлар ва бозор муносабатлари талабларига мувофиқ эмаслиги, юқори малакали педагогик кадрлар, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиётларнинг этишмаслиги, таълим-фан-ишлаб чиқариш бўғинлари ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорлик ва интеграциянинг йўқлиги каби жиддий ва чукур илдиз отган камчиликларни бартараф этишнинг ҳаётий заруратга айланиб қолгани билан белгиланганди<sup>165</sup>.

Таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг мақсади ана шундай негатив ҳодисаларни бартараф этиш билан бир қаторда тарбия тизимининг миллий заминини мустаҳкамлаш, уни жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқишдан иборат.

Бунга эришиш учун Ф.Мусаев таъкидича, ислоҳотлар, биринчидан, таълим тизимининг структурасини ўзгаририш, унинг мослашувчан характеристерга эга бўлишини таъминлаш. Иккинчидан, таълим дастурларининг мазмунини ўзгаририш, уларнинг замон билан алоқадорлигини кучайтириш. Учинчидан, ўқувчиларни тарбиялашнинг янги услубларини жорий қилишдек уч йўналишда олиб борилмоқда<sup>166</sup>.

<sup>164</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. // Каримов И.А. Хавфензлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1998. — 325 б.

<sup>165</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. // Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: «Ўзбекистон», 1997. — 36 б.

<sup>166</sup> Қаранг: Мусаев Ф.А. Созидательные идеи нашей жизни. — Т.: «Янги аср авлоди», 2002. — С.23.

Ислоҳотлар фақат илоҳотлар учун ўтказилмаётгани табиий. Унинг асосий мақсади Президентимизнинг қуидаги сўзларида Қисқа ва ёрқин қилиб баён этилган: “Таълим-тарбия илоҳоти ҳақида гапирап эканмиз, — деган эди И.А.Каримов, — унинг мазмунини лўнда қилиб ифода этиш мумкин: бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак”<sup>167</sup>.

Таълим илоҳотларининг бош мақсади ҳар томонлама етук шахсни вояга етказишдан иборат экан, бу таълим жараёнида амалга ошириладиган гоявий тарбиядан ташқарида вое бўлолмаслиги аниқ.

Турли ижтимоий институтларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда тизимли ва тадрижий тарзда олиб борилган мағқуравий тарбия натижасидагина миллый истиқбол гоясини кишилар қалби ва онгига сингдиришдек мураккаб ва серқирра жараён қўзланган натижани беради. Хусусан, фан, маданият, маданий-маърифий муассасалар, оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари каби ижтимоий институтлар бу жараёнда муҳим ўринни эгаллайди. Бу ўрин, бир томондан, уларнинг ҳар бирининг кишилар онгига таъсир ўтказишнинг ўзига хос ва бетакрор усуllibарга эга экани ва, иккинчи томондан, ҳар бир инсон бутун ҳаёти давомида мазкур институтлар (масалан, оила, маҳалла, оммавий ахборот воситалари)-нинг мунтазам таъсири остида бўлиши билан белгиланади.

Аммо ушбу институтлар ичida таълим тизими муҳим ва асосий ўринни эгаллаши билан ажralиб туради. Зоро, биринчидан, инсон фарзанди айнан таълим муассасаларида тўплangan ижтимоий тажриба ва қадриятларни илмий асосда ва тизимли тарзда ўзлаштириб боради. Иккинчидан, таълим тизими босқичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик туфайли гоявий тарбия жараёнида тадрижийлик таъминланади. Натижада инсоннинг билим доираси ҳам миқдорий, ҳам сифатий жиҳатдан бойиб боради. Учинчидан, гоявий билимлар таълим жараёнининг ўзида бевосита ва тўғридан-тўғри ўзлаштирилади.

Айни пайтда, “Таълим тўғрисида”ги қонунда мустаҳкамлаб қўйилганидек, таълим соҳасидаги давлат сиёсати таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик ва дунёвий характерини, унинг узлуксизлиги ва изчиллиги, умумий ўрта, шунингдек ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги, давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги, жинси, тили, ёши, ирқи, миллый мансублиги, ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеидан қатъи назар билим олиши-

<sup>167</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. // Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 331 б.

да тенг ҳуқуқларни кафолатлаш ва таъминлашдек принципларга асосланган ҳолда ривож топиб бориши унинг гоявий тарбия жараёнидаги ўрни, мавқеи ва имкониятлари доираси кенглигини белгилаб беради<sup>168</sup>.

Шундай экан, таълим тизимининг гоявий тарбия жараёнидаги муносиб ўрнини таъминлаш ўз мустақиллигини кўлга киритган, демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг асосларини яратадиган мамлакатимиз учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эгалиги шубҳасиз. Зоро, қўзланган мақсадларга ушбу орзу-умид ва интилишларни ўзида мужассамлаштирган миллый мафкура ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришиш мумкин эмаслиги аниқ.”Мен, — деб ёзади Президентимиз, — Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нахжот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир” деган фикрини кўп мушоҳада қиласман.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра мухим ва долзарбдир”<sup>169</sup>.

Бу долзарблик таълим тизимининг кишиларимиз онгига миллый истиқбол гоясининг мазмун - моҳияти ҳақида чукур билимларни ҳосил қилиш, уларда ўзига хос мағқуравий иммунитетни шакллантириш ва гаразли мақсадларни рўёбга чиқаришга йўналтирилган мафкура шаклларининг хавфини бартараф этишдаги ўзига хос мавқеи билан ҳам белгиланади. Чунки, бундай мафкура шаклларига фақат маърифат билан қарши қурашиб мумкин.

Таълим тизимининг миллый истиқбол гоясини кишилар онгига сингдиришдаги аҳамиятини таъкидлаган ҳолда, миллый истиқбол гоясининг ўзи ҳам улкан тарбиявий салоҳиятга эга эканини унутмаслик лозим. “Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шаклланиш босқичида айнан мана шу гоя таълим соҳасидаги янги услубларни ишлаб чиқиш жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Жамиятимизнинг асоскор гояси сифатида барча даражалардаги тарбиявий ишларнинг йўналиши, мазмани, восита ва усуllibарига кучли даражада таъсир кўрсатади”<sup>170</sup>.

Бу йўлда эса, «Миллый истиқбол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида тўғри таъкидланганидек, таълим муассасаларида миллый истиқбол мафкурасини сингдиришга дифференциал ёндашиш, дарс-лик

<sup>168</sup> Қаранг: “Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни. // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 20-21 б.

<sup>169</sup> Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси ҳалқни-ҳалқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. // Каримов И.А. Биз клажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 93-94 б.

<sup>170</sup> Абдунабиеv А.Г., Усманов Г.Н. Идея национальной независимости и воспитание молодёжи. – Т.: «Янги аср авлоди», 2002. – С.4-5.

ва кўлланмаларда миллий истиқлол мафкураси гояларини теран акс эттириш, таълимнинг барча босқичларида мафкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш ҳамда педагог кадрларнинг мафкуравий билимларини чукурлаштиришдек вазифалар устувор аҳамиятга эгадир<sup>171</sup>.

Айни пайтда, кўп миллатлилик ва кўп конфессиялилик шароитида ёшлар онгиди миллий истиқлол мафкурасининг миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик гояларининг мустаҳкам ўрин олишига алоҳида эътибор бериш талаб этилишини ҳам ёддан чиқармаслик лозим.

Жамиятдаги ўзгариш, янгиланиш жараёни инсон хулқига жиддий таъсир ўтказади. Хусусан, XX асрдаги туб ўзгаришларнинг моҳияти ва уларнинг кишилар характеристига таъсири масаласига тўхталиб, Э. Тоффлер «Янги киши шакланаётгани йўқ, янги социал характер шаклланмоқда. Шунинг учун ҳам, биз мифологик «одам» қиёфасини эмас, балки характеристнинг ўзига хос белгиларини аниқлашимиз даркор, негаки, у эртанги тараққиёт томонидан баҳоланади», – деб ёзган эди<sup>172</sup>.

Инсоннинг ҳаётда ким бўлиб етишиши жамият, унда устувор бўлган қарашлар ва қадриятлар, уларни сингдириш, мустаҳкамлашга хизмат қиласидиган тарбия тизимида устун даражада боғлиқ экан, шахс шакллашишининг илк босқичларида ёкунинг дунёқарashi, қадриятлар тизимида инсонпарварлик тамойиллари устувор бўлишини таъминлаш, миллий нигилизм, маҳдулликка ўрин қолдирмаслик муҳим аҳамиятга эга.

Таълим тизими миллий тарих, маданият ва анъаналарни ўргатиш жараёнида бошқа халқларнинг шундай белги ва сифатларига нисбатан ҳам ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялайди, уларни ўрганишга шароит яратади. Бу икки ҳолат, яъни ўз миллатини севиш ва бошқа миллатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш инсонда ягона инсониятга дахлдорлик туйғусини камол топтиради, ташувчиси турли этнослар бўлган умуминсоний қадриятларни асраб-авайлашга ўргатади, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қиласиди. Бу жараёнда эса мулоқот маданиятининг ривожланишини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу масала таълим жараёнида марказий ўринлардан бирини эгал-ламоги лозим. Унга алоҳида эътибор зарурлигини қўйидаги ҳолат ҳам тасдиқлайди.

Мамлакатимизда этник низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омилларнинг йўқлигини таъкидлаган ҳолда, миллатлараро муносабат-

<sup>171</sup> Қаранг: Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. – 62-63 б.

<sup>172</sup> Э. Тоффлер. Третья волна. – М.: «Аст», 1999. – С. 602

лардаги локал кескинликларнинг намоён бўлиш шакли сифатида маиший миллатчилик мавжудлигини таъкидлаш зарур.

Энг аввало, бундай ҳодисалар шахслар даражасидаги миллатлараро мулоқотнинг ҳосиласи эканини таъкидлаш лозим. Чунки, миллатлараро мулоқотнинг бошқа даражаларида аксарият ҳолларда бундай ҳолат кузатилмайди. Алоҳида олинган шахслар даражасидаги миллатлараро мулоқот эса ҳамиша ўзига хослиги билан акралиб туради.

Миллатлараро мулоқот шахслараро даражада бир жамоада ишлаш, бир гуруҳда ўқиш, битта маҳаллада яшаш ва шу каби сабабларга кўра доимий содир бўлса, у ҳолда муомала жараёнида ўзаро ҳурмат ва эътибор устувор бўлади. Агар у тасодифий характеристига эга бўлса, кичкина бир турткি ҳам тоқатсизлик, салбий стереотипларнинг юзага чиқиши учун йўл очади. Ана шундай вазиятда “биз сизларга маданиятни ўргатдик”, “биз сизни боқиб келдик”, “келгингидилар” ва ҳоказо кўринишлардаги иборалар ишга туширилиши мумкин. Бундай ҳолатларни миллатлараро мулоқот маданиятининг пастлиги билангина изоҳлаш унчалик ўринли бўлмаган бўлар эди. Бу, бизнингча, аксарият ҳолларда ва асосан нотўфи, хато қарашлар ва тасаввурларнинг натижасидир.

Ушбу тасаввурлар майший асосда бошқа миллат вакиллари билан бир ёки бир неча марта юзага келган “майший тўқнашув”ларнинг ҳосиласи бўлиши мумкин.

У ёки бу этнос вакилига нисбатан бундай хато, носоғлом муносабат оммавий аҳборот воситалари, бадиий адабиёт ва кино асралари таъсирида ҳам шаклланиши мумкин. Уларда муайян халқ, унинг айрим сифатлари ёки хусусиятлари ҳақидаги бир ёқлама, негатив аҳборотлар устуворлиги шахсада ушбу этнос ҳақидаги салбий тасаввурларнинг илдиз отишига сабаб бўлиши мумкин.

Майший миллатчилик ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини қамраб олувчи ўзгаришлар содир бўлаётган, социал муаммолар кескинлашган даврларда айниқса ёрқин намоён бўлади.

Бундай қарашлар қандай сабаблар таъсирида шаклланган бўлмасин унга зиддиятлилик хосдир. Унинг моҳияти шундаки, бир ёқлама тушуниш натижасида миллат ҳаётининг муайян соҳаси, тархи ёки конкрет вакилига хос бўлган хусусиятларга умумийлик туси берилади ва бутун миллатга тааллукли деб қаралади. Ижобий жиҳатлар эса шахс тасаввурдан мустаҳкам ўрин олган салбий ҳодисалар ичидаги истисно ҳолатлар тариқасида баҳоланади.

Айнан шахслараро мулоқот даражасида майший миллатчилик кузатилишини бир қатор сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Аввало, ўзга миллат ва элатлар вакилларига нисбатан бундай нохолис муносабат

жамоатчилик томонидан лозим даражада қораланмайды. Баҳоланған тақдирда ҳам у шахс томонидан жиiddий қабул қилинмайды. Зеро, у доимий асосдагы мuloқot жараёнида ана шундай хатти - ҳаракатларга йўл кўядиган бўлса, жиiddий зарар кўрадиган шахснинг ижтимоий мавқеи, обрўйига заррача таъсир кўрсатмайды. Бир сўз билан айтганда, назоратнинг йўқлиги, нима бўлганда ҳам жазоланмаслигига ишонч ўзга миллият ва әлат вакиллари тўғрисидаги нохолис ва нотўғри тасаввурларнинг юзага чиқишига замин яратади.

Мазкур ҳолат ўсиб келаётган авлодда миллиатлараро мuloқot маданийини шакллантириш мафкуравий тарбиянинг муҳим йўналишига айланниши лозимлигини кўрсатади.

Мафкуравий тарбия жараёнида ўшларни миллиатлараро мuloқotнинг тўлақонли субъекти сифатида шакллантириш ҳам алоҳида эътиборни талаб қиласди. Хусусан, уларда ўзга миллиатларга ҳурмат, адолатли муносабатда бўлиш руҳи билан суғорилган миллий онг, юксак ахлоқий сифатлар ва хулқ маданияти, миллиатчиликнинг турли кўринишларига қарши кураш малакасини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Таълим тизими ва ҳалқлараро муносабатларнинг ўзаро алоқаси ҳақида гап кетар экан, у миллиатлараро тотувлик фоясини сингдиришга хизмат қилувчи муҳим механизм сифатида чиқиш билан бир қаторда, таъбир жоиз бўлса, миллиатлараро муносабатларнинг аҳволини кўрсатувчи ўзига хос лакмус қофози эканини ҳам қайд этиш зарур. Шунинг учун ҳам, ҳалқаро ҳужжатларда масаланинг бу жиҳатига доимо алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси” да тарбия муросасизликнинг олдини оладиган энг самарали воситалардан экани таъкидланган ҳолда ”Таълим соҳасидаги сиёсат ва дастурлар алоҳида одамлар, этник, ижтимоий, маданий, диний ва тил жиҳатидан алоҳида гуруҳлар, шунингдек, миллиатлар ўртасида тушунишни яхшилашга, ўзаро ҳамжиҳатликни ва бағрикенгликни мустаҳкамлашга ёрдам бериши лозим”лиги қайд этилган<sup>173</sup>.

Таълимнинг жамиятдаги ҳамжиҳатлик, инсонлар, ижтимоий гуруҳлар, миллиатлараро тотувликни таъминлашдаги улкан аҳамиятини англаб этиш учун инсониятга минг йиллар керак бўлди. Айни пайтда, XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб жамиятда миллиатлар, уларнинг тили, маданияти, урф-одатларини улкан бойлик, бирор бир этноснинг йўқ бўлиб кетиши ўрнини ҳеч қоплаб бўлмайдиган йўқотиш эканини англаш ҳам кучайиб борди дейиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, оз сонли миллиатлар ҳуқуқлари, маданияти, урф-одатларини ҳимоя қилишга

<sup>173</sup> Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. – Т.: 2002. – 12-13 б.

қаратилган қатор ҳалқаро ҳужжатларнинг қабул қилинишига олиб келди. Шундай бўлсада, бугунги кунда ҳам этносларнинг йўқ бўлиб кетиши жараёни давом этмоқда.

АҚШнинг Сиэтл шаҳрида бўлиб ўтган лингвистлар анжуманида келтирилган маълумотларга кўра, 2050 йилга келиб, ҳозирда мавжуд 6800 тилнинг ярми йўқ бўлиб кетиши мумкин. Мавжуд жами тилларнинг 6100 тасида (90%) гаплашадиган кишиларнинг умумий сони 100 мингдан ошмайди. 46 тилнинг фақат биттадан, 357 тилнинг элликтага яқин ташувчиси қолган, холос<sup>174</sup>.

Мазкур фактлар ҳам бундай йўқотишларнинг қимматини англаб етган, аммо ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муаммолар, турли кўринишдаги низолар исканжасида қолган кишилил жамияти уларнинг олдини олишда афсуски, оқизлик қилаётганини кўрсатмоқда.

Миллиатлараро тотувлик ва таълим тизими ўртасидаги алоқадорлик ҳақида гап кетар экан, яна бир ҳолатга диққатни қаратиш лозим. Мамлакатнинг таълим, хусусан, олий ўқув юртлари тизими раҳбарларининг миллий таркиби аҳолининг умумий миллий таркибидаги ўзига хосликни акс эттириши лозим. Шундагина унда адолатнинг ҳукмронлиги ҳақида гапириш мумкин бўлади. Мамлакатимизда бу соҳада ҳам адолат қарор топганини 2000 йилги маълумотларга таянган ҳолда бемалол айтишимиз мумкин. “Миллий ранг-баранглик республикамиздаги олий ўқув юртларида ҳам ўз ифодасини топган. Уларда 35 миллиаттага мансуб профессор-ўқитувчи дарс бермоқда. Ушбу олий ўқув юртлари раҳбарлари – ректор, проректор, декан ва кафедра мудирлари таркибида эса, ўзбекларни ҳисобга олмагандা, 16 миллиаттага мансуб 307 киши фаолият олиб бормоқда”<sup>175</sup>.

Таълим тизимидаги тарли миллиатта мансуб талабаларнинг миқдори ушбу халқ вакилларининг аҳолининг умумий сонидаги улушига мос келиши ҳам мазкур соҳадаги адолат мезонларидан биридир. З. Ҳусниддинов таъкидича, республикамиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 50 дан ортиқ миллиаттага (ўзбеклар бундан мустасно) мансуб талабалар умумий талабалар сонининг 21.2 фоизини ташкил этади. Термиз давлат университети, Шарқшунослик, Темир йўл транспорти, Тошкент вилоят педагогика институти, Электротехника ва алоқа, Жисмоний тарбия, Авиация институти каби бир қатор олийгоҳларда эса ўзбек бўлмаган ҳалқлар вакилларининг талабалар таркибидаги улуши бундан ҳам юқори бўлиб, таҳминан 32-45 фоизни ташкил этади<sup>176</sup>.

<sup>174</sup> Қаранг: В XXI веке на Земле исчезнут 3400 языков. // «Зеркало XXI», №13 (221), 2004.

<sup>175</sup> З. Ҳусниддинов. Ўзбекистон Республикасида миллиатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик. //Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик – тараққиёт омили. – Т.: 2001. – 6-7 б.

<sup>176</sup> Қаранг: Ўша манба. – 7 б.

Олий ўқув юртларида ўқиши миллий тилларда олиб борилувчи маҳсус факультетларнинг борлиги ҳам турли миллат ва элат вакйлларининг таълим соҳасидаги эҳтиёжларини қондириш йўлида олиб борилаётган амалий ишлар натижасидир. Хусусан, республикамиз олий ўқув юртларининг 5 тасида рус филологияси факультети ва яна 5 тасида рус тили ва адабиёти бўлими фаолият кўрсатаётгани фикримизнинг далили бўла олади.

«Айни пайтда, 5 та олий ўқув юртида қозоқ тили ва адабиёти факультети, шунингдек, Жиззах давлат Педагогика институтида математика-информатика ҳамда педагогика ва Бошлангич таълим услубиёти мутахассисликларининг қозоқ бўлимлари мавжудлигини ҳам таъкидлаш зарур. Иккита олий ўқув юртида тожик тили ва адабиёти ҳамда тожик тилида Бошлангич таълим услубиёти бўлимлари ишлаб турибди.

Мустақиллик шарофати туфайли туркман ва қирғиз тилида таълим олиб борилувчи мактабларнинг ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ҳам имконият яратилди. Қорақалпоқ давлат университетида 1992 йилдан туркман филологияси ташкил этилган бўлса, 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб эса Андижон давлат университетида қирғиз тили ва адабиёти бўлими ўз фаолиятини бошлади.

Умуман олганда, қардош тилларда фаолият кўрсатаётган жами 20 факультет ва бўлимнинг 6 таси, яъни 30 фоизи мустақиллик шароитида ташкил этилганини таъкидлаш зарур. Ушбу рақамлар ҳам, мустақиллик шароитида фуқароларимизнинг ўз она тилларида таълим олиш имконияти нақадар ўсганини кўрсатади.

Таълим тизимида ўрта маҳсус ўқув юрти, лицей ва коллежлар муҳим ўринни эгаллайди. Шундай экан, бу соҳадаги жараёнларни миллийлик призмаси орқали қараб чиқиш ҳам муҳимдир. «Республикамизда фаолият кўрсатаётган ўрта маҳсус ўқув юрти, лицей ва коллежларда меҳнат қилаётган ўқитувчиларнинг 22.3 фоизи бошқа миллат вакиллари»<sup>177</sup>.

Мамлакатимизда таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан ташқари рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида ҳам олиб борилмоқда. Ушбу мактабларни давр талабига жавоб берадиган дарслеклар билан таъминлаш ҳам ҳукуматимизнинг доимий дикъат эътиборидадир. Биргина 2000 йилда 385 номда ва 25 млн. нусхада мактаб дарслеги, 3 млн. нусхада болалар, педагогик, илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, тиббий адабиётлар ўқувчиларга тортиқ қилингани ҳам фикримизнинг далили бўла олади<sup>178</sup>.

Бундан ташқари бошқа миллат вакиллари бўлмиш ватандошларимиз фуж бўлиб яшайдиган худудларда улар тилидаги боғчалар, мактаблар тизи-

мини ривожлантириш, уларни педагогик кадрлар ва зарурий ўқув дастурлари ҳамда дарслеклар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шундай бўлсада, миллий истиқлол гоясини турли миллатга мансуб ўқувчи ва талаба ёшларимиз ўртасида тарғиб қилиш борасида алоҳида эътибор талаб қиласиган масалалар ҳам мавжудлигини қайд этиш лозим. Уларнинг кўламини эса қўйидагиларда ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти томонидан 2001 йилда «Миллий истиқлол гояси» туркумida нашр этилган ва кенг китобхонлар оммаси, шу жумладан, тарбиячи ва ўқитувчиларга ҳам мўлжалланган 20 дан ортиқ рисола чоп этилгани таҳсинга лойиқ. Бироқ улардан бор йўғи 2 таси рус тилида, «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан шундай ниятда «Воизга ёрдам» рукнида чоп этилган 10 дан ортиқ рисола эса фақат ўзбек тилида ёзилган.

Мазкур ҳолат биринчидан, миллий истиқлол гоясини турли миллатга мансуб фуқароларимиз ўртасида бирдек тарғиб қилиш имконини бермайди.

Иккинчидан, бошқа тилларда таълим берувчи тарбиячи ва ўқитувчилар миллий истиқлол гояси моҳиятини чуқурроқ англаб етишлари, ёшлар орасида гоявий тарбияни тўғри ташкил этишларига кўмаклашувчи қўшимча манбаларга эга эмасликларини кўрсатади.

Учинчидан, рус тилида нашр этилган китобларнинг муаллифлари ҳам ўзбеклар эканини инобатга оладиган бўлсак, «Идея национальной независимости: основные понятия и принципы» рисоласида ёритилган асосий фикрларни чуқур ўзлаштирган, русийзабон аҳоли менталитети, дунёқарашига хос ҳусусиятларни биладиган, юқори методик ва назарий тайёргарликка эга муаллифлар гуруҳини шакллантириш, уларнинг салоҳиятидан фойдаланган ҳолда мазкур йўналишдаги кемтикларни мумкин қадар тезроқ бартараф этиш зарурлиги англашилади.

Миллий тил, маданият миллатнинг ўзлигини, этнослар ҳамжамиятида тутган ўзига хос ўрнини кўрсатувчи муҳим омиллардан биридир. Айни пайтда, улар миллатни бирлаштирувчи асоскор (фундаментал) ҳодисалардан ҳисобланади. Уларнинг ичидаги эса ҳалқнинг тарихи, миллий онги ва дунёқараши акс этган тил алоҳида ва ўзига хос ўринга эга.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мустақиллик миллий ҳаётда мутлақо янги бўлган “якшанба” мактаблари каби ҳодисанинг пайдо бўлишига замин яратганини таъкидлаш зарур. Чунки, айнан якшанба мактаблари республикамизда истиқомат қилувчи диаспоралар вакилларига ўз она тиллари, миллат тарихи ва маданиятини ўрганиш учун имконият яратиб бермоқда. Шунинг учун ҳам, миллий - маданий марказлар томонидан ташкил этилган бундай мактаблар фаолияти диаспоранинг

<sup>177</sup> Қаранг: Ўша манба. – 7 б.

<sup>178</sup> Қаранг: Бахтиёр Омон. Нотиқнинг нуфузи. – Т.: «Маънавият», 2001. – 6 б.

ёшу қариси томонидан фаол құллаб-кувватланмоқда. Бу «якшанба» мактабларининг кенг тармоги шаклланиб бораётганида ўзинйнг ёрқин информациини топмоқда.

Умуман олганда, миллий-маданий марказларни шартли рациональда 2 гурухға бўлиш мумкин. Биринчи гурухга республикада таълим олиб бориладиган тиллар билан боғлиқ миллий-маданий марказлар киради. Хусусан, рус, тоҷик, қозоқ, қирғиз, туркман миллий-маданий марказлари шулар жумласидандир. Иккинчи гурухга таълим олиб борилмайдиган 21 миллат вакилларининг миллий-маданий марказлари киради. Шундай экан, миллий-маданий марказлар олдиғаги вазифалар бир-биридан озми-кўпми фарқ қилишини англаб етиш мумкин. Биринчи гурухда кўпроқ миллий урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган бўлса, иккинчи гурухга киравчи миллий-маданий марказлар фаолиятида миллий тилни сақлаб қолиш, ривожлантириши асосий ўринлардан бирини эгалламоқда.

Поляк, арман, грек, грузин, украин, дунган ва бошқа бир қатор миллий-маданий марказлар қошида ташкил этилган «якшанба» мактаблари ана шундай вазифани муваффақиятли ҳал этиб келмоқда. Вақт ўтиши билан ушбу мактаблар фаолияти такомиллашиб, серқира характеристер касб этиб бормоқда.

Масалан, 1993 йилдан бўён фаолият кўрсатиб келаётган арман миллий-маданий маркази қошидаги «якшанба» мактабида бугунги кунда арман тили ва адабиёти билан бир қаторда халқ хореографияси ва фольклоридан белугу асосда 8 ўқитувчи 7 ёшдан 24 ёшгача бўлган 216 кишига таълим бермоқда<sup>179</sup>.

1991 йилдан Яккасарой туманининг 72-ўрта мактабида фаолият кўрсатадиги эса доимий асосда 4 гурух таҳсил олиб келмоқда. Бошқаларидан фарқли ўлароқ бу мактабда студентлар гурухи ҳам мавжуд бўлиб, унда Польша олий ўқув юртларига киришни хоҳловчилар таҳсил олишади. Улардан Польша олий ўқув юртларидан келган профессорлар кириш имтиҳони қабул қиласидилар. Муваффақиятли имтиҳон топширган 5-8 ўқувчи ҳар йили Польша олий ўқув юртларида ўқиши хукуқини кўлга киритмоқда.

Тошкент шаҳридаги 110 мактаб - лицеїда украин тилини ўрганувчилар учун ташкил қилинган «якшанба» синфида эса 40 киши таҳсил олмоқда. 2002 йилда уни битирган 3 ўқувчи Украина (Киев Миллий

<sup>179</sup> Бу ва кейинги ўринларда келтирилган «якшанба» мактабларига оид рақамлар Республика байналмилал маданият марказининг 2003 йилдаги маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

университети, Киев Медицина ва Запорожье Политехника институтлари)га ўқишига кирган.

Тошкент шаҳар грек миллий-маданий марказининг 1994 йилдан фаолият кўрсатадиган «якшанба» мактабида бугунги кунда 189 ўқувчи таҳсил олаётган бўлса, уни битирганлардан 5 киши бугунги кунда Греция олийгоҳларида таълим олмоқда. Шунингдек, марказ қошида грек тилини ўрганишни хоҳловчилар учун маҳсус кечки курслар ҳам ташкил этилган.

П.Ким ва С.Юсупова таъкидича, 1989 йилдаги аҳолини ҳисобга олиш 229 мингдан ортиқ корейсларнинг 99 фоизи она тилида ўқиши ва ёзиши билмаслигини кўрсатган. 1992 йилда биринчи марта бундай ҳолатни бартараф қилиш йўлида ҳаракат бошланди. Корейс миллий-маданий марказлари қошида корейс тилини ўрганиш курслари ташкил этилди. Мазкур курсларни дарсликлар билан таъминлаш мақсадида Корея Республикасидан 15550 нусхада ўқув қўлланмалари олинди. Шу йўл билан 1995 йилгача барча корейс маданий марказлари зарур ўқув қўлланмалири билан таъминланди<sup>180</sup>.

Бунинг натижаси ўлароқ бугунги кунда она тилини ўргатувчи синфларнинг энг кўп миқдорига корейс маданий марказлари Ассоциацияси эга дейиш мумкин. Корейс тилининг иккинчи хорижий тил сифатида ўқув дастурларига киритилгани ҳам бунга муайян даражада йўл очиб берди.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри ва вилояти бўйича бундай синфларда 1140 киши таълим олмоқда. Мактабларда таълим олувчиларнинг 72 фоизи корейслар бўлса, 10 фоизини ўзбеклар, 18 фоизини бошқа миллат ва элат вакиллари ташкил этади.

Бугунги кунда республика бўйича жами бўлиб 99 та ана шундай мактаблар ташкил этилган бўлиб, уларда 7387 киши таълим олмоқда. Шунингдек, Тошкент давлат педагогика университети, Жаҳон тиллари университети ва Шарқшунослик институтининг корейс филологияси факультетларида жами 560 талаба корейс тилини ўрганмоқда.

Мазкур мисоллардан ҳам кўриниб турибди, миллий-маданий марказлар қошида ташкил этилган якшанба мактаблари унтуилаётзган ўз миллий тилларини диаспора вакилларига ўргатиш билан бир қаторда этник мансублигидан қатъи назар, ушбу тилни ўрганишни истовчиларга ҳам кўмаклашиб келмоқда. Бу ўз навбатида ушбу миллатларнинг тарихий ватанларидаги олий ўқув юртларида таҳсил олиш учун имконият яратмоқда. Бугунги кунда Польша, Греция, Украина олийгоҳларида поляклар, греклар, украинлар билан бир қаторда ўзбеклар ва бошқа миллатлар вакиллари ҳам таълим олаётгани фикримизнинг далили бўла олади.

<sup>180</sup> Қаранг: Ким П., Юсупова С. Корейская диаспора в Узбекистане. // Узбекистон миллатлараро ҳамжиҳатлик йўлида. – Т.: «Университет», 1996. – С. 155-156

Кам сонли диаспораларнинг ўз тиллари, тарихи ва маданиятини ўрганиши ҳақида гап кетар экан, мамлакатимизда яшовчи яхудийлар учун ҳам шундай имконият яратилганини, улар учун маҳсус, алоҳида мактаблар фаолият кўрсатаётганини таъкидлаш зарур. Хусусан, Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида иврит тили, яхудий халқи тарихи, маданияти ўрганила бошлангани мустақиллик берган ана шундай имконият натижасидир. “Бухоро шаҳар ҳокимлиги марказимиз илтимосини ҳисобга олиб, – деб ёзди Бухоро вилоят яхудийлар миллый-маданий маркази раиси А.Ёкубов, – яхудийларнинг фарзандлари учун алоҳида мактаб ташкил этган. 200 га яқин бола бу ерда умумтаълим фанлари билан бир қаторда иврит тилини, яхудийлар урф-одатларини, маросимларини ўрганадилар”<sup>181</sup>.

Юқорида қайд этилган ва шартли биринчи гурухга кирувчи миллый-маданий марказлар ҳам маданий-маърифий дастурларни амалга ошириш билан бир қаторда, уларнинг тилларида мамлакатимизда таълим олиб борилишидан қатъи назар, бу соҳада ҳам ўз ўринларини топишга ҳаракат қилимоқдалар. Масалан, республика рус миллый-маданий маркази Россиядаги олийгоҳларда таҳсил олишга қизиқишининг кучлилиги ва абитуриентларнинг кириш имтиҳонларини топшириш учун у ерга боришлиари қийинлигини инобатга олиб, мана бир неча йилдирки, Россия олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари дастури бўйича ишловчи тайёрлов курслари ташкил этган. “Бу тадбирнинг ўтказилишидан мақсад, имтиҳонни мудавфақиятли топширган абитуриент Россиянинг уёки бу олий ўқув юртига қабул қилинишига қатъий ишонч билан бориши керак. Бу ерда абитуриентларга ҳеч қандай истиснолар йўқ, асосий мезон қилиб билим даражаси белгиланган”<sup>182</sup>.

Юқоридаги мисоллар ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини рӯёбга чиқариш, ҳар бир фуқаро ўз она тилини эркин ва тўсиқларсиз ўрганиш ҳуқуқига эга эканидан келиб чиқсан ҳолда, бошқа миллатлар ва элатлар тилларида мактабгача тарбия, мактаб таълими, ўрта маҳсус ва олий таълимни уларнинг эҳтиёжлари ва мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб ташкил этишга қаратилган миллый сиёсатимизнинг асосий тамойилларидан бири ҳаётда ўзининг реал ечимини топаётганининг нишонасидир.

<sup>181</sup> Ёкубов А. Ягона оила фарзандларимиз. // Миллый гоя – бизнинг гоя. – Т.: 2001. – 57 б.

<sup>182</sup> Зинин С. Русский культурный центр в Узбекистане. // Узбекистан на пути международного согласия. Сб. статьей. – Т.: «Университет», 1996. – С. 129

### VIII боб.

#### ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИГА ТАЪСИРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Миллый истиқлол мафкураси, шу жумладан, миллатлараро тотувлик фоясининг кишиларимиз онгидан жой олиши ва фаолият дастурига айланиши хилма-хил омилларга боғлиқ. Бу жараёнда оммавиий ахборот воситалари улкан ва ўзига хос ўринни эгаллади.

Аввало, шуну алоҳида таъкидлаш зарурки, кишилар онги ва тафаккурида хукмронликка эришиш ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, геостратегик манбаатларни рӯёбга чиқаришнинг энг самарали йўли сифатида кенг тан олиниши мафкуравий жараёнларнинг умуминсоний(глобал) миқёс касб этишига олиб келди.

Глобаллашув, бир томондан, мафкуравий жараёнларга барча халқлар, ер юзининг барча минтақалари тортилганида кўринса, иккинчи томондан, ахборот инқилоби оқибатида дунёнинг турли нуқталарида яшаётган кишилар, халқларда муайян мақсадларга йўналтирилган социал тасаввурлар, қадриятлар тизимини шакллантириш, уларнинг ижтимоий мўлжаллари, фаолият дастурларини белгилаб бериш, таъсир қилишининг кенг миқёс касб этганида кўринади. Бу жараён мафкуравий таъсир ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлар касб этишига олиб келмоқда.

Муайян гурух, халқ, жамиятни мафкуравий таъсир доирасига тортишга уринишлар ҳамма вақт бўлган. Тарихга назар ташласак, бу жараён жамият ривожлана бориши билан бирга чукурлашиб, кенг қамровлилик касб этиб борганини кўрамиз. Масалан, бундан 20 йил олдинги ва ҳозирги даврдаги мафкуравий таъсир ўтказишнинг хусусиятлари ўртасида кескин фарқ бор.

Бу ўзига хосликлар биринчидан, мафкуравий таъсир ўтказиш жараёни тезкор ва катта шиддат билан кечётганида кўринмоқда. Бу шиддатлилик муайян мафкуравий қадриятларни яшин тезлигида оммалаштириш, тарқата олиш имкониятини яратган, ер юзининг турли бурчакларида дунёга келаётган гояларни миллионлар дунёқарашининг узвий қисмига айлантираётган матбуот, радио, телевидение, кинематограф каби ижтимоий ҳодисаларнинг тараққиёти туфайли содир бўлмоқда.

Иккинчидан, мафкуравий таъсир жараёни кенг қамровлилик касб этмоқда. Бу мафкуравий таъсирга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари, аҳолининг турли қатламлари тортилганида яққол кўринади. Бу жараён шунчалик кучлики, бугунги кунда жамият ҳаётининг бирор бир соҳасини мафкуравий таъсирдан ташқарида тасаввур қилиш қийин.

Учинчидан, мафкуравий таъсир олдинги даврлардагидек стихияли тарзда кечётганий йўқ. Бугунги кунда у онгли равишида, аниқ белгиланган мақсадларга эришиш йўлида, ҳар томонлама ва пухта ишланган режа асосида амалга оширилмоқда. Бу жараёнда хилма-хил институтларнинг изчили тарздаги иштироки ҳам таъминланмоқда. Ана шундай шароитда давлатлар мафкуравий тарбияни тўғри йўлга қўйиш ва хилма-хил фоявий таъсирларнинг олдини олишни ўз сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгилашга мажбур бўлмоқда.

Тўртинчидан, мафкуравий таъсирни амалга оширишида нодавлат, ноҳукумат ташкилотларнинг роли кескин даражада ўсиши кузатилмоқда. Буни турли диний экстремистик ҳаракатларнинг бутун бир минтақаларда ўз таъсир доираларини кучайтириш йўлидаги уринишлари мисолида кўришимиз мумкин.

Мафкуравий жараёнларнинг характеристи кишилар қалби ва онгини эгаллаш фоявий курашнинг бош мақсадига айлангани билан белгиланмоқда.

“Бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар ер куррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қиласди. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим”<sup>183</sup>.

Масаланинг моҳиятини тушуниш учун фоя ва онг муносабатига дахлдор бўлган қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш зарур. Муайян фоя инсон томонидан қабул қилинмаслиги ёки у шахс онгига фақат муайян ахборот сифатида сақланиб қолиши мумкин. Биринчи ҳолатда фоя инсон онгига ҳеч қандай из қолдирмаса, иккинчисида фоя шахс учун ҳеч қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлмайди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган “инсон қалби ва онги учун кураш” деган формулада фоя ва онг муносабати шарқона фалсафий тафаккур асосида ифодалаб берилган. Фоя фақатгина инсон қалбини эгаллаган, инсон маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айлангандагина ҳара-

<sup>183</sup> Каримов И.А. Миллий истиқол мафкураси ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. // Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. – 490 б.

катга даъват этувчи, рагбатлантирувчи кучга, ҳаракат учун қўлланмага айланади. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда инсон қалби орқали унинг онгини эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда кишиларнинг онги ва қалби турли фояларни синаш майдонига, бошқача айтганда, мафкуравий полигонга айланниб қолмоқда.

Полигон (грек. серқирра) ҳарбий термин эканига ўрганиб қолганимиз. Одатда, полигон деганда қурол-аслаҳа ва техникани синаш, кўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ёки ҳарбий соҳада тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган маҳсус майдон тушунилади<sup>184</sup>.

Тарих ўзга худудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуроллари узлуксиз такомиллашиб борганини кўрсатади. У найзалардан тортиб автоматик қуролларгача, замбараклардан тортиб Ер юзининг ҳар қандай нуқтасига бехато етиб борадиган қитъалараро баллистик ракеталаргача бўлган узоқ такомил йўлини босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олиниши керак бўлган худудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Бугунги кунда эса, ўзга худудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини маҳб этиш шарт эмас. Зоро, онги ва шуури забт этилган, қарааш ва кайфиятлари “марьқул” йўналишга ўзгаририлган ерлик аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз ичидаги ўзларининг файрийсломий фояларни тарқатишга ҳаракат қилган кимсалар ана шундай гаразли мақсадларни, яъни ёшлиарни чалғитиши, улар ёрдамида мамлакатни ўз тараққиёт йўлидан четлатиб юборишни кўзда тутган эдилар. Чет элларда “таълим” олган ваҳҳобийлар, шунингдек “ҳизбут таҳрир”чиларнинг ёшлиаримизнинг онгини заҳарлаш йўлидаги ҳаракатларини ҳам айнан шундай баҳолаш мумкин.

“Юқоридагилардан кўриниб турибдики, маълумотлар аспи бўлган XXI асрда психологияк урушларнинг ўзига яраша ўрни ва таъсири бор. Улар аксарият ҳолларда ёшлиар аудиториясига қаратилганлиги билан характерланади. Чунки бундай урушнинг моҳияти рақибни осон йўл билан қаршиликсиз енгишдир. Яъни, маълумотлар оқими шундай етказиладики, маълумотни қабул қилувчи қаршилик кўрсатиш бемаъни иш эканлигига ишониб қолади. Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали атайлаб қарама-қарши характеристидаги маълумотлар пойма-пой бериладики, бу ҳам охир-оқибат одамларнинг маънавий идроки сусайишига олиб келади. Демак, бу ҳаракатларнинг барчаси тингловчи, томошабин ёки ўқувчининг фикрини ўзгаришишга қаратилган”<sup>185</sup>.

<sup>184</sup> Қаранг: Военный энциклопедический словарь. – М.: «Военное издательство», 1984. – С. 570

<sup>185</sup> Каримова В. Миллий истиқол фоясини ўзлаштиришга шахсдаги мустақил фикрларнинг таъсири. // Миллий истиқол фояси тарғиботининг илмий асослари. – Т.: 2002. – 5 б.

Бугунги қунда мафкура полигонларида у ёки бу гурұхлар, давлаттарнинг манфаатларини ифода этаётган, эң оқыл фоя сифатида тақдим этилаётган фоялар синовдан ўтказилмоқда деб ишонч билан айтиш мүмкін. Айнан улар ёрдамида кишиларни маънавий-мафкуравий тобе ва пировард натижада буткул қарам қилиб олиш кўзланади.

Шундай шароитда моҳиятан файриинсоний бўлган фояларга қарши турла олиш учун кишиларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш марказий масалалардан бирига айланмоқда.

Иммунитет муайян ҳимоя демакдир ва у ниманингдир олдини олишга, унга қарши курашга қаратилган бўлади. Шундай экан, ушбу тушунчани “маънавий иммунитет” ва “фоявий иммунитет” каби шаклларда ишлатиш ўринсиз. Масалан, «маънавият» тушунчаси ўз мазмунига кўра фақат ва фақат ижобий мазмунга эга. Демак, “маънавий иммунитет” тушунчасини ишлатиш ўринсиздир. Чунки маънавиятнинг ўзи ўзига хос иммунитет тизими демакдир.

Фояни тан олиш ёки тан олмаслик, рад этиш мүмкін. Айни пайтда, фояга қарши фақат фояни қўйиш мүмкін. Айтайлик, диний мутаассилярнинг “ўрта асрларга қайтиш ва у даврдаги давлат тизимини тиклаш” фоясига “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” фоясининг қарши қўйилишининг ўзи юқоридаги бузгунчи фоя кириб келишига тўскїнлик қила олмайди. Жамиятнинг тараққиёт йўлини белгилаб берадиган фоявий қурашлар тизими – мафкура орқалигина бундай фояга қарши кураша олиш мүмкін. Айнан мафкура, фоя эмас, ўзининг ҳаракатчанлиги билан ўзгарувчан хавфларга мослаша олади, янгидан юзага келаётган фоявий таҳдидларга нисбатан мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаб боради. Бундай ёндашувнинг ўринли экани мафкуравий иммунитет тушунчасининг мазмуний доираси аниқ белгилаб олингандা янада ойдинлашади.

Иммунитет (лат. *immunitas* – озод бўлиш, қутилиш) деганда тиббиётда организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли хусусиятларга эга таъсиrlардан, уни ташқи инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади. Иммунитет киши вужудининг турли инфекцион касалликларга берилмаслик хусусиятини ҳам ифодалайди<sup>186</sup>.

Инсоннинг турға бўлган ана шу умумий иммунитет тизимидан фарқли ўлароқ мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш зарур. У ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга бўлади ва мафкуравий дахлсизликни таъминлашга (иммунитетга эга бўлмаган чақалоқларнинг узок яшай олмаслигини эслайлик) хизмат қиласи.

<sup>186</sup> Қаранг: Малая медицинская энциклопедия. Т. 2. - М.: 1991. - С. 26

Мафкуравий иммунитет тизимининг, асосий ва биринчи унсури, бу билимдир. Аммо билимлар кўп. Буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси ва амалиёти тарафдорлари ҳам муайян “билим”ларга таянадилар ва уни сингдиришга ҳаракат қиласидилар. Демак, мафкуравий иммунитет тизимидағи билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятнинг бойиши ва жамият тараққиётiga хизмат қилиши лозим. Бу бир томондан. Иккинчи томондан, бу билимлар ўз моҳият эътиборига кўра, Ватан, миллат, инсоният манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий унсури ана шундай билимлар замирида шаклланадиган баҳолар, қадриятлар тизими. Билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган баҳолар, қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва мафкуравий инфекциялар йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қиласи. Аммо билимлар ва қадриятлар тизими ҳам мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зоро, бу икки унсур мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим унсури ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий - маърифий соҳалардаги мўлжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқ. Ана шундай аниқ тизим бўлмас экан, хоҳ алоҳида инсон, хоҳ миллат ёки жамият бўлсин, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазиқларга бардош бериши амри маҳолдир.

Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ёт фоялар кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишига қаратилган чора - тадбирлар мажмунини ўз ичига оладиган мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Мафкуравий профилактика ижтимоий институтлар томонидан хилма-хил шаклларда амалга ошириладиган фоявий-тарбиявий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ишлар мажмунини, бир сўз билан айтганда, тўғри ташкил этилган бутун тарбия тизимини қамраб олади. Бу жараёнда омманинг руҳиятига таъсиr этадиган ва муайян тарзда танлаб олингандар мухим ўринни эгаллади.

“Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан хукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишига қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар”, — деб ёзади Президентимиз. Шундай экан, вояга этаётган ҳар бир фарзандимизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, бир сўз билан айтганда, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ва-

тан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашимизнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

Ана шу вазифаларни ҳал этиш йўлида, юқорида таъкидланганидек, оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнайди. Чунки, улар биринчидан, ижтимоий ҳаётдаги муайян воқеа, факт, ҳодиса, муаммолар юзасидан ахборотни етказиб бериш орқали, унинг жамият учун муҳим аҳамиятга эга эканини, кенг аҳоли қатлами учун долзарблигини таъкидлади. Ахборот оқими ҳажман кент, мазмунан хилма-хил, узатилишига кўра тезкор бўлган бугунги кунда бу жараён янада чукурлашиб бормоқда. Иккинчидан, оммавий ахборот воситалари муайян хабарни узатиш ёки бирор бир гоянинг моҳиятини очиб бериш орқали унинг ўзлаштирилишига, кишилар онгида барқарор тасаввурлар, образлар, қадриятларнинг шаклланишига кўмаклашади. Бошқача айтганда, ижтимоий фикрга доимий ва изчил таъсири ўтказиш, уни шакллантира олиш имкониятига эгадир.

“Хозирги замон кишиси шундай улкан ахборотлар уммонига кўмилганки, инсоннинг у ёки бу фаолиятининг муваффақиятли бўлишини таъминлаш учун бу билимлар билан иш кўраётган кишиларга улар тушинарли бўлиши керак”<sup>187</sup>. Яна бир ҳолатга алоҳида эътибор бериш лозим. У ҳам бўлса, узатилаётган ахборотларнинг объективлиги масаласидир. Ахборотнинг объектив эмаслиги биринчидан, уларга ишончсизликнинг шаклланишига олиб келади. Иккинчидан, нотўғри тасаввурнинг илдиз отишига ва жамиятда кечайётган жараёнларнинг моҳиятини тушинасларга сабаб бўлади.

Шундай экан, бугунги кунда газеталаримизда босилаётган айрим материалларнинг саёзлиги гоявий тарбия жараёнинга хизмат қилмайди, албатта. Газета, журнallарнинг сони, уларнинг ҳажми, тиражи, телевидение ва радионинг эфир соатлари, дастурларининг сони ва ҳоказоларнинг миқдорий характеристикиси бу жараён самарадорлигини кўрсатувчи асосий мезон бўла олмайди. Манбаларда бугунги кунда республика мизда мавжуд газеталар умумий сонининг 54,4 ва журналларнинг 78,1 фоизи мустақилликка эришганимиздан кейин чоп этила бошлагани қайд этилади<sup>188</sup>. Демак, энг аввало улар сонининг ўсиши мустақиллик шарофати экани шубҳасиз. Айни пайтда, бозор муносабатлари шароитида у ёки бу газета, журнал унга эҳтиёж бўлган, ўз ўқувчисига эга бўлган тақдирдагина чоп этилишини унутмаслик керак. Мавжуд нашрлар у ёки бу даражада ўз муштариylariga эга экан, уларда аҳоли турли қатламла-

<sup>187</sup> Гусев С.С., Тульчинский Г. Л. Проблема понимания в философии. — М.: «Политиздат», 1985. — С.130.

<sup>188</sup> Қаранг: З. Ҳуснидинов. Ўзбекистон Республикасида миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенглик. // Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тараққиёт омили. — Т.: 2001. — 8 б.

ри қизиқишлини қондирадиган хабар ва материалларнинг берib бориши долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Тарих ўзи ва теварак-олам ҳақида кўпроқ ахборотга эга бўла бошланган инсон уларни сақлаш, узатишни доимий такомиллаштириб борганини кўрсатади. Бу йўлда дастлаб ёзувни, сўнgra кўлёзма китобни ўйлаб топган инсон китоб чоп қилишни йўлга кўйиш билан бу жараённинг қамрови ва тезлигини янада оширди. Мазкур мисоллар ҳам инсоният ўз ҳаётининг бурилиш нуқталарида ахборотни сақлаш ва узатишнинг янгидан-янги шаклларини топганини исботлаб турибди. Демак, “ахборот портлаш”ини юзага келтирган инсон ўзи ишлаб чиқараётган ахборотни янада кўпроқ ва самаралироқ “ҳазм” қилиш, ахборотнинг глобаллашуви билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишининг оптималь йўлини ҳам топади.

“Аслида ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратадиган жараёндир”<sup>189</sup>. Таҳлил ана шундай жараёндан мафкуравий таъсири ўтказиши мақсадида ҳам усталик билан фойдаланилаётганини кўрсатиб турибди. Тадқиқотчиларнинг ҳақли таъкидича, турли даражадаги сиёсий кучлар оммавий ахборот воситаларига нафақат информация, балки муайян фоя, дунёқарашни сингдирувчи мафкуравий назорат куроли сифатида қарамоқдалар. Оммавий ахборот воситаларининг мафкуравий таъсири жамият аъзоларидан тизимли равишда информаянинг муайян қатламини яширишда, уларнинг муҳокама обьектига айлантирмасликка итилишда ҳам кўринади<sup>190</sup>.

Таҳлил оммавий ахборот воситаларининг турли гояларни тарқатиш, кишилар онигига сингдиришдек улкан имкониятларидан миллатлараро муносабатлар, унда кечайётган жараёнларга таъсири ўтказишида ҳам усталик билан фойдаланилаётганини кўрсатади. Хусусан, мамлакатимиз халқлари ҳаётида бўлаётган ўзгаришларга бўлган баразли муносабат, берилаётган бир ёқлама баҳолар бунинг исботи бўла олади. Бу жараёнда бир қатор масалаларга алоҳида эътибор берилиб, гоявий кураш асносида бузуб талқин қилинаётганини таъкидлаш зарур. Айрим республикалардаги каби мамлакатимизда “давлат ҳудуди титул миллатнинг тарихий-генетик ҳудуди” деб эълон қилинмади. Аксинча, Ўзбекистон унинг ҳудудида яшаб келган барча миллатларнинг бирдай Ватани экани ҳақидаги фоя миллий сиёсатимизнинг ўзагини ташкил этди.

<sup>189</sup> Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: «Ўзбекистон», 2000. — 23 б.

<sup>190</sup> Тузиков А. Масс-медиа: идеология видимая и невидимая. // «Полис», 2002. №5. — С.124

Шунингдек, республикамизда баъзи мамлакатлардагидек титул бўлмаган миллатларнинг ҳақ-хукуқларини камситиш ва титул миллат хукуқлари устуворлигини таъминлаш йўлидан борилмади. Бу йўлда энг аввало фуқаролик тўғрисидаги қонун қабул қилинган вақтда мамлакатимиз худудида яшаган барча кишиларга фуқароликни қабул қилиш хукуқи-имконияти берилди. Ўзбекистон фуқаролиги паспортини олгунгача бўлган даврда асосли қарор қабул қилиш учун вақт-имконият ҳам яратиб берилди. Аммо, мазкур ҳолатни хориждаги айrim доиралар шу даврда мамлакат худудида яшаган барча кишилар, хоҳиш истагидан қатъи назар мажбурий равиша фуқароликка қабул қилинди деган маънода талқин қилишга уринмоқдалар.

Муайян умумий гоялар, қадриятларнинг мавжудлиги одамларнинг ўзаро муносабатларини ҳамиша тартибга солиб келган. Умумуминсоний қадриятларга асосланган миллий фоя ҳам кўп миллатли мамлакат учун бирлаштирувчилик ролини ўтайди. Бу “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” гоясига ҳам тааллуклидир. Аммо истак бўлса, ҳар қандай яхши ниятни унинг тескарисига айлантириш мумкин деганларидек, мазкур гояни ҳам “Буюк Ўзбекистон” маъносида талқин этиш ҳоллари учрамоқда. Табиийки, “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” гояси билан “Буюк Ўзбекистон” гояси ўртасида, таъбир жоиз бўлса, осмон билан ерча фарқ бор. Ана шундай талқиндан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолияти аксар ҳолларда минтақавий гегемонликка интилиш сифатида талқин этилмоқда. Бундай бузилган талқин айни пайтда, бир томондан, давлатлар чегараларини аниқлаш борасида айrim баҳсли масалаларнинг мавжудлигини Ўзбекистоннинг худудий жиҳатдан кенгайишга, иккинчи томондан, буюк аждодларимиз номларининг тикланиши, хусусан, Амир Темурга бўлган эътибор ҳам империячиликни орзу қилиш, унга интилишнинг гоявий-мафкуравий ифодаси деб баҳолаш асносида келиб чиқмоқда<sup>191</sup>.

Оммавий ахборот воситаларида Алишер Навоий асарлари, қараашларини тарғиб қилиш борасида олиб борилаётган ишларни ўзбек халқининг бошқа туркий халқлардан устунлигини асослашга хизмат қилувчи миллатчиликнинг намунаси сифатида тақдим қилиниши ҳам ана шундай файриилмий талқинлар жумласидандир<sup>192</sup>.

Гарчанд сўнгги йилларда барқарорлашган бўлсада турли омиллар таъсирида миграция жараёнлари давом этмоқда. У энг аввало ижтимоий-

<sup>191</sup> Қаранг: Бжезинский З. Великая шахматная доска. — М.: Международные отношения, 1999. — С.157-158; Тукумов Е. Казахи Узбекистана. // «Центральная Азия и Кавказ», №6, 2000. — С.218

<sup>192</sup> Қаранг: Марч Э. Идеология национальной независимости И. Каримова: обоснование и пропаганда. // «Центральная Азия и Кавказ», 2002. №6. — С. 104

иқтисодий омиллар таъсирида содир бўлмоқда. Қолаверса кимнинг қаерда яшаши ўз ихтиёрида. Шундай бўлсада, ушбу жараёнларни ҳам туб бўлмаган миллатларнинг сиқиб чиқарилиши сифатида баҳолашга интилиш ҳам мавжуд. Ваҳоланки, фактлар бунинг тескарисини кўрсатади. Умуман олганда, “ташқи миграция ўртача ҳисобда 1,04-1,8 баробаргача қисқарганини кўрамиз. Миграция рақамларига мамлакатимизда кўпчиликни ташкил этадиган миллатлар призмаси орқали қараладиган бўлса, у ҳолда четта чиқиб кетиши пасаяётгани янада яққол кўринади. Масалан, русларнинг четга кўчиб кетиши ўртача ҳисобда 1,2-1,3 баробарга қисқарган. Бундай тенденцияни айrim ўзига хосликлар билан украин, қозоқ, тоҷик, туркман, татар ва корейс миллатига мансуб фуқаролар мисолида ҳам кўришимиз мумкин”<sup>193</sup>.

Миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ жараёнларни бузиб талқин қилиш ҳақида гап кетар экан, яна бир ҳолатга диққатни қаратиш лозим. Маълумки, Орол фожиаси, кетма-кет содир бўлган кургоқчилик туфайли юзага келган сув танқислиги Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти аҳолиси турмуш даражасининг муайян даражада оғирлашувига олиб келди.

Оммавий ахборот воситаларини кузатиш айнан мана шундай объектив ҳолатдан ҳам миллий муаммо қидиришга интиладиганлар топилишини кўрсатмоқда. Хусусан, “Институт по освещению войны и мира” нинг 2002 йил 7 октябрда Интернетда берган материалида Ўзбекистон хукуматининг Қорақалпоғистондаги оғир вазиятга эътиборсизлиги, аҳолига ҳеч қандай амалий ёрдам кўрсатмаётгани ҳақида ёзилган. Реал аҳволдан бехабар ўқувчи ана шундай ахборотга таянган ҳолда хулоса чиқариши ҳеч гап эмас. Ваҳоланки, бу бир ёқлама ва нотўғри маълумотдир. Зоро, республикамиз хукумати Оролбўй минтақасида юзага келган вазиятни мумкин қадар юмшатишга интилиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Биргина Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир чоратадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида” маҳсус қарор қабул қилгани ва унда минглаб болалар, аёллар, кексаларнинг дам олиш оромгоҳлари, саноторий-курорт муассасаларида даволанишлари, уларнинг дам олиш жойларига ва у ердан ўз уйларига қайтишлари белуп асосда ташкил этилгани, кам таъминланган оиласларга кўрсатиладиган моддий ёрдам миқдорининг оширилгани, қўшимчалиш ўринлари ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш моят ва ласига алоҳида эътибор берилгани, сув тақчиллиги туфайлиси (81,8%) хўжалиги экинлари экиш имкониятига эга бўлмаган фўмуман олганда,

<sup>193</sup> З. Ҳуснiddинов. Ўзбекистон Республикасида миллатлар эзтлерадио” компаниясидан рикенглик. // Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тараққиёт

қон хўжаликлари учун олдин олинган кредитларни қайтариш муддати кечикирилгани, янги даволаш - профилактика марказларини қуриш каби масалаларни ҳал этиш кўзда тутилгани бундай ёндашувларнинг асоссиз эканини кўрсатади<sup>194</sup>.

Мустақиллик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, миллатлараро муносабатлар соҳасида ҳам янгиланиш ва юксалиш учун йўл очди. Айни пайтда, юқоридаги каби “таҳлилу-талқинлар” ҳам давом этаётган экан, мафкуравий тарбия ва тарғибот жараёнида уларнинг олдини олишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Бу жараёнда энг аввало, жойларда миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришга қаратилган ишларнинг ҳаётий ва мазмунан ранг-баранг бўлишини таъминлаш зарур. Чунки, ҳар бир инсоннинг ҳаёти конкрет бир ташкилот (ишхона, ўқув юрги) ва муайян яшаш жойи (маҳалла)да кечади. Айнан мана шу нуқталарда тарғибот ишларининг тўғри ташкил этилиши фуқароларнинг назария (сиёсат) ва амалиёт бирлигиги чуқур англашларига ёрдам беради.

Мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлардан, миллати, элатидан қатъи назар, барча фуқароларимиз тез, чуқур ва кенг хабардор бўлиб боришига эришиш лозим. Зоро, бу жараённинг мамлакат, юрт тақдирига дахлдорлик туйгусининг камол топишидаги ўрни бекиёсdir.

Шу билан бирга, жаҳон жамоатчилигига, миллий сиёсат, унинг моҳияти, тамойиллари, бу борадаги стратегик мақсад ва вазифалар, миллий маданиятлар ривожи, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик соҳаларида эришилган ютуқлар бўйича объектив ахборотларни вақтида етказиб бериш ҳамда Ўзбекистон миллий сиёсати назарияси ва амалиётини мамлакатдан ташқарида тўғри ва ўринли қабул қилишларига эришишдек муҳим вазифа ҳам борлигини таъкидлаш зарур.

Мазкур вазифалар мафкуравий тарбия жараёнида оммавий ахборот воситалари олдида турган масалаларнинг айримлари холос. Шундай бўлсада, улар ўзаро боғлиқликда ва тизимли олиб қарабандагина кўзланган мақсадга эришишга хизмат қиласди. Чунки, тарғибот муайян гоялар, қадриятларни тарқатиш, уларнинг мазмун-моҳиятини содда ва тушунарли тилда етказиб бериш орқали чуқур ўзлаштирилиши ҳамда барқарор тасаввурлар ва образларга айланишига эришиш демакдир.

Миллат маънавияти, маданияти ривожида, унинг давр билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлишида оммавий-ахборот воситалари, айниқса, газе-

<sup>194</sup> Қаранг: “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. // «Халқ сўзи», 9 июнь, 2001.

та ва журналларнинг ўрни катта эканини инобатга олиб, турли миллат ва элат вакилларининг оммавий ахборот воситаларини тузиш ҳамда фойдаланиш хукуқини рӯёбга чиқариш учун қуляй шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, мустақилликкача республика телевидениесида бор йўғи 2 канал фаолият кўрсатиб, жами 13,1 соат, шундан 9,82 соати ўзбек, 3,26 соати рус, қолган 0,02 соати бошқа тилларда олиб борилган. 2003 йилга келиб фаолият кўрсатаётган 4 канал (51,3 соат) ва вилоят телевидениеларининг (17,0 соат) умумий эфир ҳажми 68,3 соатга етди. Бу ўтган йиллар оралиғида, вилоят телевидениеларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, эфир ҳажми 5,2 баробарга ўси демакдир. Шундан ўрта ҳисобда бир суткада 47,3 соати ўзбек, 14,3 соати рус, 6,1 соати қорақалпок, 0,6 соати бошқа тилларда олиб борилмоқда. Мазкур рақамлар рус (4,4 баробар) ва бошқа тиллардаги (30 баробар) эфир ҳажми кескин ўсганини кўрсатади<sup>195</sup>.

Мустақиллик йилларида телевидениеда кўрсатувлар олиб бориладиган тиллар сони ҳам ўси. Телевидениеда ўзбек, қорақалпок ва рус тилларидан ташқари мамлакатимиз ҳалқларининг 7 тилда кўрсатувлар олиб борилмоқда.

Радиода содир бўлган ўзгаришлар бундан ҳам сезиларлидир. 1991 йилда радиодаги 3 каналда жами 48 соат эшиттириш олиб борилган бўлса, 2003 йилга келиб у 4 канал бўйича 73 соатга, вилоят радиоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда (18,2 соат) 91,2 соатга етди. Мустақилликкача ўзбек, қорақалпок ва рус тилларидан ташқари 3 тилда, ҳозир эса 6 тилда эшиттиришлар олиб борилмоқда. Рус тилида 1991 йилда ўртача бир суткада 4,8 соат, 2003 йилда эса 6,5 соатлик эшиттиришлар ташкил этилган.

Мустақиллик йилларида миллий тилларда ахборот узатиш ҳажмийнинг жиддий ўзгарганини қозоқ, тожик ва қрим татар тиллари мисолида ҳам қўриш мумкин. Ушбу тилларда 1991 йилда ўртача бир кунда жами 36 минутлик эшиттиришлар олиб борилган. Бугунги кунга келиб эса, вилоят радиоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, бу кўрсаткич 2,01 соатга етди. Айни пайтда, бу тиллар қаторига қирғиз, уйғур, бошқирдатар тилларидаги жами бир суткада ўртача 1,2 соатлик эшиттиришлар ҳам қўшилди.

Республикамизда турли ҳалқлар тилларидаги ахборот майдонининг реал аҳволини газета ва журналлар нашри мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 2003 йилда мамлакатимиздаги республика, вилоят ва туман даражасида чиқадиган жами 609 газетанинг 493 таси (81,8%) битта, 116 таси (18,2%) аралаш тилларда чоп этилган. Умуман олганда,

<sup>195</sup> Бу ва кейинги ўринларда келтирилган рақамлар “Ўзтелерадио” компаниясидан олинган маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқилди.

буғунги кунда, инглиз тилини ҳисобга олмаганды, республикамизда ўзбек, қорақалпоқ, рус, тоғик, қозоқ, қирғиз, туркман, корейс, украйн — жами 9 тилда газета чоп этилмоқда. Битта тилда чоп этиладиган газеталарнинг 81,5% (402 таси) ўзбек, қолган 18,5% (91 таси) бошқа тилларда нашр қилинмоқда<sup>196</sup>.

Айни пайтда, мамлакатимизда республика, вилоятлар даражасида 166 та журнал чоп этилаётган бўлса, шундан 43 таси (25,9 %) ўзбек, 7 таси (4,2%) рус, 4 таси (2,4%) қорақалпоқ, 1 таси (0,6%) тоғик тилида чоп этилмоқда. 111 та (66,9%) журналнинг ўзбек, қорақалпоқ, рус, тоғик, қирғиз, қозоқ, турк ва инглиз тилларида аралаш ҳолда нашр этилаётгани эса республикамизда яшовчи ва кўпчиликни ташкил этувчи миллатлар тилларида катта илмий ахборот майдони мавжудлигидан далолат беради.

Ушбу фактлар ҳам миллый сиёсатимизда мазкур соҳа ривожига алоҳида эътибор берилаётгани ва оммавий ахборот воситаларининг миллый ҳаётда ўзига хос ўринга эгалиги тўғри баҳоланганинг натижасидир дейиш мумкин. Зеро, оммавий ахборот воситалари маданий қадриятларни сақлаб қолиш, ривожлантириш ва яратиш жараённида иштирок этувчи, ушбу жараёнларнинг кечишига кучли даражада таъсир ўтказадиган қудратли воситадир. Шунингдек, турли миллатта мансуб фуқароларимиз улар ёрдамида мамлакатимиз ва ўз элатдошлари ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар билан мунтазам танишиб бориши имконига эга бўлмоқдалар.

Матбуот, радио ва телевидение ўзига хос усуулларда кишилар руҳиятига таъсир кўрсатувчи ва оммавий позитив кайфиятлар, тасаввурларнинг шаклланишига хизмат қилувчи муҳим механизм эканини ҳам инобатга оладиган бўлсак, миллый тилларда фаолият юритувчи оммавий ахборот воситаларининг миллатлараро тутувлик гоясини сингдиришдаги ўрни ва аҳамияти нақадар юқори экани янада ойдинлашади.

Шундай экан, хилма-хил қарашлар ва ёндашувларга кенг йўл очиб бериш, мамлакатда содир бўлаётган ўзгаришлар жараённига одамларнинг Ватан, миллат манфаатларидан келиб чиқиб онгли муносабатда бўлишларига эришиш ўйлида хизмат қилиш оммавий ахборот воситаларининг буғунги кундаги асосий вазифасидир. Ана шу вазифанинг муваффақиятли ҳал қилиниши оммавий ахборот воситаларини фуқароларимиз онгида миллатлараро тутувлик гоясининг устувор бўлишини таъминлаш ўйлидаги имкониятларининг воқеликка айланишига хизмат қиласи.

<sup>196</sup> Бу ва кейинги ўрингларда келтирилган рақамлар Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан олинган маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқилди.

## IX боб.

### МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ ВА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: МУАММОЛАР ВА ВАЗИФАЛАР

Инсон фарзандининг камол топишига турли ижтимоий омиллар таъсир кўрсатади. Улар ҳар бир тарихий даврда ўзига хос, аниқ харакатер касб этган ҳолда, шахснинг муайян типини шакллантиришга хизмат қиласи.

Кишилик жамияти тарихига назар ташласак, шахснинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатадиган омиллар ичida мафкура алоҳида ва ўзига хос ўрин эгаллаганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу юқорида бир неча марта қайд қилинганидек, унинг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги муайян билимлар, баҳолар ва улар замирида юзага келадиган мақсадлар тизими сифатида чиқиши билан белгиланади. Шунинг учун ҳам, мафкура шахснинг ижтимоий тасаввурлари, билимлари, қадриятлар тизими, ҳаётий мўлжалларининг шаклланишига кучли даражада таъсир кўрсатади. Шундай экан, мафкуравий тарбия, яъни шахс жамият ҳаёти, унинг тараққиёт қонунларини, кузатилаётган ҳодиса, жараёнларни нечогли тўғри ва тўлиқ тушуниши, ўринли ваadolатли баҳолаши, қандай мақсадларни кўзлаб фаолият олиб бориши масаласи ҳар доим ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб қолаверади.

Мафкураси бўлмаган ва унга асосланган тарбия тизимини яратмаган жамият йўқ, бўлмайди ҳам. У ёки бу мафкура расмий деб тан олинмаган, мафкуравий хилма-хиллик ҳукмрон бўлган мамлакатларда ҳам аслида ижтимоий ҳаёт, жараёнларга ёндашувнинг устувор бўлган тамойиллари, кишилар ўз фаолиятларида сўзсиз риоя қиладиган қадриятлар мажмуи борлиги аниқ. Жамият, миллат тараққиётининг истиқболлари тўғрисидаги мақсадларни ифодалаган дастурлар мавжуд. Улар ўз моҳият эътибори билан инсоннинг эркинлиги ва ҳукуқларини таъминлаш, шахснинг муайян типини камол топтиришга йўналтирилган.

Буларнинг барчаси мафкуравий тарбия тизимини шахс тарбиясининг узвий қисмига айлантишимиз зарурлигини яна бир карра исботлайди.

Миллий истиқлол гояси ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ҳақида гап кетар экан, бу жараён бир қатоғ ўзаро узвий боғлиқ жиҳатларга эга эканини қайд этиш лозим. Хусусан, жамиятимиз ҳаётини, миллий мансублигидан қатъи назар, барча фуқароларимиз онгида турли шакл ва шамойилларда учрайдиган истибдод даври асоратларидан қутилиш миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш учун йўл очадиган асосий шартлардан биридир. Миллий ҳаёт, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги жараёнларнинг кенг маънодаги ижтимоий муносабатлар таъсирида бўлиши, ундан ташқарида ривожлана олмаслиги инобатга олинса, миллий истиқлол гоясини кишиларимиз онгига сингдириш йўлида ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларнинг кўлами яққолроқ намоён бўлади.

Бу жараёнда Президентимиз асарлари ва маърузаларида кўп марта гапирилган, таҳлил этилган социал адолат ва миллий бирлик туйгусининг илдизига болта урадиган маҳаллийчилик ва уруг - аймоқчиликдек иллатга қарши курашиш асосий ўринлардан бирини эгаллаши лозим.

Маҳаллийчиликнинг олдини олиш ҳақида гапириб, “Биз маҳаллийчиликка, гуруҳбозликка чек қўйишимиз зарур, — деб таъкидлаган эди Президентимиз И.А. Каримов ёзувчилар билан бўлган учрашувда. — Бундай нарсаларни орамиздан кўтариб ташлашимиз керак. Бу ишимизга халақит беради. Дунёда ўзбек миллати битта. У хоразмликми, фарғоналикми, сурхондарёликми, фарқи йўқ — ўзбекдир”<sup>197</sup>.

Мустақиллик шароитида мустабид тузум даврида жиддий зарап етказилган оила ва қариндошлий муносабатлари соҳасидаги қадриятларнинг тикланиши мамлакатимиздаги маънавий-руҳий покланиш ва юксалиш жараённинг қудратли манбаларидан бири бўлиб қолмоқда. “Оила қадриятлари ва қон-қариндошлий муносабатларининг тикланиши ўз умрини яшаб бўлаётган оила-уруг муносабатларини абдийлаштиришни лозим, — деб ёзди Президентимиз, — балки ҳар бир оиласининг иқтисодий, маданий ва касб жиҳатидан эркин бўлиш имкониятини англатиши лозим”<sup>198</sup>. Ана шундагина шаклланган анъаналаримиз тараққиёт омилига айланади. Буни социологик тадқиқотларда иштирок этган респондентларнинг 80,1% миллий-фуқаролик позициясининг шаклланишига таъсир қиливчи омиллар ичida оиласининг муҳим роль ўйнашини ажратиб кўрсатгани ҳам тасдиқлайди. Бу кўрсаткич эса энг юқори бўлиб мактаб, бошқа ўкув муассасалари, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ролидан ҳам

<sup>197</sup> Каримов И.А. Элни Ватан манфаати бирлаштиради. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 195 б.

<sup>198</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўясасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 491 б.

юқори туради. Мазкур далиллар ҳам ушбу ҳодисага жамиятимиз истиқболига даҳлдор масала сифатида қараш лозимлигини кўрсатади<sup>199</sup>.

Айни пайтда, кампаниябозликтек иллатлар ҳам йўқ эмас. Бу миллий истиқлол гоясини тарғиб ва ташвиқ қилиш билан боғлиқ ишларимизда ҳам сезилмоқда. Буни Тошкент шаҳрида ўтказилган социологик тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Сўровда иштирок этган 1320 кишининг 25,8% “Бу ишлар кўпроқ ҳисобот бериш учун бажарилалайти” деб ҳисоблайди<sup>200</sup>.

Мафқуравий тарбия олдида турган вазифалар миллий ўз-ўзини англашнинг тўлақонли ривожланишига тўсиқ бўладиган юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш, олдини олиш билан чекланмайди. И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз”<sup>201</sup>. Бу ҳам мафқуравий тарбия олдида турган яна бир муҳим вазифадир.

Бу йўлда эса, энг аввало, мустақиллик шароитида содир бўлаётган буюк ижобий ўзгаришларнинг ҳақиқий моҳиятини кишиларимиз онгига сингдириш, уларни қадрлаш, асраб-авайлаш туйгусини шакллантириш, кўлга киритилган ютуқларни ривожланиши йўлида кучли иродава эътиқод билан ҳаракат қилиш лозимлигини англаб этишларига эришмоқ зарур. Бу йўналишдаги ишлар ҳар бир соҳада ўзига хослик касб этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, улкан тарихимиз, буюк маданиятилиз ҳар томонлама ўрганилаётгани, кишиларимиз маънавий дунёсингиннинг узвий қисмига айланаб бораётгани ва бу соҳада кўплаб амалий ишлар қилинаётгани тўғри ва ўринли. Ушбу йўналишдаги ишлар янада кенг қамров касб этмоғи, кишиларимиз онгида эса эртанги кунга ишонч туйгуси устувор бўлмоғи лозим. “Мустақилликка эришганимиздан сўнг, — деб ёзди Президентимиз, — биз соҳта мафқуранинг якка ҳокимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафқурани зулумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик.

Эндиғи асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазиикдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўйолмайди”<sup>202</sup>.

<sup>199</sup> Қаранг: Аналитический доклад по результатам социологического исследования: “Национальное самосознание”. – Т., 2001. – С. 5

<sup>200</sup> Қаранг: «Маънавият ва маърифат ҳаётимизда» мавzuида ўтказилган социологик тадқиқот натижалари бўйича тақлилий маълумотнома. – Т.: 2003. – 12 б.

<sup>201</sup> Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қўрмоқдамиш. // Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 298 б.

<sup>202</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. // Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасидир. 3-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 34.

Дунёқарааш тизимида эртанги кунга ишонч туйфуси устуворлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг аҳамияти энг аввало, шахс дунёқарашидаги барқарорликни белгиловчи ҳалқа сифатида чиқишида, иккинчидан, мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлардан чўчимасликка, уларга қарши тура олиш ва бартараф этишнинг оқилона йўлларини излашга ундашида, учинчидан, хулқидаги событик, изчиллик ва амалиётидаги фаолликни таъминлашга хизмат қилишида кўринади. Айни пайтда, бу туйфу кенг маънодаги ижтимоий тараққиёт мўлжалларининг нечогли аниқ ва асосли белгилаб олинганининг ўзига хос инъикоси ҳисобланади.

Шундай экан, бир томондан, Ўзбекистон ўз тараққиётининг ана шундай аниқ мўлжалини белгилаб олганини ва унга — буюк келажакка эришиш учун реал ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий асосларга эгалиги ва, бошқа томондан, фақат истиқлол, фақат ўз давлатчилигимиз ана шу мақсадга эришишнинг асосий кафолати бўлиши мумкинлиги мағкуравий тарбия жараёнида марказий ўринни эгаллаши шарт.

Узоқ вақт ҳукмрон бўлган бир қолипда фикрлашдек иллатдан қутилиш, тафаккурни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ақидалар кишанидан озод қилиш, кишиларимизда демократик тамойиллар, қонуннинг устуворлигига ҳурмат туйфусини камол топтириш бошқа бир муҳим ва-зифадир. Зоро, биринчидан, эркин фикрлаш кишиларимизнинг интеллектуал, ижодий салоҳиятини тўла-тўқис намоён этиш, фикрлар хилма-хиллиги ва ижтимоий тараққиётининг оқилона йўлларини то-пишга йўл очади.

Иккинчидан, эркин фикрлаш, фикрлар хилма-хиллиги демократиядан ташқари воқе бўлиши мумкин эмас. Айни пайтда, демократиянинг ўзини қадрият сифатида англаш, ҳар қандай муаммони ҳал қилишининг механизми, шахс, ижтимоий грух, миллатнинг яратувчилик қудратини рўёбга чиқариш воситаси сифатида тушуниш ниҳоятда муҳимдир. Демократия мавжуд муаммоларни ҳал этиш, кўзланган мақсадларга эришишга, турли кўринишдаги файриинсоний, экстремистик хатти-ҳаракатлардан сақланишга, бундай кучлар фаолиятининг олдини олишга замин яратади, юрт тинчлиги, эл омонлиги ва барқарор ривожланишини таъминлади. Фарзандларида ватанпарварлик туйфуси ҳукмрон бўлган миллатгина ўз Эрки ва Озодлигини, мустақил тараққиётини таъминлашга қодирдир.

Турли ижтимоий қатламлар, гуруҳлар мавжуд бўлган шароитда уларнинг интилиши ва манфаатлари ҳамма вақт ҳам бир-бирига мос кела-вермас экан, социал масъулият, яъни миллат бирлиги, жиспслиги, тақдирига дахлдорлик туйфусининг миллий ўз-ўзини англашда ҳукмронли-

гига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Ана шу руҳ ҳукмрон бўлган пайтдагина ижтимоий низоларнинг олди олинади, социал ҳамкорлик, фуқаролар ризолиги таъминланади.

Айни пайтда, мамлакатимиз кўп миллатли экан, асосий миллат сифатида миллий ўзлигимизни юртимиз фуқаролари ҳисобланмиш ўзга эл ва элатлар вакилларига чуқур ҳурмат, уларнинг ўзлигини, қадриятларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга бўлган интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий жавобгарлик, бир сўз билан айтганда миллий масъулият туйфусини тарбиялаш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Ана шундагина миллатлараро тотувлик, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик барқарор бўлади.

Бу масалага алоҳида эътибор лозимлигини социологик тадқиқотлар натижалари ҳам тасдиқлайди. “Ўзбекистон жамиятининг этноижтимоий моҳиятини қандай баҳолаган бўлардингиз?” деган саволга респондентларнинг мутлақ кўпчилиги (79,5%) Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлиб, унда миллати ва эътиқодидан қатъи назар фуқароларнинг тенг ҳукуқлигини қайд этгани ҳолда славянларнинг 21,9%, бошқа миллат вакилларининг 21,7% мамлакат тақдири учун титул миллат масъуллигини таъкидлагани фикримизнинг исботи бўла олади<sup>203</sup>.

Албатта, ижтимоий онгда бундай қарааш, тасаввур, туйгуларнинг мутлақ устуворлигига аниқ йўналтирилган ва тадрижий равишида амалга ошириладиган мағкуравий тарбия ёрдамидагина эришиш мумкин. Шундагина истиқлолимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, буюк истиқболимизни таъминлаш мумкин бўлади.

Миллатлараро тотувликни таъминлаш жараёнида амалга ошириладиган тарбиявий ишлар маҳаллий бўлмаган миллатларнинг руҳиятига хос хусусиятларга алоҳида эътибор беришни талаб этади. Чунки, уларнинг янги шароитга кўнишишига маданият, турмуш тарзи, диний эътиқоддаги фарқлар, давлат тилини билмаслиги каби омиллар ҳам таъсир қилишини ёдда тутиш зарур. Буларнинг ичida давлат тилини билмаслик ва этник стереотиплар асосий ўринни эгаллаб келмоқда дейиш мумкин.

Дунёқарааш ва хулқидаги номуайянлик асосан ёши катта фуқароларга тегишилдидир. Мазкур ҳолат бир томондан, ўсиб келаётган авлоднинг ёши катталарга нисбатан ўзгарувчан вазиятга кўнишиш жараёни қониқарли даражада кечётганидан далолат берса, иккинчи томондан, гоявий тарбия жараёнида асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларни ҳам кўрсатиб беради. ;

<sup>203</sup> Қаранг: Аналитический доклад по результатам социологического исследования: “Национальное самосознание”. – Т.: 2001. – С.10

Бу жараёнда маҳаллалар фаолияти, уларда ташкил этиладиган мағкуравий тарғибот ва ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўйиш яхши на-тижаларни беради. Чунки, маҳалла кишиларимиз ҳаётида муҳим роль ўйнайди, унинг ижтимоий барқарорлик ва ҳамжиҳатликини таъминлашдаги ўрни ниҳоятда каттадир. Масалан, “Республика фуқаролари турмуш тарзида миллий ва умуминсоний қадриятлар” мавзууда ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларига кўра, маҳалланинг муҳим ўринга эгалигини сўровда иштирок этган 60% фуқаролар таъкидлашган. Айни пайтда 61,7% респондентлар маҳалла ёрдамисиз ўз ҳаётларини тасаввур қила олмасликларини билдиришган<sup>204</sup>. Шу билан бирга, маҳаллий бўлмаган миллатлар вакилларини маҳалла фаолиятига актив жалб қилиш ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Чунки, социологик тадқиқотлар масалан, славянларнинг 77,9% маҳалла фаолиятида ва у ўтказаётган тадбирларда мутглақо иштирок этмаслигини кўрсатади<sup>205</sup>.

Миллий истиқтол гоясининг миллатидан қатъи назар барча фуқароларимиз онгода устувор бўлишига эришишнинг бошқа йўллари ва имкониятларидан ҳам фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотлар ҳам респондентларнинг уларнинг миллий-фуқаролик позициясининг шаклланишига таъсир қилувчи омиллар ичida мактаб, ўқув муассасаларининг ўрнини (56,1%), маҳалла ва жамоатчилик фикрини, оммавий ахборот воситалари, давлат, ҳокимият органлари ролини юқори баҳолаганликларини кўрсатади. Демак, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган мағкуравий тарбия жараёнда ана шу омиллардан ҳам унумли фойдаланишини долзарб вазифалардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Бунда миллий-маданий марказларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бугунги кунда миллий-маданий марказларнинг фаолиятидан ташқарида миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, байналмиладар тарбияни амалга ошириш, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдек вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш қийин. Вақт бу жараёнда, айниқса, у ёки бу диаспора вакиллари гуж яшайдиган жойларда, уларнинг ўрни ва роли ўсиб бораётганини кўрсатмоқда.

Ташкил топганининг дастлабки қадамлариданоқ миллий-маданий марказлар мамлакатимизнинг ижтимоий-маданий ҳаётида фаол иштирок этиб, миллатлар ва элатларнинг ўзига хос этномаданий манфаатла-

<sup>204</sup> Қаранг: Аналитическая справка по результатам опроса общественного мнения “Общечеловеческие и национальные ценности в образе жизни граждан Республики”. – Т.: 2002. – С. 21

<sup>205</sup> Қаранг: Информационно-аналитический отчет результатов социологического опроса: “Многонациональный Узбекистан”. – Т.: 2000. – С. 24-25

рининг ифодачиси сифатида чиқа бошладилар. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос ҳусусиятларини сақлаб қолиш, ривожлантириш ва шу йўл билан уларнинг ўзаро бир-бирини тушуниши ва бойишига хизмат қилишига кўмаклашиш бугунги кунда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказларнинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда.

Шундай бўлсада, бугунги кунда мавжуд салоҳиятдан етарли даражада унумли фойдаланиммоқда деб бўлмайди. Чунки, социологик тадқиқотлар жараёнда “Ўзингиз мансуб бўлган миллатнинг маданий маркази фаолиятидан хабардормисиз?” деган саволга респондентларнинг 53,8% “йўқ” деб жавоб бергани, фақат 22,1% унинг фаолияти билан яхши ва яна 24,0% қисман танишлигини маълум қилган. Сўровда қатнашган нотитул миллатлар вакилларининг 51,7% маданий марказлар миллий маданият ривожига хизмат қилиши мумкинлигини таъкидлаганини ҳам уларнинг мавжуд вазиятга таъсир қилиш имкониятининг юқорилигини кўрсатувчи далил сифатида баҳолаш мумкин<sup>206</sup>.

Маданий марказлар фаолиятидан бундай хабарсизликни бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Энг аввало, бу улар олиб бораётган фаолиятнинг асосан йирик шаҳарлар доираси билан чекланиб қолаётгани ва республиканизмнинг турли минтақаларида жойлашган айни миллат маданий марказлари фаолиятининг ўзаро мувофиқлаштирилмаган ҳолда амалга оширилаётгани билан боғлиқ.

Шу билан биргаликда, марказлар фаолиятига диаспоранинг турли қатламлари вакиллари жалб қилинмаётгани, муайян молиявий харажатлар топишнинг иложи бўлмаган вазиятда кўплаб тадбирларнинг қоғозларда қолиб кетаётгани ва амалга оширилаётган ишларни тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан етарли даражада фойдалана олинмаётгани каби сабабларни ҳам кўрсатиш зарур<sup>207</sup>.

Мазкур сабаблар баратараф қилингандагина маданий марказларнинг ўз диаспораси орасидаги юқори мавқенини таъминлаш мумкин бўлади.

Миллатлараро муносабатларда ижобийлик устувор бўлсада, салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар ҳам мавжудлигини таъкидлаш зарур. Ҳусусан, И.А.Каримов асарларида қайд қилинган, миллатлараро муносабатлар соҳасида муайян ноантагонистик зиддиятларнинг мавжудлиги, шўро давридаги ҳудудий-маъмурий чегараланиш, оммавий зўрлаб кўчиришлар, Марказий Осиё халқларини бир-бирига қара-

<sup>206</sup> Қаранг: Аналитический доклад по результатам социологического исследования: “Национальное самосознание”. – Т.: 2001. – С.13

<sup>207</sup> Қаранг: Алимов Т. Роль и задачи национально-культурных центров в формировании гражданского общества. // Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тараққиёт омили. – Т.: 2003. – С.14.

ма-қарши кўйишга уринишлар билан боғлиқ омилларни шулар жумла-  
сига киритиш мумкин<sup>208</sup>.

Ана шундай омилларнинг мавжудлиги миллатлараро муносабатлар  
соҳасидаги мавжуд муаммоларга алоҳида эътибор бериш лозимлигини  
кўрсатади. Зоро, зиддиятли вазиятлар, можаролар ўз-ўзидан келиб чиқ-  
майди. Улар муайян кучларнинг гаразли интилишларининг ҳосиласи  
ҳисобланади. Этнослар эса, аксарият ҳолларда, ана шу интилишларнинг  
курбони бўладилар.

Шундай экан, қайд этилган масалаларни доимий дикқат маркази-  
мизда тутиш, юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ва узокни кўзлаб  
ҳал қилишга ҳаракат қилишимизигина мамлакатимиздаги миллатлараро  
тотувликнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилиши мумкин.

-новдан - нафуса ёфим нинди ишора этномиграндекон эса аниб-  
-вада ёфим инсаннинг даражасига кимчабори сиз мега сенинг ташинишни тани-  
-тини билимларнини мурод ташинадиган. Биланомот оид юнновозим йи-  
-лохомос присоин, козигин ташинадиган. Натижаси сизга эса  
-тозига ёфим спилингаююнц ве натижаси ташинадиган тобе юннум оғирлапчиши.

## ХУЛОСА

Инсон ўзлигини англай бошлаган даврданоқ ҳаёти ва истиқболининг  
ойдин бўлишини таъминлайдиган билимлар тизимини яратишга интила-  
ди. Ижтимоий ғоялар ҳам ана шу эҳтиёждан келиб чиқсан. Миллатнинг  
туб манфаатларини ифода этадиган ва ҳамиша конкрет тарихий мазмунга  
эга бўладиган миллий ғоя ҳам миллат олдидা турган ижтимоий-сиёсий  
муаммо ва вазифалар, тил, маданият, ўз-ўзини англашнинг ривожлани-  
ши билан боғлиқ этник жараёнларнинг инъикоси ҳисобланади. Уларнинг  
тўғри англаниши ва аниқ ифодаланиши ҳамда тегишли ички ва ташки  
шарт-шароитларнинг мавжудлиги миллий ғоянинг ижтимоий ҳаётга таъ-  
сирининг тўлақонлик даражасини ва жамият ривожланишини таъмин-  
ловчи маънавий-маърифий омил сифатида чиқишини белгилаб беради.

Миллий ғоя ҳамиша конкрет мафкура шаклларида ўзининг яхлит  
назарий ифодасини топади. Унинг айнан қандай шаклда чиқиши мав-  
жуд тарихий вазият, жамиятнинг этник таркиби, сиёсий кучлар нисба-  
ти каби омиллар билан боғлиқ бўлади.

Бирор бир миллат бошқа миллатлар билан ўзаро муносабатга кириш-  
май, таъсирашмай туриб мавжуд бўла олмайди. Демак, биргаликда, му-  
носабатда бўлиш, биринчидан, айнан шу ҳодиса сифатида мавжуд бўлиш-  
нинг, иккинчидан ривожланишининг зарурий шарти ҳисобланади.

Шундай экан, ушбу тадқиқот номида ботиний тарзда акс этган  
миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар ўзаро қандай алоқада деган  
саволга миллатнинг этноижтимоий бирлик сифатида мавжуд бўлиши  
ва ривожланишини таъминлашга қаратилган миллий ғоя ва мафкура  
айни пайтда, ўзга миллатларнинг ҳам ўзига хос эҳтиёжларига ҳурмат  
рухи билан сугорилган гоявий-назарий қарашлар тизими сифатида на-  
моён бўлади ва бу уларнинг ижтимоий ҳаёт, миллатлараро муносабат-  
ларни такомиллаштиришнинг муҳим омили сифатида чиқишига замин  
яратади деб жавоб бериш мумкин.

Миллий ғоя ва мафкуранинг миллатлараро муносабатлар билан узвий  
алоқадорлиги ҳозирги кунда жаҳон майдонида кечётган жараёнларда ҳам ўз  
ифодасини топмоқда. Бу ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, илмий-тех-  
ник алоқаларнинг кенгайиши ва чукурлашиши, гоявий курашнинг глобал  
характер касб этиши шароитида этник моҳиятга эга мафкура шаклларининг

<sup>208</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик  
шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз  
билин қурамиз. 7-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 81-83 б.

ўзига хос иерархиясига асосланган дунёнинг янги мафкуравий манзараси – нинг шаклланаёттанида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу дунёнинг мафкуравий манзарасини, бир томондан, жаҳоннинг турли мамлакатларида ўзига хос тарзда кечётган этник жараёнларнинг инъикоси, иккинчи томондан, миллатлараро муносабатларнинг характеристири ва ривожланишга фаол акс ташсир кўрсатувчи омил сифатида қараш имконини беради.

Миллий ҳаёт ва миллатлараро муносабатлар соҳасида онглилик ва аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қилиш ҳолларининг кучайиб бориши эса миллий дифференциация ва интеграция жараёнлари ҳамда аксарият ҳолларда табиий-тарихий характеристерга эга бўлган кўп миллатлилкнинг ижтимоий-сиёсий омиллар таъсирида янада чукурлашувига сабаб бўлмоқда. Бу, бир томондан, дунёнинг миллий асосда бўлинишининг давом этишига, иккинчи томондан, миңтақавий интеграция қутбларининг юзага келишига замин яратадиган миллий сиёсатнинг ўзига хос моделларининг шаклланишига олиб келмоқда.

Мазкур сифатий ҳолатнинг чукурлашиб бориши дүёнинг миллий асосда бўлинишининг давом этиши билан бир қаторда миңтақавий интеграция қутблари, миллий сиёсатнинг ўзига хос моделларининг юзага келишига, дунё мафкуравий манзарасининг “миллий ранг” касб этишига замин яратмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда қарор топган миллатлараро тотувлик миллий истиқбол моясининг мазмун-моҳияти билан ҳамоҳанглигини таъкидлаш зарур.

Ўзлигини англаган, қадрлаган миллатгина бошқа халқларни ҳам ўзига тенг билади, уларнинг тараққиётини ўзининг камолоти билан боғлиқ ҳолда кўради. Ўзбекистон амал қилаётган миллий сиёсат моделлининг моҳиятини ташкил этадиган мазкур ёндашув инсон эркинлеклари ва ҳукуқлари устуворлигига, мамлакатда яшовчи турли миллат вакиллари ўртасида тенг ҳукуқлилик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларини қарор топтириш, улар ўртасидаги бағрикенглик, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳини янада мустаҳкамлаш ва чукурлаштириш ҳамда мавжуд маданий, диний, лисоний хилма-хилликни улкан бойлик, миллатлараро тотувликни ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва тараққиётнинг асосий шартларидан бири деб билишга асосланади.

Айни пайтда, бу турли шаклдаги гоявий таҳдидлар мавжуд бўлган бир вазиятда кишиларда мафкуравий иммунитет, социал ва этник толерантлик, ижтимоий ва миллий масъулиятни камол топтириш бугунги куннинг асосий вазифасига айланганини кўрсатади. Ушбу вазифаларнинг тўлақонли ҳал этилиши мавжуд социал барқарорлик ва миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш ва янада такомиллаштириш учун мустаҳкам замин яратади.

## ИЗОЛДУВАЛАСХОДИМ

### МУНДАРИЖА

|   |     |
|---|-----|
| Кириш .....   | 3   |
| I боб. Миллий ғоя: моҳият ва талқин .....   | 5   |
| II боб. Миллий мафкуранинг ижтимоий-тарихий моҳияти .....   | 26  |
| III боб. Дунёнинг мафкуравий манзараси ва унинг шаклланишида этник омилнинг ўрни .....  | 39  |
| IV боб. Кўп миллатлилк ва миллий сиёсат моделлари: тарих, воқеелик ва истиқбол.....   | 52  |
| V боб. Миллатлараро тотувлик – ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва тараққиёт омили .....   | 73  |
| VI боб. Диний бағрикенглик ва миллатлараро муносабатлар ривожи.....   | 86  |
| VII боб. Миллатлараро тотувлик гоясини тарғиб қилишда таълим тизимининг ўрни .....  | 99  |
| VIII боб. Оммавий ахборот воситаларининг мафкуравий жараёнлар ва миллатлараро муносабатлар ривожига таъсирининг ўзига хос хусусиятлари..... | 111 |
| IX боб. Мафкуравий тарбия ва миллатлараромуносабатларни янада такомиллаштириш: муаммолар ва вазифалар .....                                 | 123 |
| Холоса .....  | 131 |